


496
1982/11



МИР
НАРОДАМ!

В. И. ЛЕНИН ТИНЧЛИК
ВА ХАЛҚЛАР ЎРТАСИДА
ҲАМКОРЛИК БАЙРОҒИНИ
БАЛАНД КЎТАРДИ.
БИЗ БУ БАЙРОҚҚА
ҲАМИША СОДИҚ БЎЛИБ
ҚОЛАМИЗ.



ГУЛИСТОН
II
1982





ИНҚИЛОБИЙ АНЪАНАЛАР БЕШИГИ



СССРнинг
60 йиллиги
ОЛДИДАН

ГБ УзССР
Ж

БИЗИНГ СОЦИАЛИСТИК СОВЕТЛАР РЕСПУБЛИКАМИЗ ХАЛҚ-
АРО СОЦИАЛИЗМ МАШЪАЛИ БЎЛИБ ВА ҲАММА МЕХНАТКАШ-
ЛАР ОИМАСИ ОЛДИДА НАМУНА БЎЛИБ МУСТАҲКАМ ТУРАДИ.

В. И. ЛЕНИН.

Тошкент тепловоз ремонт заводи. Узининг саксон икки баҳорини қаршилаётган, байроғида Меҳнат Қизил Байроқ ордени яқираб турган ушбу корхона эндиан ўтганимда, ҳар сафар Октябрь номини дилига жо қилиб, революция иши галабаси учун курашининг олдинги сафиди борган, фидокорона меҳнати билан инқилобнинг буюк ғояларини амалга ошираётган кишилар жасорати ҳақида ўқиганларим, эшитганларим кўз олдимида жонланеди.

Журналхонларни корхона ҳаёти билан таништиришни завод музейидаги бир ҳужжатдан бошламоқчиман.

«...Улкага полициянинг ошқора ёки махфий назорати остида, сиёсий жиҳатдан ишончсиз темир йўл ишчилари ва давлат жиноятчиларининг оқиб келиши тўғрисида, асосан Закаспий ва Сирдарё областларида

яқиндагина пайдо бўлган революцион ташвиқот, шак-шубҳасиз, зарарли бўлиб қолмасдан, катта хатардир. Кейинги пайларда ишчилар ўртасида инқилобий хитобиюлар тез-тез тарқатилётгани сезилмоқда... Кўшимча қилиб шунга айтишим мумкинки, ташвиқот ташаббускорларининг фаолияти революцион нашрларни тарқатиш билан чекланиб қолмаслиги керак»,— деб хабар қилган эди Туркистон генерал-губернатори 1903 йил 9 августда Россия империяси ҳарбий министрига.

Оқ подшнинг Урта Осиёдаги гунаҳкори янглишмагани. Қозондан сургун қилинган слесарь В. Д. Корноушин Урта Осиё темир йўли Бош устaxonаси (завод илгари шундай деб аталарди)га ишга жойлашган, Тошкентда марксизмни пропаганда қилиш кучайди. 1903 йилнинг ўзида Бош устaxonада иккита социал-демократик тўғрак мавжуд эди. «Буви» (Корноушиннинг партизани лақаби) одатда машғулотларни ўз уйида олиб боради, кўпинча эса ишчиларни балиқ овига олиб чиқиб кетиб, у ерда сиёсий суҳбатлар ўтказар, ман қилинган адабиётларни ўқиб беради эди. Хуллас, ишчиларнинг онги уйғона бошлади. Бунинг самараси бўлиб 1904 йили Тошкентда биринчи марта 1 Май байрами нишонланди.

1905 йил ҳам кириб келди. Тўрт йилдан бери давом этаётган иқтисодий танглик меҳнаткашлар аҳволини баттар оғирлаштирган эди. 9 январь куни Петроградда ишчиларнинг тинч намоийши ўққа утилганлиги меҳнаткашлар сабр касосини тошириб юборди. Машъум хабар келган куннинг эртасига Бош устaxonа дурадоғори К. Д. Литвишко қуйидаги арақани гектографда тайёрлади: «Халқнинг ўзига ҳақиқий озодлик талаб қиладиган вақти етиб келди. Ҳа, озодликни илтимос қилиш эмас, талаб қилиш керак. Петербург кучаларида 9 январда тўкилган қон ўчи олишни талаб қиладиган».

Чоризмга қарши митинглар, иш ташлашлар одат тўсига кириб борарди. Ишчилар орасида большевикларнинг обрў-эйтибори кучайиб, сиёсий намоийшларда қатнашаётган ўзбекларнинг сафи кенгайиб борарди. Октябрь инқилоби кунларида Бош устaxonа ишчилар калъасига, революция кўрғонига айланди.

1917 йил 28 октябрь. Тонги соат 6. Гудок одатий иш кунини бошланганини хабар қилди. Ишчилар етиб келишган, базилар цехларнинг ўзидакё ётиб қолган эди. Мастеробойлардан Тошкент Совети ижроия комитети аъзолари А. Я. Першин ва В. С. Ляпин петроградликлардан намуна олиб, қурол кучи билан Совет ҳокимиятини ўрнатилга чарқидилар. Шаҳарнинг ҳамма қисмида инқилобий руддаги ишчилар ва солдатлар Бош устaxonага етиб кела бошладилар.

Кўзгонлон тўрт кун давом этди. «Устaxonада ишлайдиган ўзбеклар ҳам рус ишчилари билан бир сафда туриб, контрреволюционерларга қарши жанг қилдилар»,— дея хотирланди. Октябрь революцияси қатнашчиси И. Гусанов.— Улар орасида қуюв цехининг ёш ишчиси Раҳимов ажраллиб турарди». 1917 йил 1 ноябрда Тошкентда ҳокимият Советлар қўлига ўтди.

Музей экспонатлари орасидаги мана бу телеграммага эса доҳиймиз Лениннинг табарқур имзоси чекилган: «Совет Россиясининг Совет Туркистони билан қўшилиши муносабати билан ҳамма кучларни паровозлар ва ҳаракатдаги составларни ремонт қилиш учун сафарбар этиш керак. Мудофаа кенгаши бунинг учун депо ва мастерскояларининг барча куч-

ларини жалб этишни тасвия этмоқда. Революция ва Қизил Армия галабасидан Туркистон ва Россиянинг иқтисодий ҳаётини юксалтириш учун фойдаланиш керак.

Қизил Туркистонга салом!
Мудофаа кенгаши раиси —

Ленин».

Телеграмма 1919 йил 30 августда битилган. Граждандлар уруши давом этаётган, ҳўжалик издан чиққан суронли кунлар. РКП(б) Марказий Комитети Шарқий фронтдаги оғир аҳволни ҳисобга олиб, барча партия ва касба союз ташкилотларини революционерларга хос фидойилик кўрсатиб ишлагга даъват этди. Ленин партиясининг чақирғига жавобан Москва — Сортировочная станцияси ишчилари 12 апрелда сменадан кейин қолиб, эрталаб соат олтигача текинга учта паровозни ремонт қилиб бердилар. 7 майда эса Москва — Қозон темир йўли коммунистлари коммунистик шанбалик ўтказиш ташаббуси билан чиқдилар.

В. И. Ленин «Буюк очин» деб атаган бу ҳаракатга Туркистонда биринчи бўлиб Паровоз-вагон ремонт заводи коллективи қўшилди. Улар буюк доҳий чақирғидан руҳланиб, 24 январдан бошлаб транспорт ва ёқили тартибга тушгунга қадар иш кунини узайтиришга қарор бердилар. Туркистон республикасининг ҳарбий ишлар бўйича комиссарлиги: «...Уз иштирлари билан иш кунини вақтинчалик 10 соатга етказган Туркистон темир йўли Тошкент заводи ишчиларидан ўрнак олинг»,— деб аҳолига мурожаат қилди.

1919 йил 11 октябрда завод ишчилари биринчи коммунистик шанбаликда қатнашдилар. Уша йили ҳаммаси бўлиб йигирма икки марта шанбалик ўтказилди. Жами 30 та паровоз, 667 та вагон ва 1400 жудф ёлдирак ремонт қилинди.

Корхона меҳнат аҳлининг улўф доҳийга, пролетариат йўлбошчисига меҳр-муҳаббати, садоқати чексиз эди. Улар В. И. Ленин хотирасини ўзига хос абадийлаштиришга қарор бердилар. Туркистон ўлкасида ўрнатиладиган Ильиничинг биринчи ҳайкали лойиҳасини таниқли меъморлар эмас, балки оддий ишчилар темирчилик цехи бошлиғи Резуенко бошчилигида яратдилар. Едгорликни ўрнатилга юзлаб ишчилар, темир йўл билим турти талбалари қатнашдилар. Ҳайқал Улўф Октябрнинг 7 йиллик байрами кунларида очилди.

Урта Осиёда биринчи бўлиб қурол билан баррикадаларга чиққан ишчилар бунёд этган ўша тарихий ёдгорлик корхона ҳовлисида, анвойи гуллар оғушида савлат тўкиб турибди. Едгорликнинг шоҳсулуси поршенлардан ясалган. У пролетариатнинг ҳаракатлантуручи кучини рамайи маънода англатиб туради. Поршенлар ёлдираклар устида — гўё тарих ёлдираги устида айланади. Ричаглар ва регуляторлар эса пролетариатнинг турли даврда олиб борган кураши ҳамда ҳар хил мамлакатлардаги воқеалар шиддатининг ифодаси.

1925 йили Бутуниттифок оксоқоли М. И. Калинин Ўзбекистонга келди. У «Қизил Шарқ устaxonаси (заводнинг ўша даврдаги номи) ишчилари билан учрашўвда:

— Сизлар, ишчилар, ҳокимиятни қўлга олишни удалабгина қолмай, янги давлатни туза олишингизни, мамлакатни шўлаб чиқаруви кучларини юксалтириш қўлингиздан келишини исботлашингиз керак,— деб ўқтирди.

Марра анқи эди. Қизил шарқчилар барча кўрсаткичлар бўйича урушдан олдинги даражага етиб олишни кўзлаб меҳнат қилдилар. Натижанда 1925 йилнинг сентябрга келиб, устaxonада меҳнат умумдорлиги 1913 йилдагидан 15 процента кўтарилди. Цехларда янги асбоб-ускуналар ўрнатилди. «Қизил Шарқ» устaxonаси бу соҳада мамлакатдаги энг яхши корхоналардан бирига айланади. Паровоз ва вагонларнинг беқор туриб қолши 54 кундан 46 кунга қисқартирилди.

— Эсимда,— дея ҳикоя қиладиган корхона ветерани, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Абдушўкур ота Қодиров,—1935 йил кузида мамлакат бўйлаб ётиб ошновчилик ҳаракати кенг ёйилди. Заводимиз ишчилари донбаслик шахтёр Алексей Стахановнинг шўх-

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!



Ўзбекистон Компартияси
Марказий Комитетининг
ойлик ижтимоий-сиёсий,
адабий-бадий журнали

№ 11 (393)
Ноябрь
1982

Журнал 1925 йилдан чиқа бошлаган

Ўзбекистон Компартияси
Марказий Комитетининг наشريети

ИЛМ-ФАНИМИЗ ИСТИҚБОЛИ

Обид СОДИҚОВ,

Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, ЎзССР Фанлар академиясининг
президенти, академик



Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг шу йил сентябрь ойида бўлиб ўтган VII Пленумида илмий тадқиқотларнинг самарадорлигини кучайтириш ва уларнинг натижаларини ҳаётга жорий этишни ташкиллаш, шу йил билан фан ва ишлаб чиқаришнинг алоқасини муҳташамлаш зарурлиги алоҳида таъкидланди. Пленум йўналиш беш йилликда ришилган муваффақиятларини қайд этган ҳолда ўн биринчи беш йилликка фан олдида турган муҳим вазираларини белгила берди. Бу борада, усусан, Озик-овкат программасини малга ошириш, пахтачилик комплекси тармоқларини ривожлантириш, минерал хом ашё ва иссиқлик-энергетик ресурсларини излаб топшни явом этириш ҳамда улардан рационал фойдаланиш, «Сув», «Озуқа», Кукунлашган металлургия», «Композицион материаллар», «Меҳнат ресурслари» каби муҳим халқ ҳўжалик ҳаётига молик проблемаларини айтиш лозим.

Ўзбекистон ССР Фанлар академияси мамлакатимизда йирик илмий марказлардан бири бўлиб, 35 та илмий-тадқиқот муассасаларини, 7 та конструкторлик бюроси ва 2 та тажриба заводини ўз таркибига бириштирган. Бу ерда 16 миң ходим, жумладан 42 академик, 58 мухбир аъзо, 231 фан доктори, 1718 фан кандидати меҳнат қилади.

Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг илмий муассасалари ўн биринчи беш йилликда Иттифок миқёсда олиб борилаётган 30 хил йўналишдаги асосий илмий-техникавий программани бажаришда иштирок этаётган ҳамда табиий ва ижтимоий фанлар соҳасидаги 51 йўналиш бўйича тадқиқот ишларида қатнашиб келаётганлар. Илмий-техникавий тараққиётнинг комплекс программасини ҳамда ишлаб чиқариш кучларининг раванқи ва уларни жойлаштириш схемасини тўзиб чиқиш, қуёш энергиясидан фойдаланиш, ҳисоблаш техникаси, аτροφ муҳитни

муҳофаза қилиш, тарих, фалсафа, иқтисод, ҳуқуқ ва бошқа соҳалар бўйича ҳамкорликда тадқиқот ишлари амалга оширилаётган. Илмий-тадқиқот ишларини марказлаштириш бўйича Республика Совети ва Тошкент илмий маркази жамоатчилик асосида фаолият кўрсатмоқдалар.

Маълумки, Ўзбекистон пахта етиштириш бўйича Иттифокда етакчи ўрнини эгаллайди. Шу сабабдан Фанлар академиясининг институтлари олиб бораётган асосий тадқиқот йўналишлари пахтачилик комплекси билан боғланган ва унинг бош мақсадларига бўйсундирилган. Академик олимлари яратган уруғнинг «Тошкент» навлари кишлоқ ҳўжалиги ишлаб чиқаришда кенг қўлланилаётган. Бу нав уруғнинг турини бешинчи марта алмашинувни таъминлади ва ҳосилдорлигини 1970 йилдан гектар бошига 26,3 центнердан, 1980 йилда 33,2 центнерга етказиш имкониятини берди. Фойдали ҳўжалик комплекси белгиларига эга бўлган

«Тошкент—6», «АН—Ўзбекистон—3», «АН—Самарқанд—2» ва «АН—Самарқанд—3», «Фарҳод», «Оқ олтин—3», «Октябрь—60», «АН—Боёвут—2», «Калтапоё—1» каби пахтанинг истиқболли навлари ҳаётга йўланма олди. Ҳозирги кунда республикадаги пахта майдонларининг 65 фоизига ана шу навли чигитлар экилаётган. Ун биринчи беш йилликда пахта навининг олтинчи алмашинуви ўтказилди.

Пахта ва бошқа маданий экинлар ҳосилдорлигини оширишга имкон берувчи комплекс агроусуллар ва деҳқончилик системаси ишлаб чиқилди, улар илмий жиҳатдан асослаб берилди.

Академия олимлари пахта саноати чиқиндиларидан фойдаланиш масалари билан боғлиқ муҳим илмий муаммолар устида иш олиб бормоқдалар. Ана шу тадқиқотлар натижасида бир қатор махсулотларни ишлаб чиқариш имкониятлари вужудга келди. Масалан, гўзапонинг турпуган аъзоларидан 100 дан зиёд

атиға ҳавас билан қарадилар. «Қизил Шарқ» илгорлари Стаханов эришган ютуқда, у эгаллаган маррада деярли умумдорлигини ошириш ва ишлаб чиқариш амалини кўпайтиришнинг бевосита имкониятларини ўрдилар. В. Д. Савитунов, А. Муҳаммадзонов, Умаров, И. С. Донец каби дастлабки қирқ икки нафар стахановчининг номи корхона тарихига зарар ҳарфлар билан ёзиб қўйилган. Шулардан бири — фрезерчи Султон Умаров эди. У стахановчилик арақатиға қўшилиб, топшириқни уч, кейинчалик ўрт барабар ортиғи билан бажара бошлади.

«Бирок Султон Умаровни ўзининг меҳнат умумдорлиги қониқтирмади ва у дастохнинг имкониятидан самарали фойдаланиш учун техникани укуроқ ўрганишга аҳд қилди,— деб ёзишди 1938 или «Бизнинг фахримиз» китобида.— Узоқ излашлар беҳуда кетмади. Деталь йўнишининг оқилона сулларини йўлаб топди. Дастохларнинг иш сурияни оширишга кўмак берадиган бир неча рационализаторлик таклифи киритди. Қарабисизки, С. Умаровнинг меҳнат умумдорлиги етти марта ошиб тушибди».

1934 йил 21 январда корхона коллективи ВКП(б) VII съездиға ақойиб совға таёйрлади. Шу кунда авода Урта Осиёда биринчи марта пўлат қўйилди. Изил шарқчилар Урта Осиё, Самара — Златоуст ва уркистон — Сибирь темир йўллариини, шунингдек, еспубликадаги кўпгина кишлоқ ҳўжалиги машина-озлиги корхоналарини ўзлари қўйган пўлат билан аъминлай бошладилар. Кўп ўтмай заводда пайванданининг моҳир усталари етишиб чиқдики, улар павоз ўтхонаси қозонининг чоқларини пайвандилишини СССРда биринчи бўлиб ўзлаштирдилар.

Музей экспонатларидан ана бир намуна. У 1943 или СССР Давлат Мудоффа комитетидан олинган ақтуб. «1-темир йўл билан юрти ўкувчиларига изил Армия бронетанк қўшинлари тўғрисида гамўрлик қилганликлари учун меннинг кўзгини саломимиз ва Қизил Армиянинг миннатдорчилигини етказишнингиз сурайман. И. Сталин».

Мазкур билим юрти паровоз-вагон ремонт заводи қарашли. Талабалар Улуғ Ватан урушининг аслабки кунлариданоқ фронтга кетган оталари, келари ўрнини эгалладилар. Ахир, заводдан 1 миң 55 азамат Ватан ҳимоясига жўнаган эди. Бунинг тига мамлакат ичкарисидан Днепрпетровск,

Изюм, Ростов, Запорожье, Воронеж, Конотоп паровоз-вагон ремонт заводлари кўчириб келтирилган эди. Уларни зудлик билан жойлаштириш зарур эди. Давлат Мудоффа комитети корхонаға снаряд, кейинчалик эса граната, авиабомба, миномёт, санитар поездлари ишлаб чиқаришни йўлга қўйишни топширди. Айтишга осон. Корхона ишчилари ва инженер-техниклари ўзларига бутунлай янги бўлган махсулотларни таёйрлашни ўзлаштириш учун қанчадан-қанча тунарни бедор ўтказдилар. Манфур душманға чексиз нафрат, ғалабаға қатъий ишонч уларни руҳлантирди.

Корхонанинг Улуғ Ватан уруши йилларидаги тарихида бронепоездлар алоҳида ўрин тутди. Шулардан бири — «Ўзбекистон». Уни яратишда деярли барча ишчилар қатнашди. Кўнгиллилардан алоҳида зарбдор группа ва бригадалар тузилди. Цехлар ва айрим бригадалар ўртасида социалистик мусобақа авж олди.

«Ўзбекистон» зирдли поезди 1942 йили I-Украина фронтига топширилди. Бронепоезд экинжи Курск ёнидаги жангларда, Киев ва Житомирни озод қилишда душманға қирон келтирди. Ғалаба кунини Берлиндан 60 километр нарида — Бранденбургда кутиб олди.

Улуғ Ватан уруши даврида Урта Осиё темир йўли алоҳида аҳамият касб этганди. Чунки Жанубий фронт учун стратегик юклар шу йўлдан ташилларди. Натижада ҳаракат состави қўлайиб, паровозларни тез ва сифатли ремонт қилиш талаб этиларди. Буни яхши тушулган Тошкент паровоз-вагон ремонт заводининг цех ва участкалари коллективлари «Фронт бригадаси» номини олиш учун умумхалқ курашиға қўшилдилар.

Қирқ йилдан ортиқ умрини жонажон заводни бағишладим,— дея давом этади Абдушукр ота Қодиров.— Бутун ўзғаришлар кўз ўнгимда содир бўлди. Яқинда завод касабасою комитетидагилар коллективнинг Совет ҳокимияти йилларидаги социалистик мусобақаси яқунларини таҳлил қилиб чиқшди. Шундан бир неча рақам келтирай: Сўнгги эзлик йил ичиде корхонанинг техниквий қуролланиши ўн мартадан зиёд ўсди. Локомотивлар ремонт қилиш ҳажми етти барабар ошди. Чўян эриштиш 34 барабар қўпайди. Коллектив мамлакат турдош коллективлари ўртасида биринчи бўлиб «ТЭ-3» (СССР) ва «ЧМЭ-2»

(Чехословакия) тепловозларини ремонт қилишни ўзлаштирди. Социалистик мусобақа ҳам тақомиллашиб, оммалашиб борди. Тўғри, биринчи беш йилликлар даврида ҳам сифат тўғрисида гамхўрлик қилдилар. Лекин, яширшининг ҳожати йўқ, асосий эътибор кўпроқ махсулот ишлаб чиқаришға қаратилган эди. Негаки, у вақтларда кўп нарс етишмасди. Ҳозирги аҳвол бўлакча. Кам маблағ сарфлаган ҳолда қўллаб сифатли махсулот ишлаб чиқариш — шу кунинг шиори! Демак, мақсадлар анча мураккаблашиб, махсулоти тобора ортмоқда. КПСС XXVI съездининг ўн биринчи беш йилликда ишлаб чиқариш самарадорлиги ва сифатини юксалтиришға зўр бериш тўғрисидаги даъвати ҳам бежиз эмас. Кейинчалик «Октябрь» революцияси» номини олган бу корхонада ремонтдан чиққан тепловозларнинг сифати тобора яхшиланаётгани тўғрисида истеъмолчилардан олинаётган мақтублар ишчиларнинг махсулоти ўсганлигини билдиради. Анниқроқ, уларнинг маҳорати, билим савияси ва малакаси ҳам ошмоқда.

Ҳа, болшевиклар даъвати билан Октябрь инқилобини амалга оширганларнинг ворислари бугунги кунда завод шухратини янада кенг ёйдилар. Булар — Ўзбекистон ССР Олий Совети депутати Николай Железнов, Октябрь революцияси ордени ишондорни Абдуллажон Султонмуродов ҳамда Абдушукр Қодиров, Донец, Корнев, Кобзев каби ветеранларнинг ишчи сулоалари... 40 миллатға мансуб бир неча миң киши бу ерда қўлни қўлга бериб меҳнат қилаётган.

Завод гудоғи биринчи марта 1900 йил 10 майда янграб, Туркистонда ишчилар синфининг ташкил топишға туртки берди. Бу гудок 1917 йил 28 октябрда тошкентликларни қуроли қўзғолонга қорлади. 1919 йил январда халқини исёнчи осповчиларға қарши олтирди. Мана энди у ҳар йили В. И. Ленин туғилган кун арафасида коммунистик шанбалик бошланишдан хабар қилмоқда. Бу гудок ҳар чалинганда ота-боболарнинг революцион, жанговар ва меҳнат қўн-шухрати аънавалари муқаддаслигини, у ишончли қўллашда эканлигини эслатади.

Жўра ХОЛҚОСИМОВ,

СССР Журналистлар союзи
мукофоти лауреати



КПСС Марказий Комитети Сийёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари **ШАРОФ РАШИДОВИЧ РАШИДОВ** (ўртада), СССР Фанлар академиясининг президенти, академик **АНАТОЛИЙ ПЕТРОВИЧ АЛЕКСАНДРОВ**, Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг президенти, академик **ОБИД СОДИҚОВИЧ СОДИҚОВ** суҳбатлашмоқда.

С. Давидов фотоси

ўзига хос бирикмалар ҳосил этилди. Чунинчи, гўза апроклардан лимон ва олма кислотаси олиш мумкин. Бундан ташқари, ўсшини тезлаштирувчи препарат тайёрлашда ундан унумли фойдаланилмоқда. Шунингдек, вирусларга қарши препаратлар кашф этилди. Чигит шротини (чигит қобиғи ишлангандан кейинги чиқинди) дан фитин ва оқсил олиш технологияси ишлаб чиқилди.

ЎзССР ФА олимлари озуқа базасини ривожлантиришга ҳам муносиб ҳисса қўшаётлар. Чала сахаро ва сахарларда ўсимлик дунёсини бойитиш, гўзалояларни қорамоллар озуқаси учун ферментлаштириш, чорвачиликда, ипакчилик ва паррандчиликда хорелладан фойдаланиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилди ва

улар илмий асосда жорий этилмоқда.

Радиоактив изотоплар ва радиация техникасини ҳосил этиш ва қўл-лаш, хусусан Р—32 радиатив изотопи асосида ортофосфор кислотаси ишлаб чиқариш бўйича олиб борилаётган тадқиқотлар маълум ва машҳурдир. Ишлаб чиқарилаётган радио-препаратлар Совет Иттифоқи, Болгария, ГДРдаги икки юздан зиёд ташкилотларга етказиб берилаетир. Активацион анализ методлари эса саноат, қишлоқ хўжалиги, фан ва техника, медицинанинг деярли барча соҳаларида амалий суратда қўллани-летир.

Кибернетиканинг назарий ва амалий масалаларининг, хусусан, мурак-каб технологик жараёнларни муво-

фиқ тарзда бошқаришнинг математик методлари ва алгоритмларини ишлаб чиқиш ишлари кенг ҳажмда олиб борилмоқда. Кибернетика соҳа-сидаги муҳим тадқиқотлар, бошқа-рининг қатор автоматик система-ларини ишлаб чиқиш ва амалга оши-риш имкониятини берди. Шунинг натижасида бошқаришнинг республи-ка автоматик системаси биринчи навбати яратилди, министрлик ва бошқармаларда, бир қатор област-ларда ана шундай системалар ишга туширилди.

Кўп тармоқли кон саноати, иссиқ-лик-энергетика саноати ва бошқа соҳаларни муваффақиятли ривож-лантириш учун Ўзбекистонда қудрат-ли минерал-ҳомашё базаси вужудга келди. Республикадаги сахаро ва

чала сахаро ерларни кенг суратда ўзлаштириш ва халқ хўжалиги эҳти-ёжларига бўйсундириш ишлари са-марали давом этмоқда. Бунда геол-огларимизнинг тадқиқий ишлари муҳим аҳамиятга молик бўлаётир. Фойдали қазилмалар ўрни қидириб топилди, асосли равишда ўрганиб чиқилди ва юзлаб ана шундай кон-лар фойдаланишга топширилди. Улар орасида кўмир, нефть, табиий газ мис, олтин конлари бор.

Сейсмология соҳасида ва ерости силкинишларига чидамли бинолар қурилишида олиб борилаётган назарий ва амалий ишларнинг натижалари мамлакатимиз ва чет эллардаги сейсмик зоналарда, жумладан Тошкент, София метрополитенларида ерости қурувларини ётқизишда, БАМ-даги тоғоти темир йўлларида му-ваффақият билан қўлланилмоқда.

Совет фанини ривожлантириш ва илмий кадрлар тайёрлашдаги хиз-матлари учун Ўзбекистон ССР Фан-лар академиясининг кўпгаб олимлари ва ходимлари ҳукуматимизнинг юксак мукофотларига сазовор бўл-дилар. Бир киши Ленин ордени, ик-ки киши Октябрь революцияси ор-дени билан таъдирланди, 4 киши Меҳнат Қизил Байроқ, 3 киши Халқ-лар дўстлиги, 12 киши Ҳурмат белги-си ордени билан мукофотланди. 8 кишига Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиқ-лари топширилди. Илмий ходимлар-дан 6 киши Ўзбекистон ССРда хиз-мат кўрсатган фан арбоби фахрий унвони билан таъдирланди.

1981 йилда 2 киши фан ва техни-ка соҳасида СССР Давлат мукофоти лауреати, 17 киши фан ва техника соҳасида Беруний номидаги Ўзе-бекистон ССР Давлат мукофоти лауре-ати бўлди. Кўпгина илмий тадқиқот институтлари Кўчма Қизил байроқни олишга лойиқ топилдилар ва СССР Фанлар академияси ҳамда касаба союзлари Марказий Комитетининг мукофоти билан таъдирландилар Булар — Усимликлар экспериментал биологияси, Биорганик кимё, Иқти-сод институтлари, Ишлаб чиқариш кучларини ўрганиш Совети, «Кибер-нетика» Ўзбекистон илмий-саноат бирлашмаларидир. Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Шарқшунослик институти эса, Осий, Африка ва Со-вет Иттифоқи халқлари ўртасида тинчлик ва дўстлик алоқаларини мустаҳкамлашдаги хизматлари учун Абу Али ибн Сино номидаги АПН Халқаро мукофотига сазовор бўл-ди.

Табиий ва ижтимоий фанлар бўйи-ча муҳим масалаларни тадқиқ этиш илмий-техник проблемаларини ҳа-л қилиш соҳасида зарур ишларни амалга ошириш билан бирга илмий тадқиқотларнинг самараларини хал-қ хўжалигига жорий этиш бўйича диқ-қатга сазовор ишлар қилинмоқда. Учинчи беш йилликда Фанлар ака-демиясининг 1,5 миллиард сўлдан зиёд иқтисодий самарага эга бўлган 67-та тақлифи халқ хўжалигига жорий этилди. Академия тадқиқотлари учун сарф этилган ҳар бир сўм 5 сўм 81 тииндан самара берди.

Озиқ-овқат программаси вазифа-ларини муваффақиятли бажариш учун яйловларнинг самардорлигини кескин суратда ошириш, оқсил мод-даларининг етишмаслигига барҳал бериш, ферментлаштирилган гўза-позлардан озуқабоп моддалар иш-лаб чиқариш, чорвачилик ва шолч-корликда хорелла кўллаш, респу-бликадаги ўсимликлар ресурсларида янада кенг фойдаланиш, озиқ-овқ-а маҳсулотларини сақлаш ва қайта и-лаш учун микробиология ва химия методларини такомиллаштириш ис-зимдир. Физиологик ва экологик проблемаларни чуқур ўрганиш асо-сида чорва молларининг маҳсулдор-лигини ошириш, ўсимликларни ил-лаштириш, зараркунадларга қарши самарали чораларни ва сани-тарбия-гигиена тадбирларини ўтказиб бўйича тадқиқот ишлари амалга оширилаётир.

КПСС Марказий Комитетининг май (1982 йил) Пленуми талаблари асосида Фанлар академияси конкрет тадбирларини ишлаб чиқди. Илмий тадқиқот институтлари, барча фан тармоқларининг кундалик ва истиқбол вазифалари белгилаб берилди. Химия фани олдида муҳим вазифалар турибди. Янги полимерлар ва композицион моддалар, актив физикологик бирикмалар ҳосил этиш, аэроф муҳитини заҳарлашга монелик кўрсатадиган ва хомашё манбаларидан комплекс ва тўлиқ фойдаланишни таъминлайдиган технологик жараёнларни ишлаб чиқиш биринчи даражали муҳим вазифалардан ҳисобланади.

Меҳнат унвдорлигини изчил ошириб бормасдан туриб, совет халқи фаровонлигини муттасил ўстириш мумкин эмас. Меҳнат ресурсларининг кўпгина қисми республика қишлоқ хўжалигида тўпланган. Шу сабабдан қишлоқ хўжалигида меҳнат унвдорлигини доимий суратда ошириб бориш, уни сановатдаги меҳнат урларидан бирига айлантириш, ишлаб чиқаришни комплекс механизмлаштириш ҳамда унинг ташкилий шакллари ва бошқаришни такомиллаштириш борасида илмий тадқиқот ишларини янада кўпайтиришни тақозо этади. Ана шу вазифаларни ҳал этишда қўл меҳнатини механизмлаштирилган иш билан алмаштириш заур. Бунда академия муҳим ҳисса ўшиши лозим. Бироқ бу йўналишдаги ишлар суръати қониклар даражасида эмас, назар вазифаларини изил ва муваффақиятли аналга ошириш учун шарт-шароит яратилганича ўқ.

КПСС XXVI съезди ва Ўзбекистон омпартиясининг XX съезди илган олдида жуда катта вазифалар ўйди, олимларнинг ва барча илмий тадқиқот институтлари коллективларининг мамлакатимизнинг эртанги уни учун, коммунистик истиқбол сари ҳаракатларимизнинг тезлашуви учун гражданик масъулиятини ширди. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг VII Пленуми Республикада илм-фан тараққиётининг аниқ вазифаларини белгилаб берди. Партиямиз гажҳурлигига жабобан табиат ва жамият қонунларини муваффақият билан изчил тадқиқ этиш, фан ва техника соҳасида эришган натижаларини янги куч ва илм билан ҳаётга изчил татбиқ этиш совет олимларининг фахрли вазифасидир.



Мамлакатимиз барча халқларининг мустақкам, бузилмас дўстлиги — ССР Иттифоқи олтинчи йиллик йўлининг энг муҳим якунларидан биридир, куч-қудратимизнинг бош манбаларидан биридир.

Л. И. БРЕЖНЕВ

Биз, совет кишилари, жаҳон тараққиёти бизнинг янги жамият қуришдаги тажрибаларимиз, ютуқларимиз билан бойингалгидан ҳақли суратда фахрланамиз...

Ш. Р. РАШИДОВ

САМАРАЛИ ТАДҚИҚОТЛАР

СОДИҚ АЗИМОВ,

ЎзФА академиги, физика-техника институти директори

Республикаимиз физиклари мазкур фаннинг жуда кўп тармоқларида йирик натижаларни қўлга киритдилар ва эришган муваффақиятлар билан Иттифоқимизда етакчи ўринлардан бирини эгалладилар. Бинобарин, юксак энергия физикаси соҳасида жаҳоншумул тадқиқотлар амалга оширилди. Хусусан, биринчи марта ядро-П-мезонларнинг кичкина тешикдан ўтишида ёйилб парчаланиши топилди; ядро — актив зарралар [П-мезонлар, протонлар ва нейтронлар]нинг ўзаро таъсири чоғида иккиламчи зарраларнинг пайдо бўлиши чуқур таққослаб аниқланди; ўзгарувчан ҳажм ўзгармас микдорнинг ажойиб методи ишлаб чиқилди.

Яримўтказгичлар физикаси соҳасида ҳам улкан муваффақиятларга эришилди. Иккидй тадқиқотларимиз халқ хўжалиги масалалари билан узвий боғлиқдир. Яримўтказгич хомашёсини вужудга келтириш боқичида комплекс тадқиқотлар олиб борилди. Ватанимиз техникасида ишлатиб кўрилмаган хилма-хил ядро нурланишининг яримўтказгич датчиклари яратилди ва ишлаб чиқаришга жорий этилди. Бу соҳадаги мукамал тадқиқотлар асосида магнитнинг жисмларга таъсирини ўлчовчи асбоблар, сурат қабул қилгич [фотопрёмник]лар, маълумотлар муносибатини боғлаб таёёрловчи қурилмалар, турли мақсадларда фойдаланувчи опто-электрон ускуналар ва шунга ўхшаш қатор асбоб ҳамда қурилмалар ишлаб чиқилди, ҳаётга татбиқ этилди. Ядро спекторскопи юзасидан олиб борган илмий изланишларимиз натижаси ўлароқ анализ қилишда турли

моддаларнинг микроотишмасини кенг қўллашга эришдик. Атом зарралари билан қаттиқ жисм юзасининг ўзаро таъсирини ўрганиш юза тузилиши ҳамда қаттиқ юза структурасининг спектрометрини ўрганувчи янги усуллари ишлаб чиқишнинг асоси бўлиб қолган бир қатор туб қонуниятларни аниқлашга ёрдам берди. Эришилган самара асосида сановат типдаги манфий ионлар манбаи ишлаб чиқилди.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг самарадорлигини оширишда исқилқ-энергетика имкониятларидан фойдаланишга йўналтирилган амалий ишлаб чиқариш ҳам институтимиз коллективининг фаолиятда асосий ўрин эгаллайди. Илмий изланишларимиз туфайли сўнгги йилларда пахта-чилик учун [чигитни туксизлантирувчи комплекс йўл, чигитни саралаш соҳаларида] хилма-хил асбоблар яратилди, улар ишлаб чиқаришга жорий этилди. Пилланинг ипақдорлигини, Стирлинг двигатели негизда қуёш нурини динамик ўзгартрувчи, қуёш

иссиқлиги ва иссий сув билан таъминлаш системалари асбоблари иختиро қилинди. Ўзбек физикларининг мана шундай иختируларини халқ хўжалигида қўллаш орқали бир йилда ўн миллионлаб сўм иқтисодий сарамага эришилаётганининг ўзи коллективимиз меҳнатининг ёрқин кўзгусидир.

Илмий ишларимиз даражасини янада ўстириш, тадқиқотларнинг юксак самарадорлигини таъминлаш, уларни халқ хўжалигига жорий этишни тезлаштириш ва бошқа муҳим ишлар Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг VII Пленуми қарорлардан келиб чиқадиган асосий вазифаларимиз ҳисобланади.

КПСС XXVI съезди ҳамда Ўзбекистон Компартиясининг XX съезди тарихий қарорларини бажариш, план топшириқларини ўз вақтида ва сифатли адо этиш, моддий ҳамда молиявий бойликлардан тежаб-тергаб фойдаланиш учун коллективимиз ўзининг бугун имкониятларини ишга солади.



Меҳнат Қизил Байроқ орденли Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш инженерлари институтининг партия комитети секретари, техника фанлари кандидати Х. Х. Хайруллаев [чапдан ўннга], Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалиги министри А. А. Уркинбоев, малака ошириш факультети бўйича проректор, техника фанлари кандидати, доцент Г. А. Тимофеев, СССР Қишлоқ хўжалиги министрининг ўринбосари В. С. Шевелуха, факультет декани Т. Р. Иброҳимов, институт ректори,

химия фанлари доктори, профессор С. И. Искандаров, факультет декани, техника фанлари кандидати, доцент Б. Ш. Файзуллаев, ўқув ишлари бўйича проректор Ф. М. Раҳимбоев, гидромелиорация факультетининг декани, геология-минералогия фанлари доктори, профессор С. Ш. Мирзаев ўртоқлар ўзаро фикр алмашмоқдалар.

М. Нуриддинов фотоси



ЗИЛЗИЛА ВА ФАН

Гани МАВЛОНОВ,

ЎзФА академиги, Сейсмология институтининг директори

Ўзбекистон ССР Фанлар академияси илмий муассасалари ва ташкилотларининг касба-союз комитетлари СССРнинг 60 йиллиги муносабати билан социалистик мусобақани авж олдира бориб, илмий тадқиқотларнинг самарадорлигини оширишга алоҳида аҳамият берилган. Айниқса шу йил май ойида илмий муассасаларнинг раҳбарлари ҳамда касба-союз комитетларининг раислари иштирокида ўтган семинар олимларни изчил ижодий ишларга сафарбар этди. Натижада вужудга келаётган ихтиролар ва тадқиқотларнинг ҳаётга жорий этилиши тезлашди. Геолог ва сейсмолог олимларимизнинг илмий тадқиқотлари асосида 129-сон илмий кашфиёт 1978 йилги Олой ер қимирлашини, Газли ва Назарбек зилзилаларини олдиндан билиш имконини берди.

Гарбий ва Жанубий Ўзбекистоннинг сейсмик районлаштирилган картаси тузилди. Шунингдек, Тошкент, Самарқанд, Чирчиқ, Оҳангарон, Олмалик, Андихон, Наманган, Фарғона, Жиззах, Зарафшон сингари бир қатор шаҳарларнинг, республикамиздаги йирик қурилиш майдонларининг сейсмикорайонлаштирилган картаси ишлаб чиқилди. Сейсмологик районлаштириш ҳамда микрорайонлаштириш соҳасидаги

тадқиқотларимиз Беруний номидаги Ўзбекистон ССР Давлат муфотига сазовор бўлди.

Учинчи беш йилликда институтимиз коллективи томонидан олиб бориладиган илмий тадқиқотларнинг халқ хўжалигига жорий этилиши натижасида 10 миллион сўм миқдорда даромад олинди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг VII Пленуми қарорлари биз олимларни ижодий изланишларни янада кучайтиришга даъват этди. Институтимиз коллективи зиммасига зилзилани олдиндан аниқлаш соҳасидаги тадқиқотларни янада изчил давом эттириш, бу борада юксак самарадорликка эришиш вазифалари юқланди. Бундан кейин ҳам республикамиз халқ хўжалигининг муҳим объектларини сейсмик микрорайонлаштириш, сейсмик маълумотлар бўйича иш унумдорлигини ошириш ишлари давом эттаверди. Сўнги изланиш якунлари ўн биринчи беш йилликда тугалланади ва халқ хўжалигида фойдаланиш учун топширилади. Бундан 9—10 миллион сўм маблағ иқтисод қилиниши мўлжалланаётган. Институтимиз, коллективи фаннинг истиқболли йўллари сари дадил интилиб, фан равақини таъминлашга ҳисса қўшаверади.

ЯНГИ НАВЛАР — ҲОСИЛДОРЛИК ГАРОВИ

Жўра МУСАЕВ,

ЎзФА Ўсимликлар экспериментал биологияси институтининг директори, профессор

Пахта — халқимиз бойлиги, ифтихори. Шу сабабли Ўсимликлар экспериментал биологияси институтининг коллективининг бутун диққат-эътибори пахтачилик биологияси масалаларига қаратилган. Бу ерда муҳим асосли амалий тажрибалар кенг суратда изчил ўтказилаётган. Ҳозирги пайтда турли хил намунавий сифат толарига эга пахта навларидан иборат улкан коллекция тўпланди. Институт генофондида табиатда мавжуд бўлган 37 тур пахтанинг 27 ёввойи тури ва тўртта маданийлаштирилган турга мансуб 4 мингга яқин намуналар навлари бор. Селекцияда муваффақиятли равишда фойдаланиш мумкин бўлган намуналар қиёсий баҳолашдан ўтказилди ва бирмунча қимматбаҳо турлари ажратиб олинди. Вертицилез вилтга инсбаган анча чидамли мексика пахтасининг ёввойи тури худди шу йўсинда топилди. «Тошкент» группаси пахта навлари учун мазкур тур бошланғич материал бўлиб хизмат қилди. Сўнги йил давомида бу навлар республикамиздаги пахта майдонларининг қарийб 65 фоизига экилди. Бу навларни қўллаш натижасида фақат ўзинчи беш йилликнинг ўзидагина бир ярим миллиард сўм иқтисодий самарадорликка эришилди.

Институтимиз олимлари селекцияда генетик усул билан ендашиш ва шу йўлни қўллаш натижасида 30 дан зиёд юксак сифатли пахта навлари етиштирилди. «АН-402», «АН-Самарқанд-2», «Ўзбекистон-3», «Тошкент-6» сингари бир қатор навлар ҳосилдорлиги, вилтга чидамли-

лиги, тезпишарлиги ва ишлаб чиқаришдаги афзалликлари билан алоҳида ажралиб туради. «Самарқанд-3», «Фарход», «Оқ олтин», «Октябрь-60», «АН-калпаюв-1», «АН-Боёвут-2» ва бошқа истиқболли янги пахта навлари турли боқичларда синовдан ўтказилиб кўпайтирилмоқда. Шунингдек институтимиз пахтачиликнинг янги навларини ажратиб агротехника бўйича ишларни кучайтиришни кўзга тутаётган. Суғоришнинг намунавий режимини белгилаш, минерал ўқиларни қўллашнинг самарали усулларини ишлаб чиқиш агротехникалар шул ар жумласидандир.

Истиқболли фан соҳаларини кен қўлашда такомиллаштириш ва фойдаланиш мuddатини қисқартириш бутунги куннинг долзарб масалаларидан бири ҳисобланади.

«Оқ олтин», «Фарход», «АН-Ўзбекистон-3», «Самарқанд-3», «АН-Самарқанд-2» янги пахта навлари топсининг сифати юксаклиги ҳамда тўқимачилик саноати талабларини тўлиқ жавоб бера олиши билан СССР Енгил саноат министрлигининг СССР Қишлоқ хўжалиги министрлигининг юқори баҳосига сазовор бўлди. Таҳминийлашча, пахтачиликнинг олтинчи нави алмашинуви мана шу серхсил, тезпишар, ҳар тарафлама чидамли навлар ҳисобига яратилади.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг VII Пленуми қарорларидан илҳомланган институтимиз коллективи бутун куч ва имкониятларини илм-фанни равақ топдириш ишига сафарбар этди.



ИНШООТЛАРИМИЗ МУСТАҲҚАМЛИГИ УЧУН

Тўхтамурод ЖУРАЕВ,

ЎзССР Фанлар академиясининг мухбир аъзоси, ЎзФА Механика ва иншоотлар мустаҳкамлиги илмий тадқиқот институтининг директори

Ўтган беш йилликда институтимиз илмий ходимлари катта муваффақиятларни қўлга киритдилар. Бинобарин, сиқилувчи ва сиқилмас суюқликлар учун чегара қатламлари назарияси масалалари борасидаги тадқиқотнинг математик усуллари ишлаб чиқилди. Математик физиканинг ноқласмик тенгасмаси учун тармоқ масаласи назарияси яратилди. Метрополитен иншоотларининг сейсмик мустаҳкамлигида динамик ҳисоб назарияси асослари, ерсти қувур йўллариининг мураккаб системаси яра-

тилди, инженер-сейсмометрик станция ташкил этилди. Ҳован деворли қувурларда кўпфазали воситалар ҳаракати назариясининг асослари ишлаб чиқилди. Шунингдек, ўтган беш йилликда йўналтирилган газлар оқимида иссиқлик алмашинуви жараёнлари ва дискрет зарралари билан чегара қатламлари оқимининг ўсиши ҳамда шаклланиши проблемалари тадқиқ қилинди. Бундан ташқари пахта териш техникасида, пахта тозалаш ҳамда тўқимачилик саноатида қўлланиладиган механизм ва аппа-

ратларнинг янгилари ихтиро этилди, ишлатилаётганлари такомиллаштирилди.

Умуман, институтимиз коллективи эришаётган ютуқлар халқимизга катта фойда келтираяпти. Чунинчи, ўзинчи беш йиллик давомида 53 та ихтироини ҳаётга тадбиқ этиш натижасида 50 миллион сўмлик иқтисодий самарага эришилди.

Институтимиз коллективи ўн биринчи беш йилликда янада юксак муваффақиятларни қўлга киритиш учун курашмоқда. Бинобарин, бу

беш йилликда институтимиз томонидан олиб бориладиган тадқиқотларнинг асосий мазмуни шундан иборатки, механиканинг янги масалаларни қўйилиши корректностини текшириш ҳамда уларнинг аналитик — яқинлашув усуллариини ҳал этишни ишлаб чиқиш; Урта Осиё регионининг ўзгаришчан назарда тутиб, келгуси ерсти ва ерустик иншоотларининг сейсмик мустаҳкамлигини ҳисоб-китоб қилиш йўллариини такомиллаштириш; тупроқ емирилишига қарши курашиш ҳамда кўкаламзорлаштиришнинг самарали йўллариини қидриб топиш; ишлаб чиқариш унумдорлигини ошириш ҳамда пахта риш ва уни қайта ишлаш учун маълумотларнинг узлуқсиз узок ишлаш таъминлаш ва ҳоқоза проблемаларини олимларимизнинг эътиборида бўлаётган. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг шу йил сентябр ойида бўлиб ўтган Пленуми қарорлари республикамиздаги бошқа илм-фан ўқоқлари сингари бизнинг институтимиз фаолияти учун ҳам дастур аналдир. Шунингдек, Ўзбекистон Компартияси Тошкент область комитети билан Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг Тошкент илмий макази партия органларининг сан билан фаннинг алоқасини мустаҳкамлаш ва илмий тадқиқотларни мказлаштириш бўйича чиқарган қарорлари ҳам илм-фаннинг илмий қуси тараққиёти учун муҳим аҳамиятга эга.



ЮТУҚ ВА РЕЖАЛАР

Омон ҲИҚМАТОВ,
ЎзФА Иқтисод институти директори, профессор

Жамиятшунос олимларимиз республикамиздаги кичик ва ўртача шарҳларнинг 1990 йилгача бўлган тасодий ва сибсий йўналишини тиборда тутиб «Илмий-техник жабдан ҳамда унинг Ўзбекистон ССР йилча 2000 йилга қадар сибсий-иқсодий истиқболига таъсир комплекс программасини ишлаб чиқди». Аҳоли муаммолари, меҳнат кучидан мақсадга мувофиқ равишда тайдаланиш ва халқ ҳўжалигида хўжат самарадорлигини ошириш имларимиз томонидан лухта ўрғаб чиқилган масалалардир.

томонидан Сурхондарёда бронза давридан кейинги асрларга оид шаҳар қурилиш маданиятининг илк босқичлари тадқиқ этилаётди.

Археологик ёдгорликлар ва обидаларни таъмирлашнинг янги усуллари ишлаб чиқилди. Шунингдек, Тошкент, Хива, Жиззах шаҳарларининг ёшини аниқлаш бўйича тадқиқот ишлари амалга оширилди, Термиз шаҳри ёшини аниқлаш ишлари давом этаётди.

Олимларимиз Шарқнинг қомусий олимлари асарларини ўрганиш ҳамда уларни нашр этиш борасида ҳам катта ютуқларни қўлга киритдилар. Ал-Хоразмий, Форобий, Берунийнинг асарлари ўзбек ва рус тилларида босиб чиқарилди. Москва ва Тошкентнинг таъбат тарихчилари биргаликда Абу Али ибн Синонинг маш-

хур «Тиб қонун» илмий асарларини ҳам ҳар икки тилда китобхонларга тақдим этдилар.

Диалектика назарияси, социалистик миллатларнинг яқинлашувида, нокапиталистик тараққиёт йўлининг тажрибалари, социалистик миллатларнинг маънавий маданиятини ўзaro бойитиш масалаларини республикага тадбиқан ўрганиш борасида, Ўзбекистон халқларининг қадимги, ўрта аср, замонавий тарихи муаммоларини ҳал этишда, ўзбек тили ва адабиётининг тадрижий ривожини кўрсатувчи шарҳ қўлёзмаларини ўрганиш ва нашр қилишда маълум муваффақиятларга эришилди. Ривожланган социализм даврида Ўзбекистон миллий-давлат раванқидаги замонавий аъналар чуқур таҳлил этилди, республикадаги ҳўжалик ва сибсий-мада-

ний қурилишни бошқариш усуллари кўрсатиб берилди. Совет Федерацияси шароитида давлат-хўкуқ қурилишининг қиссий хўқуқшунослиги қўлланимаси ишлаб чиқилди.

Ун биринчи беш йилликда иктимой фанларнинг вакиллари ўз кучларини ривожланган социализмнинг иқтисодий ва сибсий муаммоларини ҳал этишга, коммунизмга ўтиш қонуниятлари борасида олиб борилаётган илмий тадқиқотларни янада чуқурлаштиришга ҳамда ривожлантиришга сафарбар этидилар.

Жаҳонда рўй бераётган тарихий жараён асосида давлат ва хўқуқнинг назарий муаммолари соҳасида; мамлакатимизда социалистик ва коммунистик қурилиш соҳасида; капиталистик босқич ва унгача бўлган сибсий-иқтисодий йўналишлар тарихи соҳасида; социалистик миллатлар ҳамда миллий алоқаларнинг шаклланиши ва тараққиёти соҳасида, яна бошқа шунга ўхшаш соҳаларда ҳам тадқиқот ишлари олиб бориш режалаштирилган.

Иктимой фан институтилари олимлари иқодий ҳамкорлик шартномалари асосида, шунингдек ҳўжалик ҳисоботи орқали Жиззах шаҳрининг узоқ даврга мўлжалланган сибсий-иқтисодий ривожланиш плани, министриликлар ва идораларнинг белгиланган норма аклари тўплавларининг асосий йўналишлари ишлаб чиқилди. Иқтисодчи олимлар «Пахта» комплекс программаси ва бошқа муаммоларини ҳал этишга муносиб ҳисса қўшадилар.

ЖАНГОВАР ВАЗИФАМИЗ

Дилшод ТУЛАГАНОВ,

Косон район партия комитетининг биринчи секретари

КПСС Марказий Комитетининг май Пленумида бул этилган Озиқ-овқат программаси партияимизнинг шу ўн йилликдаги иқтисодий стратегиясининг муҳим таркибий қисмидир. Бу программа КПСС Марказий Комитетининг 1965 йил март Пленумида ишлаб чиқилган доно аграр сибсатнинг изл давомидир.

Маълумки, ўша тарихий март Пленумидан кейинган давр ичида қишлоқ аҳолисини социал-маий турмуш шaroитлари анча яхшиланди. Совхоз-рдаги ишчи ва хизматчиларнинг ўртача ойлик иш ки 1980 йилда 1965 йилга нисбатан икки баравар, лхозчиларнинг иш ҳақи 2,3 баравар қўлайди. Қишқ аҳолисини уй-жой шaroитида катта ўзгариш юз берди. Ун йилликча мўлжалланган Озиқ-овқат программасида эса аҳолини ҳамма турдаги иқ-овқат билан таъминлашни имкони борича тез-қўйла қўйиш, энг қимматли маҳсулотларни исьомол қилиш ҳисобига овқатланиш таркибини анча шиллаш кўзда тутилган.

Республикамизнинг барча меҳнаткашлари қатори йонимиз деҳқонлари ҳам партия ва ҳўкуматимизг халқ фаровонлигини оширишга қаратилган хўруқларини қизғин кутиб олдилар. Улар бу у программанинг бажарилишига муносиб ҳисса-сини қўйиш учун ҳар қачонгидан кўра унумли хўжат қилмоқдалар. Район партия комитети ҳўжаларимизда Озиқ-овқат программасининг изчил қариллишини таъминлашга қаратилган амалий тад-олаб белгилаб чиқди. Биз бутун имкониятларини ҳисоблаб кўриб, 1985 йилда 1980 йилга нисбатан гўшт этиштиришни 3 баравар, сут этиштириш-1,7 баравар, тухум этиштиришни 3,5 баравар лайтириш режаларини тузиб чиқдик.

Район партия комитети чорвачиликни иxtисослаш-тиш ва маҳсул чорвачилик ҳўжаликларини ташкил шда коммунистлар ва комсомолларнинг авандлигини йўлга қўйишга алоҳида эътибор бермоқ-Бунда район ҳўжаликларидега ер фонидан те-3-тергаб фойдаланишга эътибор бермоқдамиз. салан, янги йирик ўрдакчилик комплексини таш-

кил этишда Ерқўтон тўқайзорларидан фойдаландик. Ботқоқ, қамшизор ерларнинг захи қочрилиб, ўрдакчилик корпуслари барпо этдик. Янги чорвачилик комплексларини ишчи кучи билан таъминлашда биз ёшларнинг ғайратига суянмоқдамиз. Аммин Умарий ва Шевченко номили ўрта мактабларни тамомлаган ёшлардан 60 нафарни айни пайтда район комсомол комитетининг йўланмаси билан ўрдакчилик комп-лексига келиб ишламоқдалар. Мазкур ҳўжалик ди-ректори ўртоқ Тожи Султонов ишчи яхши уюшти-риш, ёш кадрларнинг муҳим бўлиб қолиши учун алоҳида жонкуярлик кўрсатмоқда. Зероки, ўрдакчи-лик комплекси коллективи шу йилнинг учинчи квар-тали планини ҳам ошириб бажарди, асраладиган ҳўжалар сонини 160 минггага етказди. Ўрдакчилик комплекси бундан буён яна кенгайди. Беш йиллик охиригача комплехсда асраладиган паррандалар сонини 1 миллионга етади.

Биз район коммунистларининг, қишлоқ ҳўжалик мутахассисларининг кучига таяниб, маҳсул чорвачи-лик ҳўжаликларини ташкил этмоқдамиз. 55 минг қўвнга мўлжалланган қўвнчилик комплекси, ҳўжа-лиқлар қoшида ўнта чўчкачилик фермаси ҳам ишга тушди. Шунингдек, чўчкачилик ва бўрдоқчиликка иxtисослашган совхоз тузилди.

Албатта, янги ҳўжаликларни тузиш ва бу ҳўжа-ликларини ишчи кучи билан таъминлаш осонликча бўлгани йўқ. Район партия комитетининг бюро аъзо-лари янги ҳўжаликларга бирктирилган. Улар комму-нист ва комсомолларнинг фаоллигини таъминлашда ташкилотчилик қилмоқдалар.

Биз ана шу янги ва иxtисослашган чорвачилик ҳўжаликларини ташкил этиш ҳисобига беш йиллик охирига бориб йиллик гўшт этиштириш салмогини 8 минг 500 тоннага, сутни 10 минг 810 тоннага ва тухумни 14 миллион 80 минг донага етказишни режалаштирганмиз.

Баҳорнинг кўрoқ келиб, лалми дон ва табиий ем-хашакнинг кам бўлиши чорвадорларимиз учун катта қийинчиликлар туғдирди. Илгарги йиллари лалми ғаллазорларнинг дони ва сомони йиғштириб олинган, майда туёқли моллар анғизга ҳайдаб боқи-лар ва совуқ кўнлар тушгўнча қоракўл қўйлар эт олиб қоларди. Бундай моллар эса совуққа бардош-ли бўларди. Бу йил эса лалми ерлардаги имконият-ларимиз кўрoқчилик оқибатига чекланди. Табиийки, бу йилги қиш чорвадорларимиз учун қаттиқ синов бўлади. Район партия комитети буни ҳисобга олиб,

чорва учун озуқа этиштиришда сувли ерлардан унумли фойдаланишга жиддий эътибор бермоқда. Озуқа экинларни аралаш экиш, бир майдондан икки ва ҳатто уч марта ҳосил олиш тадбирларини кўриб; дони учун экилган маккажўхориға хашки лавлагги ёки жавдар аралаштириб экилди. Шунингдек, беда-зорларни эътибор билан парвариш қилиб, қайта-қайта сугориб, уни беш мартагача ўриб олишга эришдик.

Партияимиз Марказий Комитетининг май Пленуми қарорларида ва Озиқ-овқат программасида корхо-налар ва ташкилотлар қoшида ёрдамчи ҳўжаликлар-ни ташкил этиш озиқ-овқат маҳсулотларини кўпайти-ришда муҳим резерв эканлиги алоҳида таъкидлан-ган.

Ёрдамчи ҳўжаликни ташкил этишда шошма-шо-шарликка йўл қўйиш мумкин эмас. Бу нарса бир қатор ташкилий ишлар билан, биринчи навбатда, ер ва маблағ билан боғлиқдир. Биз район икромия комитети ва қишлоқ Советлари раҳбарлари билан биргаликда колхозларнинг ер фондарини ўрганиб чиқдик. Колхоз правлениеларининг розилиги билан корхоналар ва ташкилотларга ёрдамчи ҳўжалик ташкил этиш учун ер акратиб бердик. Шунингдек, уларга банк системаси орқали қарага маблағ бери-лишини тартибга солидик.

Кўп билан кенгашиб амалга оширган бу ишлари-миз аллақачон ўз самарасини бермоқда. Ҳозир райондаги ўн бешта корхона ва ташкилот ўзининг ёрдамчи ҳўжаликларига эга. Ёрдамчи ҳўжаликларда 400 боддан ошиқ қорамол, қарийб 4 минг қўй-эчки, 2 мингдан ортқ қўвн асралоқда.

Ёрдамчи ҳўжаликлари бўлган корхона ва ташки-лотлар ўз коллективларини озиқ-овқат маҳсулотла-ри билан таъминлашдан ташқари давлатга қўйлаб микдорда гўшт ва сут маҳсулотлари топширмоқда-лар. Айниқса, 2-пахта тозалаш заводи, 92-автотранс-порт корхонаси ва шаҳар савдо бўлими ёрдамчи ҳўжаликларининг ишлари ибратлидир.

Умуман, чорвачилик районида ҳўжаликларининг зарбдор тармоғи бўлиб қолди. Ҳозир чорвачилик ишлаб чиқариш участкаларига ишчан коммунистлар-дан 180 киши етакчилик қилмоқда. Бошланғич пар-тия ташкилотлари чорвачилик ҳўжаликларининг меҳ-нат коллективлари ўртасида социалистик мусобақа-ни қизитиш ва моддий-маънавий рағбатлантириш ишларини уюштиришда алоҳида фаоллик кўрсат-моқдалар. Тожи Омонова, Муҳим Қўрбонназарова, Зухра Темирова, Мунаввар Ҳақбердиева, Розия Эргашева сингари моҳир соғувчиликчи, Ленин номили совхозининг ферма мудири Рауф Салоев каби ташкилотчи коммунистларнинг иш тажрибалари районидаги миқсёда кенг оммалаштирилмоқда.

Ҳеч шубҳа йўқки, райониимизнинг ишчан ва ахди-га вафодор меҳнаткашлари озиқ-овқат маҳсулотла-ри маъмуричилигини таъминлашга ўзларининг муно-сиб ҳиссаларини қўшадилар.

Озиқ-овқат программаси амалда



Тошкент метрополитенининг В. И. Ленин номидаги бекати пештоқига ўрнатилган барельеф.

Н. Шарипов фотос

ТОШКЕНТ МЕТРОСИ — ДЎСТЛИК РАМЗИ

Шоиноят ШОАБДУРАҲИМОВ,

В. И. Ленин номидаги Тошкент метрополитенининг бошлиғи

Совет халқи Коммунистик партия раҳбарлиги остида ижтимоий тараққиётнинг барча жабҳаларида бемисл зафарлар кучди. Социалистик жамиятимиз босиб ўтган шонли 60 йил чўққиларидан орта назар ташлар эканмиз, барча муваффақиятларимиз СССР халқлари бузилмас дўстлиги билан чамбар-час болғиқ эканлигининг яна бир қарра гувоҳи бўламиз. В. И. Ленин номидаги Тошкент метрополитени ҳам ижодкор халқимиз шаънига, дўстлик ва биродарлик шаънига қўйилган ўзига хос ҳайкаллардан биридир.

Урта Осиёда ягона Тошкент метрополитени эшикларининг очилганига беш йил бўлди. Аъло даражадаги бадий архитектура-меъморчилик безаклари миллий ўзига хос анъанавий услублар билан уйғунлашиб кетган ерости саройларидан иборат ноёб иншоотни — Тошкент метрополитенини бутун мамлакатимиз қурди деб айтиш мумкин. Метрополитени қурилиши умумхалқ қурилиши деб эълон қилинди. Метро қурилишига Совет Иттифоқининг 120 шаҳаридан 250 завод ускуналар ва материалларни етказиб бериб турди. Бекатларни ишга туширишда Тошкент шаҳри аҳолисининг қўшган ҳиссаси ҳам беиноҳа кўпдир. Мактаб ўқувчилари, студентлар, ишчилар, инженер-техник ходимлардан 5—10 минглаб киши ҳар куни қурувчиларга ёрдам бериб турди.

Шуниси қувончлики, ҳамма жойда — кишиларнинг меҳнатида, архитектура-меъморчилик безакларида ва бекатларнинг номидаги интернационал дўстлик рамзи намойиш бўлаётди. Масалан, «Халқлар дўстлиги» деб номланган бекат ҳақиқатан ҳам биродарлик, қардошлиқ рамзига айланган.

Метрополитенининг бадий архитектура-меъморчилик безакларини лойиҳалашда 20 дан зиёд коллектив иш олиб борди. Халқимизнинг тарихий равнақини ва республикамизнинг миллий қиёфасини энг яхши акс эттирган ишлар учун конкурслар эълон қилинди. Масалан, «Октябрь инқилоби» бекати безаклари воситасида Урта Осиё халқларининг Совет ҳокимиятини ўрнатилгандаги иштироки муҳасамлаштирилган. «СССР 50 йиллиги» бекати эса Совет ҳокимиятининг ярим асрлик юбилейига бағишланган. «Чилонзор» бекатини безашда ўзбек халқининг ҳаёти

ва турмушига онд жиҳатларга алоҳида эътибор берилган.

Биринчи йўлнинг иккинчи бўлими бекатлари Ҳамид Олимжон, Пушкин, Горький каби буюк сўз усталарининг номи билан аталади. Мазкур бўлимга бутун ҳаёти, серқирра ижоди ва ижтимоий фаолиятини Совет ҳокимияти учун фидо этган Ҳамза номида юритилувчи бекат билан пўлат излар орқали боғланган.

Бизнинг метрополитен сейсмик зонада жойлашганлиги туфайли барча иншоотларнинг юксак даражада мустаҳкам бўлиши эътиборга олинган. Метро фойдаланила бошланганидан буён 300 дан зиёд ерости силкинишлари қайд қилинди. Лекин энгилза хуружлари иншоотга заррача бўлсада зарар етказма олмади.

Маълумки, метрополитен иссиқ иқлимли шароитда жойлашган. Шу сабабли йўловчиларга қулай имкониятлар яратиш муҳимдир. Ана шу мақсадда Ватан метросозлиги тажрибасида биринчи марта станцияларга бериладиган ҳавони тозалаш ва адиеватик совутиб берувчи система ўрнатилди. Поездлар ҳаракатининг хавфсизлигини ва аниқлигини таъминлаш мақсадида бошқаришнинг комплекс автоматик системаси жорий этилди. Бундай мураккаб ҳўжаликни ишлатиш учун юксак маҳорат ва аниқ ижрочилик интизомини талаб қилади.

Метрополитенини ишга тушириш учун биринчи мутахассислар Урта Осиё темир йўлининг энг яхши ишчи ва хизматчилари орасидан танлаб олинди. Уларнинг олдига метрополитенини ишлатиш учун зарур барча мутахассисларни жамлаб ўлаштиришдек муҳим вазифа турарди. Бу борада Москва, Ленинград метрополитенларининг қардошлиқ ва биродарлик анъаналарига содиқ мутахассислари ёрдамга келдилар.

Мамлакатимизда ҳаракатда бўлган метрополитенларнинг тажрибали мураббийлари раҳбарлиги остида поезд машинистлари ва ёрдамчилари, станция бошлиқлари ва навбатчилари, электромеханиклар, йўл ишчилари етиштирилди. Ишга тушириш даврида Москва, Харьков метрополитенларининг мутахассислари тақлиф этилди. Дўстона ўзаро ёрдам, илғор тажрибаларни алмашиб туриш ҳозир ҳам

бошқа метрополитенлар коллективлари билан ҳам қорлигимизнинг негизини ташкил этади.

Метрополитен ишга тушганидан буён 360 миллион пассажирга хизмат кўрсатилди, хизмат курси тиш ҳажми суткасига 141 мингдан 270 минг йўловчига етди, меҳнат унумдорлиги 65 процентга кўтарилди, пассажир ташиш таннархи 22 процентгга ёки 13,6 тийиндан 10,7 тийинга камайти.

Эндилқда Тошкент метрополитени пойтахт аҳолиси ва меҳмонларининг энг сеvimли транспорт корхоналаридан бирига айлиниб қолди. Маъмури номига йўлланган 6 минг 300 та миннатдорчилик мактуби ана шундан далолат беради.

Қардош республикалардан ва чет эллардан У.бекистонга ташриф буюрган меҳмонлар Тошкент метрополитенида бўлиб, унинг мухташам иншоотга ва юксак даражада ташкил этилган иш услуби юқори баҳо бермоқдалар. Меҳмонларнинг ҳаммаси бекатларнинг гўзал ва орасталлиги, поездларни бир меъёрдаги ҳаракати ва йўловчиларга яратилган қулайликларни алоҳида эътироф этмоқдала «Сизларнинг бекатлардан иборат метро йўлигингиз энг қимматбаҳо марварид шодларига қиёслаш мумкин», деб ёзади Тошкент метроси ҳақида Испаниянинг СССРдаги факултода ва мухтор элчи Л. Г. Пернат И. Элио.

Владимир Ильич Ленин туғилган куннинг 110 йиллиги муносабати билан ҳамда республика меҳна кашларининг хоҳиш-иродаси инобатга олиниб, Тошкент метрополитенига доҳиймиз Владимир Ильич Лениннинг табаррук номи берилди.

Ҳозирги пайтда метрополитен коллективи «Юксак маданиятли ва намунали жамоат тартиби ўрнатилг, корхона» номини олиш учун курашмоқда. Метрополитеннинг 5 та бўлиминиси ёки коллективнинг 56 проценти ана шу юксак номга сазовор бўлди.

Яқинда Тошкент шаҳри ва шаҳар ҳўжалиги тараққиётининг бош плани тасдиқланди. Унинг таркиби, Тошкент метрополитени қурилишининг давом эттириши ўз ичига олган комплекс транспорт ривож ҳам бор. Ҳозирги пайтда қурилишининг буюк шои ва мутафаккир Алишер Навоий бекатидан Авиасозлар шаҳарчаси бекатигача бўлган иккинчи йўловчи суръат билан давом эттирилмоқда. Мазкур йўлнинг 5 та бекатидан иборат 5 ярим километ узунлиқдаги Тошкент бекатигача бўлган биринчи бўлими Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 60 йиллиги байрами арафасида фойдаланишга топширилади, унинг Авиасозлар шаҳарчасига бўлган иккинчи бўлими эса 1985 йилда, белгиланг муддатдан анча барвақт ишга туширилади.

Алишер Навоий бекатидан Студентлар шаҳарча орқали Қорақамиш массивига бориб туташуви иккинчи йўл учинчи бўлимининг техник иқтисодий асосларини ишлаб чиқиш жараёни тугалланмоқда. Шунингдек, Юнусобод массивидан бошланиб, Октябрь инқилоби ва Ойбек бекатлари орқали Аэровокзал билан туташуви учинчи йўл қурилишига доҳидрогеологик тадқиқот ишлари олиб боришмоқда. Ун биринчи, ўн иккинчи беш йилликларда Тошкент метрополитени янада равнақ топади. 2000 йил бориб ерости йўлларининг узунлиги 50 километдан ортади.

Республикамиз пойтахтининг кўркам кўрк бўли қўшилган Тошкент метрополитени Советлар Иттифиқининг шонли 60 йилли давомида метиндай мустамлакманган СССР халқлари дўстлигининг ўзига хос рамзий ифодаси ҳамдир.

Қишлоғимизда тўй



Сенин ўлан бешигинг

Декларнинг бешиги тоғда ўсган эмандан,
ни йўрғаклар ҳар тонг умидга ёр онаси.
улғаяр истиқбол аталган бир кемада,
қбол деган қўшиқдир ўлан бешик алласи.

фтоб ювар гўдакнинг юзларини эрталаб,
роғида асрайди фарзандларвар замона.
на бағрида гўдак тўйиб-тўйиб эркалаб,
та дунёга чиқар... Энди эл, юрт парвона.

дигина остона ҳатлаб ўтган гўдакни
эхондайн бир ардоғ босар иссиқ бағрига.
ла тинглар эртақлар, тинглар гимн, гудокни,
та кириб борар у ҳаёт деган наҳрга.

бол — толе аталган тўйгу унга дафъатан,
лоғига шивирлар дўстлик деган қўшиқни.
рагининг зарбига айланиб борар Ватан,
бод қил»,— деб меҳрға ташна ётган бўшлиқни.

дак ётган бешикнинг ўланлари хайру хўш,
гит борар ўрмонга бешиқлар келтиргани.
шомлари эртақлар тинглар бўлса, будир туш,
кашф излар эртақни чин билан тўлдиргани.

на алласин тинглаб ором олган кечалар,
ирлар оромини энди йигит ёшида.
и гўдаклигида ўйнаб ўтган кўчалар,
ди янги бекатлар, манзилларнинг бошида.

и дер: «Она-Ватанни қўшиқларингга солгин,
англарига жойла юртинг, қариндошлигинг.
ҳна, диёр бағрида ўғлон, улғайиб олдинг,
ди сен қайтар унинг ўктамлигин, ёшлигин».

Қишлоқда тўй кезинар... боғу роғлар тўлишди,
Қуёшдан ранг олишди, ёқутланди анорлар.
Дала сандигин очди, сеп-андозин бўлишди,
Ҳосилдан тўлиб-тошди хирмон, омбор, қанорлар.

Қишлоғимиз бир асар... лавҳалари тиниқ, шан,
Юлдуз тўкилган боғлар ғазал тўла дафтардир.
Бундай хушрўйми жаннат, бундан там-тамми гулшан,
Қўшиқ оханларини шул қишлоқдан ахтардим.

Тўкин дастурхон тўшаб меҳмон кутади деҳқон,
Дунёларга етгулик турфа нозу неъматлар.
Ёр-ёр, алёрлар келди ошиб девору қўрмон,
Бунда бу кун шеърхонлик, бунда бу кун талантлар.

Ҳар субҳи чоғ бир садо эшигимиз қоқади,
Тўйга, базмига чорлаб айтиб келар аллаким.
Тўйбоши бўлиб бобо — қуёш гугурт қақади,
Шоҳи қийқни боғлаб келар Шойим амаким.

Қишлоғимиз шунақа, ҳар куни бир катта тўй,
Элга паловхон учун дошқозонлар қурилар.
Магнитофонни созлаб, зўр ҳофизларни қўйиб,
Гавжум бўлиб кетади ҳовли, айвон, сўрилар.

Эрта янги хушхабар гулдай севинч тутади,
«Тўйга, тўйга, азизлар!»— чорлар Шойим амаким.
У хушхабарни эмас, меҳрин ташлаб ўтади,
Қишлоқнинг илк сўқмоғин очган қўлларга балким.

Қуёш — тандир: қиздирар, ой фонус бўлиб порлар,
Эл-юртини тўйдирган деҳқоннинг кўрасида.
Даврага боқсам, бари қўш юлдузли зарбдор,
Ёр — юлдаз, осмон — юлдаз қишлоқнинг Шўросида.

Булбуллари чаҳ-чаҳлар, дилинг кетади яйраб,
Аччиқ чой айланади чайласида деҳқоннинг.
Шойим амаки шунда қийқни бошга боғлаб,
Дилшод кутиб олади оламжаҳон меҳмонни.

Ҳосил тўйи бошланди бизнинг боғу роғларда,
Нур қўйнида товланур, ёқутланур полизлар.
Узуллар ёғдуланди, тоқзорлар тароғланди,
Эрта тонг яна тўйга келаверинг, азизлар.



ПИЙРИ БАДАВЛАТ

Тошкент районидagi Ильич номли колхознинг
меҳнат ветерани Шойим амакига бағишланади

Ҳар кун меҳмон кутади шинамгина боғчаси,
Кенг, мўл дастурхони ҳам туради ясагилиқ.

Келинлари қайсидир, қизлари қайси бири,
«Ой қизим!» деб эркалар, барин битта исми бор.
Шойим амакимизнинг қўлларига ток қайчи,
Қулиб турган чеҳраси, меҳр тўла жисми бор.

Пийри бадавлат уйда ҳамма тотув қозонда,
Болаларга тўла боғ, шодликлар ҳам бир олам.
«Келин салом»га чиқар қизлар ҳар кун азонда,
Тазимларга арзийди, арзийди-да, бу одам.

Сўзу ўғитларидан бол томади хамиша,
Ишда, боғда, йўлларда қўшиқ айтиб юради.
Кенг жаҳонга баробар экан кичкина гўша,
Жаҳонларни сифдирса одамзоднинг юраги.



Юз ёшларнинг чамаси қувноқ, шўх бувиси бор,
Етмиш ёшлар чамаси оқил умр йўлдоши.
Шойим амаки борган ҳар жойда гул иси бор,
Усиз ўтмас қишлоқда эл-юртнинг қутлуғ оши.

Тебратган у колхознинг гўдак беланчагини,
Суз очган у қишлоқнинг жами анҳор, сойига.
Отаси у ҳар бир қиз, ҳар бир келинчагининг,
Ҳаммасини узатган, қўйган жойи-жойига.

Илон изи сўқмоқлар бўлди бу кун катта йўл,
У кўтарган кетмонлар музейдадир иззатда.
Меҳнатларда қабарган олтинга тенг қадоқ қўл,
Ҳамон эл юмушида, одамзодга хизматда.

Боғ кезар, чеккасида хушбўй райхон шохчаси,
Беданалар растади, тўрқовоқлар илиғиқ.



МУҲИМ РЕЗЕРВ

Шахрисабз Нефть маҳсулотлари базасининг
директори Шодиёр ЖУРАЕВ билан суҳбат

Кўшим

(МУАТТАРХОНГА)

Кўшим заводдан қайти, ланг очди дарвозасини,
Ички кўлида сумка, юзи қирмизи лола.
Этиштиби онанинг ёқимли овозасин,
Чопиб чиқди йўил-ки... ҳовлига тўлди бола.

Чердакда она мушук чўзиб-чўзиб миёвлар,
Отхонада тойчоги эркаланиб кишнайдди.
Аёл олапар итни овлоқроқ ерга боғлар,
Серқаймоқ сигирига кертди, хашак ташлайди.

Кўра тўла қўйлари бир-бир маърай кетишди
Дирижёрга жўр бўлди дейсиз худди оркестр.
Қафасда тустовуқлар тўйиб томоқ тотишди,
Худди сочдайин қилиб аёл угра ҳам кесди.

Сайрай кетдилар қушлар ям-яшил бутюғларда,
Бу ҳовли, назаримда, гавжум, қайноқ кенг курра.
Қозон қайнар ҳовлида кенг-кавир ўчоқларда,
Димогининг ёради палов иси гуркираб.

Ҳовли — рўя ярақлар, сепилди муздек сувлар,
Бола-чақа, молу ҳол — бари толди оройиш.
Сут қайнар, қув пишилар ва тинади қий-чувлар,
Бу чорбоғда кезади баракаю кушойиш.

Болақайлар тинглашар ширин-шакар эртақлар,
Она болаларига берар меҳр бўлишиб.
Эртага мева тутар, бугун унган куртақлар,
Ойла қон томирлар, юртининг юрак уриши.

Бутун умр байрамдир оналарнинг келиши,
Оналарнинг йўлига муштоқ эмиш олам ҳам.
Она келса, кўкдаги ярим ой ҳам тўлишиб,
Бир қаричга ўсармиш бешикда ётган бола.



ЧАРХПАЛАК

Саратон оловларин пуркаб ўтар боғларга,
Офтоб дала-тузларга ял-ял чўғ улашади.
Қуш-қумрилар беркинар ям-яшил бутюғларга,
Анҳорлар ҳам хансираар, сойлар судралашади.

Олов ичра рангланлиб, тўрлаб ётар қовунлар,
Мудроққа бош қўйгандай сарғиш палаклар ичра.
Хирмонда дон ўйилган — элу юртаг совринлар,
Деҳқон аёл сойликда оворадир кир чайиб.

Саратоннинг бир юкин елкасига ортмоқлаб,
Анҳорда «нола қилар» дилпора чархпалак.
Тер қўйиб ерни боқар, сув тортади ботмонлаб,
Бисотида бир қўшиқ, елкасида ўн челақ.

Бедана ором толди бедазордан патирлаб,
Қушлар ҳам қайрар бир зум тумшүқчасин —
чекичин.

Кумуш соч саратон ҳам неларнидир хотирлар,
Эртаю кеч тўлмас ҳеч чархпалак чўмичи.

Дунё дегани кўҳна... юмушлари турфа хил,
Анҳор деган дунёда айланар чархпалак.
ГЭСлару каналлао мўл, чаманга айланар чўл,
Олам билан иши йўқ, унинг ўзи бир фалак.

Боғ четиде беҳашам кўҳна қўшигин айтиб,
Саратоннинг юмушин ортмоқлаб елкасига.
Чархпалак меҳнатда қаро терларга ботиб,
Гул, булбул ҳада этар тўғилган ўлкасига.

Мен онага ўхшатдим кўҳна чархпалакни,
Боласига ўхшатдим у кўтарган челакини.

КПСС Марказий Комитетининг май Пленумида қабул қилинган Озиқ-овқат программасида корхоналар ва ташкилотлар қошида ёрдамчи ҳўжаликларни ташкил этиш ва ички имкониятлар ҳисобига ривожлантириш муҳим вазифа қилиб белгиланди. Дарҳақиқат, аҳолининг тобора ўсиб бораётган эҳтиёжларини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашда ёрдамчи ҳўжалик муҳим резервадир. Агар ҳар бир ташкилот ва корхона ёрдамчи ҳўжаликни яхши ташкил қилса, унда етиштирилган хилма-хил маҳсулотлар билан ўз корхонаси мулҳожа ва тақлифларини бемалол таъминлаши мумкин. Бунини биз ўз тажрибамизда кўриб турибмиз.

Хўш, корхонамиз қошида ёрдамчи ҳўжаликни қандай ташкил этишди? Биз ана шу борадаги тажрибаларимизни ўртоқлашмоқчимиз.

Бундан уч йил илгари район партия комитетининг бюросида корхоналар ва ташкилотлар қошида ёрдамчи ҳўжаликни ташкил этиш масаласи кенг муҳокама қилинди. Қишлоқ ҳўжалик мутахассислари, колхозлар ва совхозларнинг раҳбарлари, банк-кредит системаси ходимлари мулҳожа ва тақлифларини ўртага ташладилар. Район партия комитетининг бюроси ҳар бир ташкилот ва корхона раҳбарлари зиммасига ёрдамчи ҳўжаликни ташкил этиш масъулиятини юкллади.

Уша куни кечқурун биз ҳам корхона партия ташкилотининг кенгайтирилган йигилишини ўтказдик ва унда мазкур масалани атрофлича муҳокама қилдик. Бозордан ёш моллар сотиб олиб ферма ташкил қилиш ёки уруғ харид қилиб экин экиш учун бизда маблағ ва ер, яъни тегишли фонд йўқ эди. Давлатдан қарз олиб туришга қарор қилдик. Лекин баъзи ўртоқлар йигилишда: «Олмоқнинг бермоғи бор, қарздан қутула олармиканми?» деган андишаларга ҳам боришди. Лекин қароримиз катъий эди. Олти йиллик муддат билан давлатдан ўн минг сўм пул қарз олдик. Шу маблағ ҳисобига бузоқлар сотиб олиб, ферма ташкил этидик. Район ижроия комитетининг руҳсати билан корхонамизга қўшни колхоздан бир ярим гектар ер ажратиб берилди. Шундан беш сотих ерга теплица қурдик. Ерининг асосий қисмини сабзавот, помидор ва резавор экинларга ажратдик. Корхона партия ташкилоти, коммунистлар ёрдамчи ҳўжаликни ўз оталиқларига олдилар. Коллективизмининг барча аъзоси бу ишга яқинлик билан бош қўшди. Чунки қилаётган ишмиш коллективизмиз манфаати учун амалга оширилмоқда эди.

Мана ўшандан бери уч йил ўтди. Қилинган умумий ҳаракат энди ўз самарасини бермоқда. Фермадаги қорамоллар сони 17 бошга (шундан беш боши сигир) етди, экилган 46 туп лимон ҳосилга кирди, теплицамизда йил бўлиб помидор ва бодринг етиштирилмоқда. Айниқса, ўтган йилги ютуқларимиз қувончли бўлди. Ёрдамчи ҳўжалигимизда қарийб 4,5 тонна гўшт, 1,4 тонна помидор ва бодринг, 2 тонна картошка етиштирилди. Гўшт, сут ва сабзавот маҳсулотлари, резаворлар маҳсус магазин орқали иш-

чиларимизга арзон баҳода сотилмоқда. Масалан, янги мол гўштининг ҳар килограмми 4 сўмдан, сутнинг ҳар литри эса 18 тийиндан харид қилинаётир. Шу йилнинг етти ойи давомида ёрдамчи ҳўжалигимиз магазини орқали ишчиларга қарийб уч минг килограмм серқаймоқ сут, 700 килограмм гўшт ҳамда етарли микдорда резавор-сабзавот маҳсулотлари сотилди.


Биз ёрдамчи ҳўжалигимизни ўз имкониятларимиз ҳисобига янада ривожлантириш ҳаракатидамиз. Беш йиллик охиригача қорамоллар сонини 30 бошга етказамиз, сабзавот маҳсулотларини бир ярим барабар кўпайтирамиз. Айни вақтда маҳсулотларнинг харид нарҳини янада арзонлаштиришга эришамиз. 1985 йилга бориб бир килограмм мол гўштининг харид нарҳини уч сўмга, бир литр сутни эса 15 тийинга тушириш тadbирларини кўряпмиз. Ҳозир ёрдамчи ҳўжалигимизда етиштирилаётган маҳсулотлар билан ишчиларимизнинг эҳтиёжини тўла қондираёмиз. Улар энди бозордан, гўшт, сут ва сабзавот маҳсулотлари сотиб олмайдилар.

Ҳа, КПСС Марказий Комитетининг май Пленумида таъкидланганидек, ёрдамчи ҳўжалик — муҳим резерв. Ҳар бир ташкилот, корхона ва идора уни бемалол ташкил қилиши мумкин. Чунки уларда техника ва ишчи кучи бор. Дастлабки маблағни эса давлатдан олиб туриш мумкин. Фақат корхона ёки ташкилот раҳбарлари бунда, қаловини топсанг қор ёнади, тарзида омилиқлик ва ташкилотчилик қўрсатишлари лозим.

Тасаввур қилайлик: барча корхоналар ва идоралар ёрдамчи ҳўжаликни ташкил этиш йўли билан ўз коллективларини озиқ-овқат маҳсулотлари билан етарли таъминламоқдалар. Етиштирилган маҳсулотнинг таннархи ва харид нархи эса бозорга нисбатан анча арзон. Агар ана шу яхши ниятга эришсак, биз Озиқ-овқат программасининг амалга ошишига ўзимизнинг муносиб ҳиссамизни қўшган бўламиз, ҳам озиқ-овқат маҳсулотлари нарҳининг арзонлашишига имконият яратилади.

«Озиқ-овқат ресурсларини тўлдириш учун шароит бўлган ҳамма жойда» — дейилади Озиқ-овқат ёрдамчи ҳўжалигини ривожлантириш, шу тариқа ишчи ва хизматчилар умумий оқватлашининг гўшт, сут, сабзавот ва картошкага бўлган эҳтиёжларини имконият борица яхшироқ таъминлаш керак».

Биз шунини хурсандчилик билан айта оламизки, корхонамизда бу масала коллективизмиз шароитида ҳозирдан оқ ҳал этилди. Албатта, ёрдамчи ҳўжаликни янада ривожлантириш билан озиқ-овқат маъмуричилигини тўла таъминлаш, маҳсулотнинг харид нарҳини кескин камайтириш тadbирларини бундан кейин ҳам амалга ошираверамиз. Тажриба шунини кўрсатмоқдаки, ҳар бир ташкилот ва корхона коллективи муҳим резерв бўлган ёрдамчи ҳўжаликдан қанчалик тўғри фойдаланса, шунчалик фойдалидир.



ҲАМИША ХАЛҚ БИЛАН

Николай СТРИЖКОВ,

Ўзбекистон ССР Ички ишлар министрлигининг сиёсий-тарбиявий ишлар бошқармаси бошлиғи, милиция полковниги

Совет милицияси, шу жумладан республикада милицияси узоқ ва шонли йўлни босиб ўтди. Бугунги кунда Ўзбекистон милицияси мамлакатдаги ички ишлар органларининг энг илғор қисмларидан бўлиб ҳисобланади. Унинг ҳозирги авлоди тўнгич авлодининг шонли, жанговар ва деҳнат анъаналарини давом эттираётган халқимизнинг муносиб вакиллари. Улар махсус илмий ва профессионал тайёргарликка эгадирлар, ўз фаолиятларида илмий-техника революцияси даври самараларида моҳирона фойдаланмоқдалар. Социалистик қонунчилики ва жамоат тартибини мустаҳкамлашнинг фойдали ва илғор методларини янада мукамаллаштирган ҳолда ўллай олмақдалар. Ўзбекистон ички ишлар органлари сафларида эллиқдан ортиқ миллат вакиллари қўлини-қўлга берган ҳолда жонбозлик ўрсатиб, ижодий меҳнат қилоқдалар.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ҳукумати ички ишлар органлари олдига турган жамоат тартибини мустаҳкамлаш, урли хил ноҳўя ҳодисаларга қарши кураш билан боғлиқ масалаларни ва вазифаларни ҳал қилишга катта аҳемият бермоқдалар. Бу албатта, абийидир. Коммунистик қурилиш вазифаларини муваффақиятли ҳал қилинишини бизнинг олға араб силжишимизга ҳалақит бераётганларга қарши қатъий курашдан ажратиб бўлмайди. Ҳоир бутун совет халқи халқ мулкани талон-тарож қилиш, порахўрлик, чайқовчилик каби жамиятга атта зарар келтираётган ярамас иллатларга қарши курашда фаол қатнашмоқда. Уларга қарши ескин кураш вазифалари Л. И. Брежневнинг ПСС XXVI съездида қилган докладыда қуйидагига аниқ белгилаб берилган: «...барча ташкилий, олисийвий, юридик воситалар ёрдамида текинхўрлик, порахўрлик, чайқовчиликка, меҳнатсиз дароҳад қиладиганларга, социалистик мулкка кўз

олайтиришларга олиб борадиган ҳар қандай йўллари маҳкам беркитиб ташлаш керак».

Ўзбекистон милициясининг 65 йил давомида босиб ўтган шонли тарихи бир пайтнинг ўзида ички ишлар органлари фаолиятининг ўсиши ва тақомили тарихи ҳамдир. Меҳнаткашлар оммаси жамоат тартибини муҳофаза қилишни ҳаммага тегишли иш деб қарайди, шунинг учун ҳам халқимизнинг милицияга кўмаги турли хил шакллар касб этган. Кўнгилли халқ дружиналарининг ишида, тартибини сақлаш жамоатчилик пунктларининг фаолиятида аҳолининг турли қатламлари фаол иштирок этаётирлар. Партия талаби ва халқ иродаси туйфайли мустаҳкам ва бузилмас ҳуқуқ тартиботлари тобора тақомиллашиб бормоқда. КПСС Марказий Комитетининг ҳуқуқ тартиботларини мустаҳкамлашга қаратилган чора ва тадбирлари фаолиятимизнинг асосий йўналишини белгилайди.

Ўзбекистон милициясининг шонли йўли ва ҳозирги кундалик ҳаёти қаҳрамонлик саҳифаларига ниҳоятда бой. Ички ишлар органларида ишлаётган ёш авлод вакиллари 65 йил давомида тўпланган жанговар анъаналар билан танишар эканлар, ҳаётимизда қаҳрамонлик ва жасорат учун, фидойилик ва матонат учун ўрин мавжуд эканлигига ишонч ҳосил қиладилар. Норин райони милициясининг биринчи бошлиғи, 1929 йилда босмачилар узган ўқдан ҳалок бўлган Ҳайдар Қўқоровнинг жасорати халқимиз ёдидан ҳеч қачон ўчмайди... Норин район Ҳаққулобод посёлкасидаги мактаблардан бири ҳамда район марказидаги маданият ва истироҳат боғи унинг номи билан аталган. Янгиарик райондаги марказий кўчалардан бири эса хизмат бурчини ўташ чоғида ёш умрини фидо этган участка инспектори Отабой Оллобергановнинг номига қўйилган.

Ўзбекистон Ички ишлар министрлиги биносига

ўрнатилган мрамар лавҳага Ўзбекистон милициясининг қаҳрамонлари номи зарҳал ҳарфлар билан битиб қўйилган. Республика милицияси жанговар шуҳрат музейининг экспонатлари уларнинг жасорати ҳақида жонли ҳикоя қилади. Уларнинг номлари ўзлари хизмат қилган орган ва қисмлар шахсий составларининг рўйхатларига абадий муҳрлаб қўйилган.

Бугун жасорат ва халққа садоқат эстафетаси ички ишлар органлари ёш ходимларининг қўлига ўтди. Андижон область ижроия комитети ички ишлар бошқармаси жинойт қидирув бўлими бошлиғи ўринбосари, милиция подполковниги М. Матқобилов кўп жинойтларнинг вақтида очишлига ёрдам берди. Тошкент шаҳар ижроия комитети ички ишлар бошқармаси ходимлари Н. Елов ва С. Мясников ўртоқлар эса яқинда «Жамоат тартибини сақлашдаги аъло хизматлари учун» медали билан тақдирландилар. Жиззах область ижроия комитети ички ишлар бошқармаси офицерлари М. Жабборов ва А. Саъдуллаев ўртоқлар эса ўз хизмат бурчларини ўташ жараёнида мардлик ва жасурлик намуналарини кўрсатмоқдалар. Бундай ходимлар республика ички ишлар органлари коллективларида кўпчиликини ташкил этадилар.

Республикаимиз ҳаёти бой ва тўлақонлидир. Ҳар йили 6 миллион тонналик «оқ олтин» хирмони яратаётган халқимиз буюк зафарларга эришмоқда. Социалистик Ўзбекистон меҳнат солномасига ички ишлар органлари ходимлари ҳам кўпгина ёрқин саҳифаларни ёздилар, ёзмоқдалар. Олданда янги масъулиятли вазифалар турибди. Уларни амалга ошириш учун халқимиз ички ишлар органлари билан янада бир жонбир тан бўлиб ҳаракат қилишлари лозим, ана шундагина КПСС XXVI съезди ва Ўзбекистон Компартияси XX съезди белгилаб берган вазифаларни муваффақиятли ҳал этиш мумкин.



Суратда: Норин райони милициясининг биринчи бошлиғи Ҳайдар Қўқоров. Унинг жасорати ҳеч қачон унутилмайди.

П. Сальков фотоси



Илмалик шаҳар ички ишлар бўлими ходимлари ҳуқуқ тартиботини мустаҳкамлаш учун ҳамisha намунали иш олиб борадилар. Суратда: милиция ходимлари навбатчиликка жўнаш олдидан.

Ж. Тўраев фотоси



Нишон райондаги Янги Нишон посёлкасининг ички ишлар бўлими ходимлари кўнгилли халқ дружиналари билан мустаҳкам алоқа ўрнатганлар. Суратда: участка инспектори, милиция лейтенанти Б. Бердиқулов халқ дружиначилари И. Жўраев ва М. Ездонов ўртоқлар билан ўзаро суҳбатда.

БИР ҒАЗАЛ ШАКЛИНИНГ ТАРИХИ

Мурод ИБРОҶИМОВ,

филология фанлари кандидати

Қаро зулфингни оч, сунбул димоғини
паршон қил.

Увайсийда:

Дилрабо, юзинг узра кокулинг
паршон қил.
Хуснинга ниқоб улсун мақсади
пинҳон қил.

Огаҳийда:

Юз очиб баҳор осо базмин гулистон
қил.
Бенаво кўнгилларни булбули
хушидхон қил.

Муқимийда:

Оразингни, ай маҳваш, бор аро
намоён қил.
Лола кўксини доғ эт, гувча бағрини
қон қил.

Агар бу ғазалларнинг вужудга келиш тарихи, поэтик хусусиятлари ва олға сурилган ғоялари Ҳамза қаламига мансуб ғазал билан қиёслаб ўрганилса, Ҳамзанинг новаторлиги, санъаткорлик маҳорати равшан очилади. Агар шу иш амалга оширилса, Ҳамзанинг биргина ғазали орқали ўзбек совет поэзиясида ниҳоятда муҳим анъанани бошлаб берганлиги ҳам маълум бўлади.

Бу масала борасидаги текширишлардан кейин шундай хулосага келидик: Ҳамзанинг ғазали шакл хусусиятлари ниҳоятда ўхшаш бўлган ғазалини ўзбек поэзиясида биринчи бўлиб Амирий ёган. Фазлий, Адо, Хотиф, Хижлат, Нола ва бошқа сарой шoirларининг «Қил» радифли ғазаллари эса Амирий ғазалига пай-ров-назира усулида яратилган.

Мазкур назиралар поэтик хусусиятлари жиҳатидан бир-бирларидан унчалик катта фарқ қилмайди, албатта. Уларнинг кўпчилиги 7 байтдан иборат бўлиб, арузнинг «ҳазажи мустаммани аштар» баҳрида ёзилган. Улардаги қофиядош сўзлар, бадий таъсир воситалари ҳам, асосан, бир хилдир. Бу ғазалларнинг барчасида тирик қаҳрамонлар гўзал ёрга мурожаат этиб, унинг шакли шамойилни муболағали тарзда тасвирлайдилар.

Сарой шoirларининг «Қил» радифли ғазалларида аёлларга бўлган эротик, бадбинлик кайфиятлари ифода этилади. Уларнинг лирик қаҳрамонлари ахлоқсиз, ҳукмдорга лаган-бардорлик қилувчи шахслар қиёфасида намоён бўладилар. Тараққий-парвар шoirларнинг назираларида эса бир-бирини чин дилдан севувчи ошиқ ва маъшуқа образлари инсоний одоб-ахлоқ доирасида яратилган. Масалан, шoir Ошиқ назирасидаги гўзал аёл образи сарой шoirлари ғазалларида таъриф-таъсир этилган, айш-ишрат базминни гуллатишга даъват қилинган гўзал эмас. Бу аёлини шoir малоҳат-ғузаликнинг асл манбаи тарзида кўрсатишга ҳаракат қилган. Бу гўзални чин дилдан севувчи ошиқ таркидунё қилган зоҳидларнинг инсоний кишқ кайфидан беҳабарлигини» яхши тушунади. У ўз маъшуқасидан муҳаббатига содиқ бўлиб, улар кўзларини гирён этишини илтимос қилади:

Ишқ кайфидин зоҳид беҳабар эрур,
жоно,
Қатраи муҳаббатдан кўзларини
гирён қил.

Ҳамзанинг новаторлиги шундаки, у ўзигача бўлган шoirларнинг ишқий ғазалларида қўлланган оҳанг, ритм, қофия, радиф каби шакл элементларидан фойдаланиб, хотин-қизлар озодлиги, уларнинг мамлакатимизда социалистик жамият қуришда актив иштирок этиши ҳақидаги ленинча миллий сиёсатнинг энг муҳим талабларидан бирини санъаткорлик билан тараннум эта олди.

Бизнингча, Ҳамза ўзига қадрар яратилган «Қил» радифли ғазалларнинг барчаси билан танишгани ҳолда ўз ғазали учун атайин Фазлий ғазали шакл хусусиятларини асос қилиб олган. Атайин дейишимизнинг боиси шундаки, Фазлий ғазалида шахватпараст кайфиятлар бошқаларниқига нисбатан устун бўлиб, у ниҳоятда олмайлашиб кетган эди, яъни куйга солиниб, ҳар хил йиғинларда, тўйларда ҳофизлар томонидан айтиларди. Ҳамза шу ғазал мазмунига зарба бериш, уни хонандалар репертуаридан тушириш мақсадида кўпроқ унинг шакл хусусиятларини асос қилиб олган. Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий ўз ғазалида Фазлий ғазали байтларининг шаклига хос хусусиятларни тўлиқ сақлаган. У, ҳатто, Фазлий ғазали мисралари сўнгидаги сўзлар («намоён қил», «паршон қил», «очиб гоҳи», «қон қил»)ни ўзгартирмай айнан қўллаган. Лекин Ҳамза ғазали мазмунини сарой шoirи ғазали мазмунидан бутунлай фарқ қилади. Ҳамза ўз ғазалини биргина гўзалга мурожаат этиб, унинг шакли-шамойилни чизиб билан эмас, асрлар давомида ёзилган, хўрланган ўзбек хотин-қизларига мурожаат этиб, уларга озоликка чиқиш, ўқиш, илму фанларни эгаллаш учун замон келганлигини таъкидлаб кўрсатиш, бунинг учун қурашш кераклигини уқтириш билан бошлайди ва шу руҳда давом эттиради:

Мақтаб анжуман боргил, унда фикр
очиб гоҳи,
Илму фан тиги бирлан жаҳл
бағрини қон қил.

Совет шoirининг кўп асрлар «ой юзларини «қора чиммат» тўсган «сояларда сарғайган», ислом дини урф-одатлари туғайли, ҳатто, оналик ҳуқуқлари ҳам поймол этилган хотин-қизлардан илтимос, даъвати эса куйидагилардан иборат:

Сояларда сарғайган юзларинг қилиб
гулгун,
Сен ҳам аҳли донишлар базмин
гулистон қил.

Чурилинни муллолар сенга қилдилар
тақдир,
Кел, бутун бу захминга маърифатни
дармон қил.

Оналик ҳуқуқингни хурмат
ётмаганларни

Юзларин қаро айлаб, феълидан
пушаймон қил

Ой юзинг қаро чиммат, зулмидин
қутултиргини,
Чиқ қоронғи турмушдан, нур ичид
жавлон қил.

Сарой шoirи Фазлий эса, ўз ғазалини хонга хушомад, икки юзламлик қилиш билан тамомлайди:

Фазлий, Умар султон даргоҳига
йўл топсан,
Тупроғин олиб кўзга сурман
Сулаймон қил.

Бу билан сарой шoirи аёллар қатчалик гўзал бўлмасин, бари би султон даргоҳидаги «гўзаллик» билан тенглаша олмайди, ҳақиқий гўзаллик хон саройидадир. Шунинг учун ҳамма хонга итоат этиши, хо даргоҳини кўзига «сурмайи Сулаймон» қилиб суртиши керак, демоққ бўлади.

Ҳамза ўз ғазалининг мақтасид сарой шoirининг бу реакцион «фасадан» рад этади. У ўзбек хотин-қизларини «маориф даргоҳига йўл олишга чорлайди, маориф нурларини кўзларига «сурмайи Сулаймон» қилишга ундайди:

Сен қачон маорифнинг даргоҳига
йўл топсан,
Нурларин олиб кўзга сурмай
Сулаймон қил.

Ҳамзанинг «Ўзбек хотин-қизларига» ғазалининг куйга солиниб, кеномма орасига ёйилиши, биринчидан Фазлий ва бошқа сарой шoirларининг эротик руҳда ёзилган ғазалларига қақшатқич зарба бўлди. Иккинчидан, Ҳамза ғазалларининг яратилиши ўзбек совет поэзиясида сарой шoirларининг реакцион ғояларини тарғиб этувчи асарлар шакл хусусиятлари асосида замонавий асарлар яратиш йўли билан уларни раэтиш анъанасини бошлаб берди. Б анъана кейинчалик бошлаб ўзбек совет шoirлари ижодига ҳам таъси этди.

Ҳамза ўзининг «Ўзбек хотин-қизларига» ғазалини ва арузда ёзган замонавий руҳдаги кўплаб асарларини маданий меросга, жаҳон адабиёти хазинасини қимматли асарлар билан бойитиб келган кўп асрли ўзбек классик адабиётига нисбатан ниғилистик ва вулгар социологик қарашлар ниҳоятда кучайган байтада яратди. Қисқаси, инқилоб куйчиси Ҳамза Ҳакимзодиннинг маориф ғазали бадий ижоддаги бо масала ёзувчининг синфий позициясида, талантида, маҳоратида эканлигини исботловчи ёрқин далилдир.



Санъат асарларида мазмун ва шакл бирлиги бадий ижоднинг бош масалаларидан биридир. Ўзбек совет адабиётининг асосчиси Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий бу масалага алоҳида аҳамият берган, шаклни чуқур мазмунга, муҳим ғояга маҳорат билан бўйсундира олган. Оташин инқилоб куйчиси қаламига мансуб асарларнинг халқ манзур бўлиши ва ҳеч қачон эскирмаслигининг асосий сабабларидан бири ҳам шунда.

Ҳамза ўз замонаси ва замондошларига ниҳоятда зарур бўлган ғояларни эҳтиросли акс эттириш учун она халқининг кўп асрлик оғзаки ва ёзма адабиёти, шунингдек, бошқа қардош халқлар адабиётидаги шаклий анъаналардан фойдаланганида ҳам новаторлик намуналарини кўрсата олди. Бунинг «Ўзбек хотин-қизларига» номли машхур ғазали мисолида ҳам аққол кўриш мумкин.

Маълумки, адабиётшунослигимизда Ҳамзанинг «Янги Фарғона» газетасининг 1927 йил 17 февраль сонидан босилган мазкур ғазали XIX асрнинг биринчи ярмида яшаган сарой шoirи Абдулқарим Фазлий Намангонийнинг «Қил» радифли ғазалининг шаклий хусусиятларини асосида ёзилганлиги қайд этилиб келинади эди. Аммо кейинчалик профессор А. Ҳайитметов «Хусрав Деҳлавий ва ўзбек адабиёти» мақоласида «Ўзбек хотин-қизларига» ғазали Амир Хусрав ғазалларидан бири йўлида ёзилган, деб кўрсатар экан, ўз фикрининг исботи учун икки шoir ғазалларининг матраларини қиёслади.

Албатта, форс-тожик тилини ўз она тилидай мукамал билган Ҳамза Шарқнинг машхур шoirи Амир Хусрав ижоди, жумладан, унинг 12 байтли «кун» («Қил») радифли ғазалидан беҳабар қолиши мумкин эмас эди. Лекин бизнинг кузатишларимиз натижасида Улуғ Октябрчага бўлган ўзбек поэзиясида Ҳамза ғазали шакли хусусиятларига ниҳоят ўхшаш 20 дан ортиқ ғазал ёзилганлиги маълум бўлди. XVIII асрнинг ўрталари ва XIX асрнинг иккинчи ярмида ўзбек адабиётида Мавлоно Фазлий, Адо, Хотиф, Хижлат каби сарой шoirлари, шунингдек демократик йўналишдаги адабиёт акадилари: Муқимий, Увайсий, Мужрим Обид, Огаҳий, Паҳлавон Ниёзмухаммад Комил, Комил Девоний, Аваз Утар ўғли, Сулаймон Мирзамухаммад ўғли Ошиқ каби ижодкорлар мавжуд эди. Уларнинг кўпчилиги «Қил» радифли ғазал битганлар. Фикрини исботи учун уларнинг айримлари матралари билан Ҳамза ғазали матласини қиёслаймиз: Хижлатда:

Келгил, ай кўёш юзлук, фикри шомин
ҳижрон қил,
Фурқатинг маризимен, васлинг ила
дармон қил.

Мужрим Обид:

Гулистон интизоринг, сарв қадининг
хиромон қил.

ЗАМОН ВА ИЖОДКОР

Сарвар Азимов ижоди ҳақида ўйлар



мана шу энг азиз нарса беихтиёр ёдга келверади. Турли ижодий йиғинларда, шахсий суҳбатларда, публицистик чиқишларида адиб бу сўзларни кўп қўллайди ва ҳамisha, шу воситада адабий жараён, ёзувчи меҳнати моҳиятини ёрқин бир таразда очиб беради.

Бир кун, ўзбек адабиёти усталари билан суҳбат пайтида Сарвар Азимов:

«Тўғри, энг азиз, ноёб нарса лирик шеърда, ҳикоя ёки романда ифодланади,— деди.— Лекин эндиликда, биз нимагадир ўз таржиман ҳолимизни ва адабиётимиз тарихини, ҳеч бўлмаса, нома жанри воситасида ривожлантиришга «уяллаган» бўлиб қолдик. Александр Фадеев, Константин Федин, Константин Симоненко ёзишмалари ажойиб адабий ҳодисаларга айланганлигини эсга олайлик. Нима учун биз ҳеч эскирмайдиган, юрак сирларига йўл топа оладиган, айтиш пайтида, адабиётгагина эмас, балки ҳаётга ҳам бевосита тааллуқли бўлган бу жанрдан мазридини топиб фойдаланмаслигимиз керак экан! Биз бир-биримиз билан — ёшлар билан ҳам, оқсоқоллар билан ҳам ёзишиб туришимиз зарур!»

Бошқа сафар Сарвар Азимовнинг ёш адибларимиздан бири билан қилган ибратли ва таъсирли суҳбатининг гувоҳи бўлдик.

«Сизнинг ёшларга аталган қиссангизни Ливанда элчи бўлиб турган пайтидама ўқиган эдим. Асарингиз бийойидек. Аммо сиз автор нуқтаида нимагадир: «Буларнинг ҳаммаси айтиш ҳақиқат», деб ўқтираверасизки, худди шу нарса ўқувчи кўнглига шубҳа солади! Адабиёт ва самимийлик, ҳақонийлик — қардошлардир, бошқача бўлиши ҳам мумкин эмас. Ҳаёт ҳақиқатига чинакамига содиқ қаламкашгина асл ёзувчи сифатида обрў қозонади. Ўқувчи салгина ёлгонни ҳам сезиб қолади. Агар санъаткорнинг нияти тоза бўлса, ўқувчига, айниқса ёш ўқувчига энг муқаддас хислатларни тасвирлаб беришни истаса, унга энг азиз нарсалар ҳақиқати ўз фикр-мулоҳазаларини илсинса, айтиш мумкин. Ана шунда адибнинг орауси амалга ошади: унинг фикрлари ўқундан анлага ҳосил қилади, ўқувчи онгига теран таъсир ўтказиши, унда ҳуқур илдири отади, бу илдилардан бақувват ниҳоллар ўсиб чиқади. Бу эса, бадиий ижоднинг бош мақсадидир».

Адиб, олим, дипломат, йирик жамоат арбоби Сарвар Азимов масъул лавозимларда, ҳар қандай ҳаётий вазиятда бу юксак принципни тарғиб қилади, амалга оширади, унинг қалами эса ақли ва юрагининг измидан чиқмайди.

...Бу воқеадан бери ўн беш йилдан кўпроқ ҳаёт ўтди, лекин таассуротларим ҳали ҳам янги, кучли. Ушунда Сарвар Азимовнинг «Юдузлар жа-

моли» пьесасининг премьераси бўлди. Спектакль давомида зал сув қуйгандек жим-жит эди, қаҳрамонга — ёш коммуниста астойдил хайрхоҳ томошабинлар нафасларини ичга ютиб, сахнадан кўз узмай ўтирардилар, мураккаб ҳаётий конфликтнинг ечимини кутардилар. Ахир, бу ҳазиллакам гап эмас: ишлаб чиқариш бошқармасининг ёш секретари Полвон Султонов обком секретари билан — Улуғ Турсунов билан баҳслашмоқда. Гап унинг лавозимида ҳам эмас, албатта, балки, айтиш тилик характер-ҳодисани ўзида мужассамлаштирган мазмундадир. Улуғ Турсунов — мураккаб тақдирли, характери ҳам бир андазага тушавермайдиган киши. У 20-йилларда босмачиларга қарши курашган, коллективлаштириш даврида янги ҳаётнинг оташин курашчиси сифатида ўзини кўрсатган. Улуғ Ватан урушида ҳам бошқаларга ўрнатилган бўлган.

Буларнинг барчаси далолат берадики, Улуғ Турсунов характерида эзгулик ҳосидир. Худди шунинг учун ҳам, у ҳақли равишда раҳбарлик лавозимларида ишлайди, кўпгина фойдали ишларни амалга оширади. Лекин вақт ўтган сари, унинг характерида амаллаштиралик, димогдорлик кўрина бошлади. Ҳатто унинг ички олами, аёлга муносабати ҳам, таъбир ҳосил бўлса, занг босади: Улуғ Турсунов ўз севгилисидан, — унинг акиси тухматга ураганин учун, — воз кечади. У, ўз манфаатларини кўзлаб, ҳалол одамларга тухнат қилишга одалланади. Аммо, Турсуновнинг ўзи ҳам шубҳа остига олинади, қамалади.

Нихоят, партиявий ҳаётнинг ва социалистик демократиянинг ленинча нормалари тикланади. Турсунов ҳам шахсга сийғиниш қурбони сифатида оқланади. У яна баланд лавозимларда ишлаб бошлайди. Бирок, сиёқли йилларда салбий ҳусусиятларини сақлагани ҳолда, Турсунов ўзига хос барча фаилатларни — ғайратини, ишчанлигини, ташаббускорлигини асраб қола билмайди. У энди новаторлик хислатларига эга бўлган кишилардан қўйида...

Полвон Султонов — замонавий руҳда тарбияланган коммунист, умумхалқ манфаатларини ҳамма нарсадан юқори қўяди, шунинг учун ҳаётга лоқайд қарамайди, балки ижодий муносабатда бўлади. Демак, табиийки, у билан Турсунов ўртасида муросасиз кураш боради. Пахта-ни дефоляция қилиш муаммоси бунга тайёр баҳона бўлади. Султонов инсонийлик нуқтаи назаридан келиб чиққан, истиқболни, жамятнинг фойдасини кўзлаган ҳолда, тракторда дори селишни ёқлайди. Турсунов эса, авиация воситасида дори сепишга даъват этади, чунки унинг учун одамлар саломатлиги, атроф-муҳитнинг тозаллиги, истиқбол

эмас, балки, ҳар қандай йўл билан бўлса ҳам, планнинг бажарилиши муҳимдир. Зеро, тасодифий эмаски, Турсунов ролини ижро этаётган актёр сахнадан туриб, платнани «бажаришимиз керак» деб хитоб қилганида, залдан томошабинларнинг соддадиллик билан, лекин одилона айтилган: «Турсунов, ярама одам экансан! Бунақалар орамизда қачонгача юради!» каби луқмалари янгради...

Пьесанинг бутун лейтмотивида сингиб кетган ана шу луқмада, назаримда, ҳамisha партиявий позицияда турган ва ўзининг кўп қиррали ижоди ҳамда ижтимоий фаолияти билан ана шу позицияни тасдиқлаётган муаллиф — санъаткорнинг оташин овози эшитилгандек эди.

Шу ўринда ижодкорнинг жонажон республикамизнинг тарихий раванқини, бутун жамятимизнинг тарққийетини маълум маънода акс эттирётган ҳаётий йўлга онд асосий босқичларини қисқача назар-этибордан ўтказиш жоиздир.

Сарвар Азимов акиси — атоқли ўзбек совет шоири ва драматурги, жамоат арбоби Ҳамид Олимжон тарбиясида камолга етди. Жизҳада ўрта мактабни, сўнг Тошкентда университетинг филология факультетини тугаллаб, бир қанча вақт ЎзССР Фанлар академияси А. С. Пушкин номидеги Тил ва адабиёт институтида ишлади ҳамда илмий ва бадиий ижодни ижтимоий-сиёсий фаолият билан қўшиб ола бора бошлади. У 1953—1955 йилларда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети фан ва маориф бўлими мудирининг ўринбосари, 1955—1956 йилларда ЎзССР Ёзувчилар союзи правленияси раиси, 1956—1958 йилларда ЎзССР маданият министри бўлди. Кейинги йилларда Сарвар Азимов ЎзССР Министрлар Совети раисининг ўринбосари ва Республика ташқи ишлар министри лавозимида самарали меҳнат қилди. 1969 йилдан бошлаб С. Азимов чет элда муҳим вазифани едо этди: у аввал Ливанда, сўнгра Покистон Ислоом республикасида СССРнинг мухтор элчиси бўлди. Ҳозирда эса, Ўзбекистон ССР Ёзувчилар союзи правлениясининг биринчи секретаридир.

Энди, Сарвар Азимовнинг ўз гоёвий асосларига кўра, давлат ишлари билан чамбарчас боғлиқ ижодий фаолиятга, юқоридега номи зикр этилган ҳамда республикамиз маданият спектакль ҳақидаги фикрга қайтайлик. Ушунда, бундан ўн беш йил аввал, Сарвар Азимов биринчилардан бўлиб кўтарган атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ҳақидаги, қолаверса, раҳбарнинг ҳалоллиги ва содиқлиги тўғрисидаги масала ўз долзарб аҳамиятини бугун ҳам йўқотгани йўқ...

Яқинда Ўзбекистон ССР Ёзувчилар союзи правленияси ташаббуси билан ёш қаламкашларнинг катта адблар, оқсоқоллар билан учрашуви — ўзига хос адабий анжуман ўтказилди. Бу анжумани очар экан, Ўзбекистон ССР Ёзувчилар союзи правлениясининг биринчи секретари Сарвар Азимов жумладан шундай деди:

— Менинг азиз ёш дўстларим, тўғриси, анчадан бўён Сизлар билан мана шундай очик-ойдин, сиқидилдан суҳбатлашишни ният қилиб юрардим. Албатта, Сизлар билан энг муҳим, энг азиз нарса тўғрисида фикрлашиб олишни истар эдим. Бу сўзлар замиридаги асл мудоао нима? Қачонлардир бир шоир: «энг азиз нарса — ҳамма нарса», деб айтган эди. Дарҳақиқат, энг азиз нарса ёш ёзувчи учун ҳам, катта ёзувчи учун ҳам бирдек қадрлидир. Энг азиз, ноёб нарса — бу инсоний шодлик ва адибнинг дунёда содиқ бўлган барча воқеа-ҳодисалар олдидеги масъулиятдир. Модомики, шундай экан, бадиий асардаги энг азиз нарса деб унинг фалсафий, ижтимоий-тарихий, этик-эстетик теранлигини ва кўламлилигини билмоқ керак. Совет адабиётининг Максим Горький ижодидан Шароф Рашидов романларига ҳам бўлган даврни қамраб олган бой тажрибаси ўзида энг азиз, ноёб нарсалар ҳазинасини мужассамлаштирган. Ҳар бир совет санъаткори ўзига хос, бетакрор, лекин бутун халқ учун, шу жумладан, улар учун энг азиз нарса ёғонадир.

Сарвар Азимовнинг фаолиятини кузатганда, унинг ижодий меҳнати сарчашмалари билан танишганда,

Гап фақат шундагина эмас. С. Азимов пьесаси, назаримда, бу масаланинг умуман, замонавий кишлак чиқариш пьесасининг, — вақт нуқтаи назаридан ҳам, энг муҳими, уфқининг кенглиги, идеалларининг юксаклиги жиҳатидан ҳам, — пешталқиндир. «Юлдузлар жамоли»да ишга, хизматга доир конфликтлар орузининг юксак юлдузлар, теран психологизм билан табиий равишда чаতিшиб кетган. Бинобарин, қаҳрамоннинг кундалик иш — ташвишлари ортида қатта ижтимоий-ахлоқий муаммолар турар эди.

Сарвар Азимов асарларида юксак идеалларга мутаносиб ҳаётини аниқлик, тарихан муайяналик, айни пайтда долзарб йўналиш мавжуда. Айтиш мумкинки, бу С. Азимов асарларининг етакчи, белгиловчи хусусиятидир.

«Опоқ тоғ қўшиғи» повестининг қаҳрамони Комил Рустамов бу идеалларни бутун ҳаёти бўйлаб олиб ўтади. У бир умр адолат учун курашиш бўлиб қолади. Биз буни у Мардонбек кўрбоси бошчилигидаги босмачилар тўдасига қарши ҳаёт-мамоат жангига кирганида ҳам, кейин фашистлар уясида асир тушиб қолган Комил Мардонбекни СС офицери сифатида учратганида ҳам курашми. Бир қарашда бу вазиат Мардонбекнинг ва уни майдонга чиқарган қора кучининг тантанасини кўрсатиши зарурдек бўлиб туолади. Лекин, йўқ, Рустамов асир ҳолида ҳам титрамайди, ўз эътиқодидан қайтмайди ва бу билан душманини яна бир марта — маънан маҳз этати, бизнинг Улуғ Галабани таъминлаган ҳам тарихан, ҳам руҳан ҳақлигимизни ва юксаклигимизни тасдиқлайди.

Адабий таъкидчилигини Сарвар Азимовни оташфасқ, ҳассос санъаткор сифатида аллақачон кашф этган. Биз унинг асарларида ҳаётда мавжуд барча ранглари — лирикани, комик вазиатни, маиший ва рожейи мазмуни ҳолатларини учратамиз. Бу ранг-баранглик ўзида едбининг эҳтиросини ва энг муҳими, граждандлик, партизавийлик, ёзувчилик бурчини чуқур англаган санъаткорнинг ижодий қиёфасини ёрқин намоен қилади. Буларнинг барчаси уйғун ҳолда, ҳаётнинг қатта ҳақиқатини, аср ҳақиқатини очиниша хизмат қилади. Ёзувчи насри ва драматургияси худди шунинг учун ҳам сиёсий ўткир, актуал ва миқёслидир.

С. Азимов ҳаммша ҳаёт кўйинида. У кўпинча Совет Иттифоқининг мухтор вакили сифатида чет мамлакатларда бўлади. ЮНЕСКОнинг кўпгина конференцияларида, турли халқаро симпозиумларда совет делегацияси раҳбари сифатида фаол иштирок этган, бир неча марта совет делегацияси вакили сифатида Бирлашган Миллатлар Ташкилоти мажлисларида нутқ сўзлаган.

Шуларнинг ҳаммаси адибга хоржий давлатлар ва халқларнинг ҳаётини яқиндан, теран билиш, социалистик тузумнинг афзаллиқларини бадиий қабарик ифодалаб бериш имкониятини яратди.

Масалан, «Қонли сароб» драмаси ўзбек драматургиясининг мавзу уфқини кенгайтирди, унинг публицистик имкониятларини рўбга чиқарди. Пьеса сюжети асосини она Ватанини тарк этганлар ва чет элларда сарсонсаргардон бўлиб юрган кишилар тақдир ташкил этади. Улар орасида алданганлар ҳам, социализминг ашаддий душманлари ҳам бор. Драматург уларнинг ҳаётини реалистик-ҳаққоний тарзда кўрсатади, ўзгача ҳаётини принципларининг таназзулини

ифодалаб берар экан, совет ватанпарварлигини ва интернационализмининг, социалистик ҳаёт тарзини, эзгу идеалларимизни ҳазин тарзда ёқлайди.

Бу ўринда адиб ижодидаги яна бир хусусиятини — ўзига хос ҳужжатчиликни таъкидлаб ўтиш мумкин. Бу хусусият Сарвар Азимов ижодида хос замонавийликни кўп жиҳатдан таъминлайдиган аниқ мафкуравий йўналиш ва реализм билан узвий боғлиқдир. Адиб замонининг муҳим масалаларини уларнинг муайян ҳаётини асосларига қаттиқ сунган ҳолда кўтаради ва даврин бадиий мўжасамлаштиради. Жумладан, «Ватан ўғиллари» киноповестида фашизмнинг асл башарасини бадиий фош эттишга ёрдам берадиган — бўлиб ўтган воқеалар асос қилиб олинган.

Повестининг бош қаҳрамони Искандар Салимов — партия ходими. У урушининг биринчи кунларидаёқ кўнгили бўлиб фронтга жунайд. Искандар жанглардан бирида яраланади ва асир тушиб қолади. Лекин у курашдан тўхтамайди. Лагерда антифашистларнинг яширин гуруҳига бошчилик қилади. Бу, турли миллат кишиларидан ташкил топган яширин ташкилот душман ичиде моҳирона иш олиб боради.

Қисса қаҳрамони мураккаб ва ҳавфли топшириқни бажариш вақтида ҳалок бўлади, лекин унинг динамика тарзда тасвирлаб берилган жасорати унутилмайди. Урушдан кейин, Искандар Салимовнинг дўстлари ва маънавий ворислари меҳнатда, ижода, мафкуравий мулоҳазаларга қарши курашда унинг юксак маънавий намунасига содиқ бўлиб қоладилар.

Маълумки, кейинги йилларда, совет адабиётида муҳим ва самарали йўналиш фаоллашди, — маънавий муаммоларни назарда тутмоқдамиз — этика, ахлоқ масалаларига, уларнинг қатта ижтимоий аҳамиятини очиб беришга эътибор кучайди. Кундалик турмуш жараёнида кишиларнинг ахлоқий сифатларини очиб бериш учун адиб ўз қаҳрамонларининг мураккаб ички дунёсига, баъзан эса, жуда ҳам интим оламига теран кириб бора олмағи керакки, бу, албатта қийин ишдир. Шунинг учун ҳам гоҳо анча-мунча ёзувчилар турмуш икир-чиқирлари, майда мавзу қули бўлиб қоладилар. Сарвар Азимов эса, кичик, кундалик, одатдаги нарсадда қатта, буюк мазмуни кўрсата олиш санъатига эгадир. У ҳам турмушини барча маиший ва миллий тафсилотлари билан қамраб олишга интилади, айни пайтда тасвирлаган вазиатларини драматизми, қўллаган лирико-романтик ранглари, энг муҳими, юксак маънавий мезонлар асосида иш кўрган туйғули интим-ахлоқий оламни икир-чиқирларга уралашиб қолмаган ҳолда, мантқиқий ёрқин ва яхлит бир тарзда очиб бера олади. «Камалак» повестидаги Барно ва унинг эри Содик Каримович тарихи бунинг ишонарли мисолидир. Назаримда, ушбу тарих, автор томонидан фабуланинг талқин қилиниш тарзи, шунингдек, повестининг бошқа қаҳрамонлари образлари ҳам таъкидчилигимиз томонидан тўла-тўқис англаб етилганига йўқ. Айни пайтда, биз бу ерда, яна бир марта, адиб ҳаёт маромини ниҳоятда тийрақлик билан илғаб олганига ва у бошлаб берган йўналиш адабиётимиздаги етакчи йўналишлардан бирига айланганлигини кўраемиз. Бир қарашда, ҳаммша меҳнатқашларни, бурч кишиларини

таранним этиб келган адибнинг хусуси таважжуҳи профессор Каримовда бўлиши керакдек туолади. Ахир, у ўзини буткул ишга, шифоҳонасига, беморларга бағишлайди-ку?! Хуллас, бу чинакамга жонбоз одам ва биз ҳам, худди Барно каби, уни севдеришимиз мумкин. Лекин Сарвар Азимов Содик Каримович характеридаги бирқўламликни кўрсатади ва бундан етарли хулоса чиқаришга чакирлади. Чунки профессор бор қалб кучини севимли ишга бағишлайди, яқин кишилари эса унинг эътибори ва меҳридан бенасиб бўлиб қоладилар. Оқибат-натижда, у Барнони йўқотди. Барно Содик Каримовичга умрбод содиқ бўлишни истади, аммо эрининг ҳиссиэлиги уни бутунлай қўриқиб қўяди. Ёзувчи мазкур драматик тарихни тасвирлаб берар экан, яқин, севимли кишилар олдидаги бурч жамият тарихидаги бурчининг бир қисми эканлигини эслатади, шунингдек, бизни муҳаббат ва бурч, улар ўртасида керакли уйғунликка эришиш — шу каби мураккаб маънавий муаммолар устида ўйлаб қўришга даъват этади...

Адибнинг «Кўзлари чўлпон» қиссаси ҳам ўткир ахлоқий коллизияси билан ажралаб туради. Унинг барча қаҳрамонлари — Умид, Қалдирғоч, профессор Бектош Отахонович ва унинг хотини Любов Николаевна — ёмон одамлар эмас. Уларга одатдаги «жибзий» ёки «салбий» деган ёрлиқлар билан ёндашиб бўлмайди. Аммо авторнинг нуқтаи назари аниқ, равшан. У ўз қаҳрамонларини мураккаб ҳолатларда тасвирлайди. Уларнинг ўй-ниятлари ва хатти-ҳаракатларининг покиза-ҳалоллигини текширади, шундан кейингина ҳукм чиқаради...

Қиссанинг қаҳрамонларидан бири уруш йилларида безорилик тўдасига қўшиллик қолади, сўнгра узоқ вақт сил касали билан оғрияди. Бироқ, у руҳан мажруҳ бўлиб қолмайди, ҳар доим яхши кунларга умид боғлаб яшайди. Қалдирғоч ҳам озмулча ҳаёт қийинчиликларини бошдан кечирмайди. Қалдирғоч — расом, феъл-этво-рин андозага тушавермайди, у атрофдагилар билан, атрофдагилар эса у билан осонгина тил топиша олмайдди. Унинг йўли — меҳнат-машаққат тортиб одамлар сари боришдан иборат.

Бектош Отахонович, худди Содик Каримович каби, ўз ишига жон-диқ билан берилган киши. Лекин бу уни қалбан қашшоқлантирмайди, аксинча, руҳан бойиб боришига сабаб бўлади. Мазкур лирик-драматик қисса қаҳрамонлари ўртасидаги муносабатлар бизлар орзу қилган даражада яхши эмас. Дарвоқе, бу қиссанинг бош қаҳрамони, таъбир жоиз эса, тирикликка, одамларга нисбатан берафқ бўлмаган кишига тўри йўл кўрсатувчи ҳаётнинг ўзидир...

Сарвар Азимов ижоди ҳақида ўйлар эканмиз, аввало бизни унинг инсоний ва ижодий қиёқларининг кенг қўламчилиги, жонли воқелик, оламда рўй бераётган қатта воқеалар тўғрисидаги фикр-мулоҳазаларининг теранлиги ва шиддатчилиги мафтун этади.

Сарвар Азимовнинг ҳикоялари, қиссалари, киносценарийлари уйғунликда ҳозирги замоннинг ҳамма оҳанглариини ўзида жамлаган симфония ўхшайди. Хорижий мавзу, гоҳ «Кўзлари чўлпон» қиссасидаги каби, асарининг бир қисми бўлиб, гоҳ асоси бўлиб, адиб ижодида етекчи ўринлардан бирини эгаллайди. «Аср драмаси» пьесасида, «Қонли саробдан фарқли ўларга, хорижий Шарқ мавзуси бошқача йўналиш касб этади.

Бу драманинг аҳамияти вақтлар ўтиши билан ўз кучини йўқотмади, ҳатто айтиш мумкинки, айнан шу бугун жаҳонда рўй берган маълум халқаро воқеа-ҳодисалар билан ўзвийликда ўз аҳамиятини айнисси тўла намойиш қилмоқда. Драма марказида Азиз Камол образи туради. Асар воқеалари тараққиётпарвар кучлар ва қора кучлар ўртасида қақшатқич кураш кетаётган, ривожланиётган мамлакатлардан бирида бўлиб ўтади. Азиз Камол, ўз мамлакатни коммунистларининг бевосита қўллаб-қувватлашлари ва ёрдамлари натижасида давлат бошлиғи бўлади ва халқ манфаатларини қўллаб муайян тадбирларни амалга оширади. Лекин ҳаёт ҳақиқатига содиқ бўлган драматург ўз қаҳрамонининг характери ва хатти-ҳаракатидаги: мустамлакчилик сиртмоғидан овоз бўлган давлатнинг тарихий тараққиёти билан боғлиқ мавжуд қийинчиликларни ўз шахсида мужассамлаштирган бундай арбобларга хос қарама-қаршиликларни очиб-ойдин кўрсатади. Азиз Камол мустамлакчилик ва империализмга қарши чиқади, айни пайтда у социализмини тушунмайди ва қабул қила олмайдди, қандайдир «мустақил ва миллий социализм» қуришга ҳаракат қилади. Пьеса воқеалари давомида биз унинг қули ва кучсиз томонлари аққол билиб оламиз. Буларнинг барчаси совет ёзувчиси Собирнинг ички дунёси, унинг француз журнали Сильвия билан ёзишмалари орқали берилади. Собир образи Сарвар Азимовнинг сиёсий фикр қамровининг кенглигини, унинг граждандлик салоҳиятини, мафкуравий позициясининг мустақамлигини яққол кўрсата олувчи яна бир муваффақиятидир. Айтиш мумкинки, бу қаҳрамон — муаллифининг иккинчи «мени» давлат миқёсида фикрлайдиган ёзувчи-коммунист Сарвар Азимовнинг инсоний моҳиятини кўп жиҳатдан ифодалайди.

Афсуски, биз кейинги йилларда ёзувчининг, олимнинг, таъкидчининг дубнақароши, ижтимоий-фалсафий тафаккурининг даражаси ҳақида етарли даражада қайғурмаётганга ўхшаймиз.

Сарвар Азимов атоқли таъкидчи, адабиётшунос олим сифатида ҳам гоғайий-эстетик тафаккурининг қамолга, дубнақарошининг кенглигига, адабиётнинг ҳаёт билан қамбарчас боғлиқ қатта миқёсли масалаларига зўр эътибор билан қарайди. Унинг Ленин ва адабиёт, социалистик кишлоқ мавзусида яратилган асарлари, ўзбек адабий таъкидчилиги тараққиётининг баъзи масалалари таҳлилига бағишланган адабий-таъкидчи асарлари ҳозирги кунгача ўз аҳамиятини тўла сақлаб келмоқда.

«Ҳамид Олимжон абадияти» йирик монографияси асари, «Ўзбек совет адабиёти» дарслиги республика адабий ҳаётида муносиб ўрин эгаллаб турибди. Бундан ташқари, унинг кўпгина тақризларини, публицистик чиқишларини ва миллий социалистик адабиётлар ўзаро таъсирининг энг муҳим масалаларига, адабиётнинг жамият, замондошлар олдидаги масъулиятига бағишланган — Бутун-Иттифоқ минбаридан янраган доқладлари ҳақида ҳам шу фикрларни айтиш мумкин. Буларнинг ҳаммаси: ёзувчининг бадиий ижоди, қатта шахси билан биргаликда республика-иштининг ҳозирги адабий жараёнига сезиларли даражада таъсир кўрсатмоқда, унинг янада илгор, юксак гоғайий-эстетик марраларга қараб йўналишига кўп жиҳатдан сабаб бўлмоқда.

БИОЛОГИК КУРАШ

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг ПСС XXVI съезди, КПСС Марказий Комитетининг 781 йил ноябрь ва 1982 йил май Пленумлари қарорларини амалга оширишда фан ютуқларини ишлаб чиқаришга янада кенгроқ жорий этишга бағиш-аб ўтказилган сентябрь Пленуми илмий-тадқиқот уювчилари олдида, жумладан, институтимиз олимлари олдида ҳал этилиши зарур бўлган жуда катта азиятларни кўйди. Пленум белгилаб берган, бевотиби бизнинг институтимиз коллективига алоқадор ўлган муаммоларни кечиктирмай амалга ошириш ақсадида ички имкониятларимизни шаклландиради чикиб ир қатор чора ва тадбирлар белгилади.

Маълумки, она табиат битмас-туганмас ҳаёт мандир. Инсонлар ўзлари учун зарур бўлган озқ-вқат маҳсулотларининг деярли ҳаммасини табиат ағрида етиштирилади. Ҳа, табиат бизни боқди, дириб-ичиради, кийинтиради. Биз унга меҳр-муҳаббат билан муносабатда бўлаверсак, у ўз бағридаги ор бойликларини бизга индом этаверади. Шунинг чун ҳам биз табиатни ардоқлаймиз. Бинобарин, ейинги пайтларда табиат бойликлари — хилма-хил ишлоқ хўжалиги маданий экинларини тури-туман зараркунанда ва касалликлардан сақлаб қолиш учун урешда янги илмий изланишлар олиб борилаётир.

Ҳа, ўсимликлар оламини уларнинг вирус касалликларини ҳар томонлама кенг тадқиқ қилиш ҳозир вақтда жадал суратлар билан амалга оширилатир. Ўзбекистон ССР Фанлар академиясига қарашли Микробиология илмий-текшириш институтида бу оқда ҳам микробиология сингари умумий вирусология, медицина, ветеринария ва ҳашаротлар вирусологияси каби тармоқларга ажратилиб, алоҳида-алоҳида ўрганилмоқда.

Ҳозирги вақтда ўсимликларда 360 дан ортиқ, айвонларда, зараркунандаларда 400 га яқин, одамларда 500 дан ортиқ вируслар борлиги аниқланган. Аларларимизда кўпгаб экиладиган биргина гўза симлигига ҳар хил вируслар билан касалланган 100 турдан ортиқ ҳашарот зарар етказиши мумкин.

Дундай экан, уларга қарши ўз вақтда кураш олиб орилмаса, пахта ҳосилининг учдан икки қисмини уққа чиқариш хавфи вужудга келади.

Иттифоқимизда, жумладан, Ўзбекистонда зараркунандалардан кўсак қурти, кузги тунлама, қарад-

рина ва бошқа зараркунандаларга қарши юқори самара берадиган биологик кураш воситалари ишлаб чиқилган.

Маълумки, қишлоқ хўжалик экинлари зараркунандаларига қарши курашда химиявий захарли дори-ларни қўллаш атроф-муҳитга зарар етказиши, хусусан ўша ерда яшаётган кишилар ва ҳайвонлар соғлигига салбий таъсир кўрсатади. Шу сабабдан республикамизда биологик кураш усулига кўпроқ аҳамият бериш тақозо этилаётир. Биологик кураш усуллари ичида микробиологик кураш воситасининг истиқболли порлоқдир.

Озиқ-овқат программаси ва фан

Вирусология лабораториясининг олимлари томонидан зарарли ҳашаротларга қарши биологик курашни кенгайтириш устида илмий ишлар олиб борилаётир. Бунинг учун аввало республикамиздаги қишлоқ хўжалик экинларини нобуд қилувчи вируслар ҳар томонлама чуқур ўрганилмоқда. Шунингдек маданий ўсимликларнинг кушандаси бўлган вирусларнинг ўзига қарши вируслардан фойдаланиш йўллари қидириляпти. Шу сабабли вирусларнинг касаллик юқитириш активлиги, ҳашаротлар танасида уларнинг нисбий тўпланиш эҳтимоллари, ҳашаротларнинг вирус оқумли касаллигини қабул қилувчанлиги ҳамда биологик курашда у ёки бу вирусни қўллаш имкониятини аниқлаб бериш учун қатор жум-боқлар атрофида ўрганилмоғи зарур.

Мана шундай ўрганиш ва изланишлар натижаси ўлароқ бизнинг шароитимизда илк марта бирмунча кенг тарқалган пахта ва सबзот экинлари зараркунандаларини нобуд қилувчи вируслар пайдо қилинди. Чунончи, улар кузги тунлама, ундов белгили қурт, кўсак қурти, қарадрина ва бошқа зараркунандаларни йўқотиши, биологик курашда биз яратган вируслардан фойдаланиш мумкинлиги исботланди. Уларга қарши бир неча вирус препаратлари тайёрланди. Масалан, энг хавфли ва бирмунча кенгроқ

тарқалган зараркунанда — кузги тунламага қарши «ВИРИН-ОС» вирус препарати тайёрланди. Мазкур препаратнинг ишлатилиш вақти ишлаб чиқилди, турли қишлоқ хўжалик экинларини асрашда уни қўллаш бўйича инструкция-қўлланма тузилди. «ВИРИН-ОС» препарати СССР Қишлоқ хўжалиги министриги Давлат химия қомиссияси томонидан фойдаланиш учун қабул қилинди. Мана иккинчи йилдики, бу препарат синодан муваффақиятли ўтмоқда. Мазкур препарат 1981—1982 йилларда Қашқадарь область Шаҳрисабз районидаги «Ленинград» колхозига гўза билан бир қаторда маккажўхори-зордорда ҳам синодан ўтди ва юксак самара берди.

«ВИРИН-ОС» препарати Тошкент областидаги совхозлардан бирида ҳам қўлланди ва ёш тут ниҳолларини асраб қолишда жуда катта самара берди. Маълумки кузги тунлама ёш тут ниҳолларига ўч бўлиб, бағрларини иштаха билан ейди ва ниҳолнинг ўзига зарар етказди. Тут ниҳолларини экиб кўпайтириш эса давлатга қимматга тушади. Вирус препарати «ВИРИН-ОС»ни кунжарага қўшиб ишлатиш орқали ёш хавфлар кузги тунламадан ва касалланишдан асраб қолинди. Янги кунжарага аралашган «ВИРИН-ОС» ниҳоллар тағма ороқдан тўкиб қўйилди. Кунжаранинг ҳиди кузги тунламадан дарҳол ўзига чиқаради. Ундан озиқланган ҳашаротлар эса қирилиб кетади. Натижада бир гектар тут ниҳоли экилган майдондан бир йилда 1500 сўмгача маблаг иқтисод қилинди.

Биз бу муваффақиятлар билан чекланиб қолаётганимиз йўқ. Ҳозир институтимизда касаллик тарқатувчи ҳашаротларга қарши курашиш учун уларни группалари билан қириб юборадиган комплекс вирус препаратлари яратилиш устида иш олиб борилаётир. Янги кашфётириш мураккаблиги шундаки, мазкур препарат синод даридаёқ ҳашаротлар танасида вирусларни кўпайтириб юборатил. Шу сабабли аввало ҳашаротларнинг оммавий кўпайиши даражасини текшириб аниқлаш керак.

Қишлоқ хўжалиги экинлари зараркунандаларига қарши биологик курашни қўллаш ва бактериологик препаратдан кенг қўламда фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Шу босидан бир гуруҳ олимларимиз препарат тайёрлаш учун асос бўлиши мумкин бўлган ҳашаротларнинг ҳар бир турига мосланган бактериялар устида кизгин иш олиб бораётирлар. Бу йўналишда ҳам маълум ютуқлар қўлга киритилди.

Бундан ташқари, лабораториямизда яқинда яна бир янгилик тадқиқ этилди — олимларимиз помидор ўсимлигида учрайдиган тамаки вирусининг бир шаклини аниқладилар. Текширишлар шунини кўрсатдики, бу вирус республикамизда 20—35 фоиз, баъзи бир хўжаликларда эса 80—90 фоиз экинни зарарлантирар экан.

Помидор ўсимлигининг меваси киши ҳаётида қанчалик аҳамияти борлиги ҳаммамизга яхши маълум. Олимларимизнинг помидорни бу касалликдан халос этиш учун жуда кўп изланишларига тўғри келди. Лаборатория шароитида чипорланиш касаллигининг помидорга кучли зарар етказадиган биологик ва физик хусусиятлари ўрганиб чиқилди. Маълум бўлишича, касалланган ўсимлик уруғи юзасига ёпишиб қолган вирус уруғдан униб чиққан ниҳолни ҳам касалликка чалитирир экан.

Биз бир неча вирусолог олимлар билан биргаликда уруғнинг чипорланиш касаллигида чалинган-чалинмаганигини, яъни шу касаллиқни тарқатувчи вирус бор-йўқлигини аниқлашда вирусологияга онд талайгина усуллардан фойдаланиб кўрдик. Бу борада тўпланган, назарий билимлар асосида лабораторияда синод тажрибалари ўтказди. Синод жараёнида анча қийинчиликларга дуч келди. Эндиликда колхоз ва совхозларда вирус касаллигига қарши қўлланилаётган бу чора-тадбирлар туфайли помидор ҳосилини тўла сақлаб қолишга эришиляпти.

Лабораториямиз олимлари яна бир қанча экинлар касаллигини ўрганиш устида изланилмоқдалар. Хусусан, ризку рўзимиз, бойлигимиз ҳисобланган маккажўхори ҳосилдорлигини камайтириб, сифатининг пасайишига сабабчи бўлаётган вируснинг ўсимликка ўтиш ҳодисаси, унинг қайси ҳашаротлар орқали тарқалиши, шунингдек, қайси ўсимликларда яшириниб қишлаши кузатилди. Кенг қабул қилинган химиявий тадбирлар орқали унга қарши кураш усуллари ўрганилди. Бу усул ҳам республикамиз колхоз ва совхозлари маккажўхори-зордорларида кенг синиб кўриляпти.

Изланиш, тажрибалар шунини кўрсатдики, болгар қалампиринида чипорланиш касаллигини тамаки, боднинг ва беда вируслари биргаликда келтириб чиқаради. Бу касалликка чалинишини олдини олиш ва унга қарши курашиш мақсадида уруғлар 0,01% иманин ёки бошқа химиявий моддалар билан ишланади. Лаборатория, ярим очик дала шароитида бу чора-тадбирлар кенг синиб кўрилмоқда.

Дарҳақиқат, табиатни муҳофаза қилиш, зараркунандаларга қарши кураш олиб бориш бугунги куннинг талабидир.

Ёқутхон МУСАМУҲАМЕДОВА,
Мухаммадхон ИСАМУҲАМЕДОВ,
биология фанлари кандидатлари



Мама, бизнинг мамлакатимиз!

С. Баранников фотолуғди

Ошиқлар армони

Сукут сақлаб, севги турса тек,
Бизни зинҳор демангиз тирик!

Ксения НЕКРАСОВА

Ошиқлар, севгини айламанг етим,
Муҳаббат умрини емирар фироқ,
Кўнгиллар умрбод тузсинлар битим,
Муҳаббатсиз уйда сўнади чироқ.

Севги шартларига қалблар қўйсин қўл —
Муҳаббат қадрига мангулик муҳр.
Севги қўрғонига қўриқбон кўнгил,
Тақдир дастхати бу — қўшалоқ умр.



Ошиқлар армони — севилмоқ, севмоқ!
Севгисин умридан кўрарлар афзал.
Севги тилга кирса, обод ҳамма ёқ,
Сукунат севгининг ғаними азал.

Агар севги сўқир — бўлса кўру қар,
Кўрмасак, сезмасак қалб чўғимизни.
Умр умр эмас — олам ҳам нурад,
Ҳеч бир қизига йўқ бор-йўғимизнинг!!



ИЗТИРОБ

Уғлимга қўлимни кўтардим бугун,
Бадқилиқ, ноҳўя қадами учун!
«Жаҳл келганида — йўқолар ақл» —
Донолар бисоти, пурҳикмат нақл,
Шу кун қайда эдинг, қайга беркиндинг?
Нечун айт, о, ақлим, қўлга эрк бердинг?!
Кўзлари ҳалқа об, хомуш ўлтирар,
Нажот истаб мендан, ўғлим мўлтирар.
Жазолади асаб, даҳшат — ғазаби,
Ҳамон мени эзар виждон азоби.
Виждон йўриги бу — чап қўлим билан
Ҳатто оқ қогозга тушди бу суҳан.
Бу оддий суҳанмас, дил изтироби,
Ҳам арзи, ҳам қарзи, одил жавоби,
Юрагимдан малҳам излайман куйиб,
Оғриқ ўнг қўлимни кўксимга қуйиб!



ИЛК СЕВГИ

Илк севгидан яралар умр,
Илк севгига айлангиз таъзим!
Илк севгига қаноат, сабр, —
Ва бир умр тилангиз тўзим!

Севги, вафо — юраклар кўри,
Ошиқ қалбга сўрайлик соғлиқ.
Севги ёши, муҳаббат умри, —
Қўшалоқ шу юракка боғлиқ!



БИР ТАНИШИМДАН ЭШИТГАНИМ...

Йигирма ёшида барча куйлармиш,
Айлаб қалбин парча-парча куйлармиш,
Йигирмадан сўнгра ошиқ куйлармиш,
Муҳаббат кўйида қўшиқ куйлармиш.
Ўттиз ёшдан кейин шоир куйлармиш,
Соф севги сеҳрини шоҳир куйлармиш.

Ҳамма шоир бўлар севги ёшида,
Содиқ ёри турса ошиқ қошида.

Йигитман, шоирман,
Ёъни, сиздирман,
Ишқингиз куйларман сездирмай!

МАРҲУМ ДЎСТЛАРНИ ЭСЛАБ

Уртоқ раис, бунчалар ҳам рўйхатинг узун,
Юрагимни тирнади-ку ўқишинг маънос,
Вужудларим қақшаб кетди, тинглаб мен беун,
Тўхтат, тўхтат, қироатни илтимос, раис.

Бир дақиқа сукут сақланг марҳумлар ҳақи,
Айрилиқдан ўртанади аламни кўзалар.
Бу ҳурматни деманг йўқ, йўқ маъхумлар ҳақи,
Афсус, энди орамизда йўқ содиқ дўстлар!

Биз уларни билар эдик, танирдик яқин,
Ҳар бириси бу оламда бир олам эди.
Дўстни асраб қололмадик бўлсак ҳам яқин,
Юлди ўлим сафимиздан, дилда ғам энди...

Тирикликда кўрилмаган ҳурматлар ҳақи,
Бир дақиқа, бир дақиқа сукут сақлангиз!
Йўқлигида кўрсатилган иззатлар ҳақи,
Бир дақиқа, бир дақиқа бурчни оқлангиз!

Ортада қолган, ушалмаган истаклар ҳақи,
Бир дақиқа, бир дақиқа сукут сақлангиз!
Додлаб қолган эмизлик гўдаклар ҳақи,
Бир дақиқа, бир дақиқа бурчни оқлангиз!

Айтилмаган, битилмаган қўшиқлар ҳақи,
Бир дақиқа, бир дақиқа сукут сақлангиз!
Довон сари талпинганда тўсиқлар ҳақи,
Бир дақиқа, бир дақиқа бурчни оқлангиз!

Элимиздан четда қолган қабрлар ҳақи,
Бир дақиқа, бир дақиқа сукут сақлангиз.
Қаноату шўжоату сабрлар ҳақи,
Бир дақиқа, бир дақиқа бурчни оқлангиз!

Тўйлар ҳақи, ёзилмаган дастурхон ҳақи,
Бир дақиқа, бир дақиқа сукут сақлангиз!
Имон ҳақи, эътиқоду пок виждон ҳақи,
Бир дақиқа, бир дақиқа бурчни оқлангиз!

Ўрнингиздан бир дақиқа туринг, азизлар,
Яхшиларнинг пок руҳига арзир эгсак бош,
Инсонликка қалбда ҳайкал қўринг, азизлар,
Бир ҳайкалки, унда қалблар ёнсин бир қўёш...

Қалб — ўртада, йўл — ўртада, ўртада — виждон,
Вақт қадридай, эл қадридай қалб бўлмас унут.
Дўстлар тирик, дўстлар ўлмас, яшаркан инсон,
Зал сўрайди, қалб сўрайди, сўрар элу юрт:

Ўрнингиздан бир дақиқа туринг, азизлар!

КПСС Марказий Комитетининг 1982 йил май Пленумида ва унда қабул қилинган Озиқ-овқат программасида шахсий ҳўжаликни ривожлантириш масалалари алоҳида вазифа қилиб белгиланди. Дарҳақиқат, шахсий ҳўжалик ёрдамчи ҳўжалик сингари қўшимча озиқ-овқат маҳсулотлари етиштиришда муҳим роль ойнайди. Свердлов район партия комитети шу масалага аҳамиятни кучайтириб, шахсий ҳўжаликларни ривожлантириш, хонадонлар қарамогидаги моллар тўғрисида кўпайтиришга жиддий эътибор бераётди.

Айниқса, КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг 1981 йил бошида қабул қилган Гўрдаданларнинг шахсий ёрдамчи ҳўжаликлариде ишлақ ҳўжалик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш юзасидан қўшимча тадбирлар тўғрисида» деган қарори бу борада муҳим аҳамиятга эга бўлди. Ҳар бир ҳўжаликда район партия комитетининг кўчмала бюрolari ўтказилди. Унда барча ҳўжалик бошқлиқлари билан ёрдамчи ва шахсий ҳўжаликларни ривожлантириш масалалари муҳокама қилинди. Қозирги пайтда районимиз бўйича 11 минг 266 хонадон мавжуд бўлиб, уларнинг ҳаммаси, томорқага амда чорва молларига эга. Шахсий ҳўжаликларда 5 минг бошдан кўпроқ қорамол асралмоқда. Шундан 8 минг боши сингирлар. Кейинги икки йил мобайнида ҳўжаликларда қўйлар сони ҳам кескин ўсаяпти. Агар 1980 йилда 32 минг бош қўй ва эчки бўлса, айни пайтда бу кўрсаткич 34,5 минг бошга ўтди.

Шахсий ҳўжаликларда чорвачиликни ривожлантиришимиз ҳисобига портдан олинаятган маҳсулот инқидори ҳам кўпайиб бормоқда. Шу йил давомида холи ҳўжалиги ҳисобидан 370 тонна гўшт, 1600 онна сўт, 9 тонна сариёғ, 900 минг донна тухум, 250 онна жун, 26 минг донна қоракўл тери қабул қилиб линди ва давлатга топширилди. Шахсий ҳўжаликларнинг томорқаларини ривожлантиришга, уларда

Озиқ-овқат программаси амалда

ШАХСИЙ ҲЎЖАЛИК ЭЪТИБОРИМИЗДА

Усмон НУРУЛЛАЕВ,

Свердлов район партия комитетининг биринчи секретари

озиқ-овқат маҳсулотлари етиштиришни кўпайтиришга эътибор кучаймоқда. Район тайёрлов идораси томонидан аҳолидаги ошиқча қишлоқ ҳўжалик маҳсулотларини қабул қилиш кўчма тарзда амалга оширилди: 4 минг тонна узум, 700 тонна олма, 1300 тонна сабзаот маҳсулотлари давлат томонидан харид қилинди.

Бухоро область меҳнаткашларининг 1982—1985 йилларда чорвачиликни жадал ривожлантириш ва улардан олинадиган маҳсулотларни янада кўпайтириш тўғрисидаги тадбирлари Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети томонидан маъқулланди. Бу тадбирлар районимиз меҳнаткашларининг ҳам асосий иш программаси бўлиб қолди. 1985 йил охирига бориб районда гўшт етиштиришни икки баравар кўпайтириш ҳаракатидемиз. Биринчи навбатда моллар туёқ сонини кўпайтириш тадбирларини кўрйамиз.

Ҳозирги пайтда районимиз ҳўжаликлариде сигири бўлмаган 3 минг 756 хонадон бор. Район партия комитети ана шу оилаларни қолхоздан ҳисобидан гунажинлар билан таъминлаш ёки қарз бериш йўли билан уларнинг сигир сотиб олишларига, имконият яратмоқда. Шу йилнинг охиригача сигири бўлмаган хонадонлардан 2 мингтаси гунажин ёки сигир билан таъминланади. 1983 йил охирига бориб эса

райондаги ҳамма шахсий ҳўжаликлар сигир билан таъминланади.

Район партия комитети шахсий ҳўжаликларни ривожлантириш бўйича уюштирган кўрғазмали семинарлардан бирде Свердлов номли қолхоз аъзоси Неймат Жумаев оиласининг тажрибалари ўрганиб чиқилди. Айни пайтда Н. Жумаев ҳовлисида 5 та қорамол сўқимга боқилмоқда. Шунингдек бу оилда 2 та сигир, 55 та товуқ, 18 та қуён, 14 та қўй бўлиб, улар оила эҳтиёжларини қондиришга хизмат қилмоқда. Уртоқ Жумаев оиласи ҳар йили давлатга 3 минг сўмлик чорва маҳсулотлари сотмоқда. Хонадон 2 тонна гўшт, 1 минг 500 литр сўт, мингта тухум, 15 килограмм жун, 12 та қоракўл тери, 30 га яқин қуён терисини давлатга сотди.

Районимизда ана шундай ташаббускор хонадонлар тобора кўпаймоқда. Район партия комитети шахсий ҳўжаликларни ем ва бошқа озуқалар билан таъминлашга катта эътибор бераётди.

Партия ва ҳукуматимиз чорвачиликни кескин ривожлантириш йўли билан Озиқ-овқат программасини ҳал эттишни вазифа қилиб қўйди. Шубҳа йўқки, районимиз меҳнаткашлари ҳам бу жангивар программани тўла-тўқис амалга оширишга ўз ҳиссаларини ҳўшадилар ва СССРнинг шонли 60 йиллигини муносиб кутиб оладилар.

МЕХНАТ КУЙЧИСИ

ЎзССРда хизмат кўрсатган санъат боби Маннон Саидов ўз ижодий лини бундан ўттиз йил аввал— 52 йили «Тўқувчи портрети» номлари билан бошлаган эди. Шу йилр мобайнида у халқимизнинг ҳаёва меҳнатини, республикамиз рихидаги муҳим инқилобий воқеаларни тараннум этувчи мазмундор эрлари билан танилди. Айтиш мумкин, бу расомининг тарихий-инқилобий мавзудаги асарлари республика тасвирий санъати тараққиётига қимомли ҳисса бўлиб қўшилди. Бу эрларни хронологик тарзда кўриб қсак, рассом маҳорати танланган вазу ва гоёга муносабати, уларни қий образда ифодалаш йўллари услублари тобора мукамаллабборганлигини кўраимиз. Масалан, инг «М. И. Калининни Самарда келиши» (1953 йил) номли эрини «Яша, Шўро!» (1976 йил) лотносига таққослаб кўрайлик. Ҳар си асарда ҳам рассом қаҳрамонини томошабинга яқинлаштирган тдан: «Бу унинг гоё оқсоқоли Мил Ивановни Калинин ва республикаизнинг биринчи президенти Йўлс Охунбобоевни гўё эндигина шинадан тушиб, ўзларини улуввор

«Яша, Шўро!» қўшиги билан қарши олаётган бир гуруҳ созанда ва хонандлар қаршида тўхтаб қолганларини тасвирлаган. Рассом,— аввалги асардан фарқли ўлароқ,— ҳар бир персонажнинг юриш-туруши, хатти-ҳаракати, имо-ишораси ёрдамда уларнинг кайфияти, кечинмаларини очик-ойдин ифодалади, характерларига аник тасвир беради. Бўлиб ўтаётган воқеа географиясини, жойини фақат мезморчилик ёдгорликлари воситасидагина эмас, балки персонажлар кифёфаси орқали ҳам аниқлашга эришади ва шу тариқа асарнинг ўзига хос миллий руҳини кучайтиради. Бу асарнинг томошабинга чуқур таъсир қилишининг яна бир сирин— унда ранглар тиниқ, жозибали.

Айни муваффақиятлар узоқ излашларнинг самарасидир, албатта. Маннон Саидов Ленинграддаги Рассомлик санъати институтиде ўқиб юрган вақтларидеёқ она-Ватанининг, жонажон халқининг инқилобий курашларда кўрсатган қаҳрамонлигини, жасоратини тараннум этишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган эди. Бу ниятини амалга ошириш учун кўп билим, ҳаётни ўрганиш, энг муҳим

тарихий воқеаларни тасвирлай билиш лозимлигини рассом яхши тушунар эди. Унинг биринчи тарихий-инқилобий асари 1962 йилда яратилди. Мазкур «Уққиш давом этади» асариде автор оташин инқилобчи, шоир Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий образини яратди. Янги мактабни бекитмоқчи булган амалдор билан кескин тўқнашувда Ҳамзанинг ғолиб чиқиши асарда аник сезилиб турибди. Бу ҳолат психологик аник тасвирланган. Шунингдек, тўқнашувни кузатиб турган мактаб болаларининг ўзига хос характерлари моҳирона ифодаляб берилган.

«Саводсизликни тугатиш. Зиё сирин» деган тарихий полотно ҳам М. Саидовнинг энг ёрқин асарларидан ҳисобланади. Унда фақат уч персонаж— уч хотин-қиз тасвирланган. Айни ҳаётий лавҳанинг 20- ёки 30-йилларга таваллуқли эканини баъзи деталлардан, аниқроғи, персонажлар кийимидан пайқаш мумкин. Таъкидлаш жоизки, рассом қайтарилмас, оригинал образлар яратган.

Рассом Маннон Саидовнинг ижодига хос хусусиятлардан бири шуки, унинг асарлариде юмор, ҳажв, кулгига майл бўртиб туради. Шундай

асарларидан бири «Аския»дир. Бу асарда қаҳрамонларнинг хатти-ҳаракати, ҳиссий ва кечинмалари ишонарли ва бадий жозибали бир тарзда тасвирланади. Рассом өз фаслини, эрта тонг маҳалини, яшил либосга бурканган гўзал далалар қучоғиде юрган қолхозчи оиласини тасвирлайди. Улар—ота-она ва икки боласи билан— велосипедларда пахтазор томон ишга кетишляпти. Бахтли оиланинг аҳиллиги, руҳий гўзаллиги, бежирим, содда, лекин ярашгли кийинганлиги киши диққатини беҳиётёр ўзига тортади. Композициясининг пишқлиғи, гоёнинг чуқурлиғи ва кенглиғи, рангларнинг жозибаси, сермаъно ва гўзаллиғи билан бу асар санъат муҳлисларини мафтун этади.

М. Саидов бир қанча портретлар ҳам яратди. Булар орасиде «Ишчи Муҳитдинов», «Мила», «Бригадир» сингари портретларни кўрсатиш мумкин.

Узининг 60 йиллик тўйини тасвирий санъат муҳлислари даврасиде шинонаётган моҳир рассом Маннон Саидов халқимизга манзур бўладиган янги, ажойиб асарлар яратиш мақсадида кунт билан ишламоқда.

Абдулхай УМАРОВ



«Наргиз» — Фарғонанинг энг гўзал оромгоҳ
жойларидан бири.

Г. Пфау фотоси



ОЛТИН КУЗ.

В. Таран фотоси.

**ЎЗБЕКИСТОНДА
ХИЗМАТ КЎРСАТГАН
САНЪАТ АРБОБИ
РАССОМ
МАННОН САИДОВ
АСАРЛАРИДАН
НАМУНАЛАР**

ҲАМЗА ҲАКИМЗОДА
НИЕЗИЙ.



АСКИЯ.



ДАЛА ЙҮЛИДА.

РАССОМ
МАДАТ
ҚАҲҲОРОВ
АСАРЛАРИДАН



ҲОСИЛ БАЙРАМИ.

БОДОМ ГУЛЛАГАНДА.



БУХОРО ЛАВҲАСИ.





Пискент районидаги «Гулистон» колхозининг раиси Ислиддин ҲАЙДАРОВ



Соҳибкор қиз
Саодат МАНСУРХУЖАЕВА.
(Тошкент область Оржоникидзе
районидаги «Коммунист» колхози).

Н. Шарипов фотолари

КОЛХОЗ ОҚСОҚОЛИ

РАИС ўз кабинетига эндигина кирган эди ҳамки, телефон жиринглаб қолди: — Ислиддин ака, бугун вақтингиз бўлганда райкомга бир кириб кетсангиз.— деди раён партия комитетининг биринчи секретари Учқун Яхёевич Баҳодиров.— Маслаҳатли иш бор...

Ислиддин Ҳайдаров ўша заҳоти ташқарига чиқди, машинасига ўтириб райкомга эмас, далага йўл олди. Негаки, колхоз партия ташкилоти секретари Абдуваҳоб Мафиқовга 10-бригада шийпонига эрталаб ҳамма тракторчиларни йиғишни топширган эди. Кузги шудгор олдидан улар билан обдан гаплашиб олишни кўнглига туғиб қўйган эди... Мана, раис етиб келгунча айтилганлар шийпон ёнидаги қуюқ толарга тағина йиғилишди. Ислиддин ака машнадан тушиб, тракторчилар билан самимий сўрашди. Йиғилганлар сўрига ёна-ёна ўтиришгач, раис тракторчиларга юзланиб, аазмин гап бошлади:

— Аввало, сизларга катта раҳмат. Йил бўйи астойдил тер тукиб, пахтадан мўл ҳосил етиштиришга муносиб ҳисса қўйишдан ташқари. Ҳосилдорлик ҳар гектар ҳисобига қарийб 46 центнерни ташкил этди. Утган йилга қараганда гектарига 4 центнердан кўп ҳосил олди. Сизлар ҳалол меҳнатларингиз билан ҳаракатда баражат, деган ҳикматни исбот қилдингизлар. Йил якунда ҳар иш кунига 8 сўм 47 тийиндан ҳақ тўғри келди. Пахтачиликнинг ўзидан эса 2 миллион 900 миң сўм даромад қилдик. Сиз азаматларнинг ғайратингиз билан шундай муваффақиятга эришдик. Мана, пахта йиғим-терим ҳам тугади. Энди навбат кузги шудгорга келди. Сизларга тушунириб ўтиришнинг ҳождати йўқ. Ермиз тошлоқ. Ерни чуқурроқ, энчи жойларни эса текислаб ҳайдаш лозим. Бу хусусда ҳали сизлар билан агрономини махсус суҳбат ўтказадилар. Тушлик, яъни иссиқ овқат шийпонинг ўзида уюштирилади. Сизларга шарафат яратиш билан Бевосита парткомизни шуғулланади. Мабодо савол ёки бирор маслаҳат бўлса, марҳамат.

— Раис бува, шийпонда телевизор бузуққа ўхшайди. Бирор уста келади.— деди раисга мувожабат қилиб ўртада ўтирган новча йигит.

— Бугунроқ тузатириш керак, ўртоқ Мафиқов,— деди раис партком секретарига.

— Шофёрни телеательегга жўнатдим. Ҳозир устани бошлаб келади,— дея изоҳ берди Мафиқов.

Сухбат тугагач, раис раён марказига жўнаб кетди...

— Сизни овра қилиб қўйдим шекилли,— деди биринчи секретарь ўрнидан туриб Ислиддин Ҳайдаровга самимий кўл узатаркан.

— Сиз билан гаплашадиган кейин бирор далага ўтдим,— деди раис секретарининг рўпарчасидаги ўриндиққа ўтираркан.— Шийпонга кузги шудгор олдидан тракторчиларимизни йиққан эдик. Улар билан шудгор хусусида бир оз гаплашдик. Ҳозир агроном ва инженеримиз улар билан инструментга ўтказишляпти.

— Жуда яхши, Ислиддин ака! Ғайрат билан ишлаб, ҳўжалик йилини катта муваффақиятлар билан якуллагинизлар. Бунинг учун сизларга раҳмат,— деди Учқун Яхёевич мамнун ҳолда.— Тажрибаларингиз бошқалар учун ибрат. Ҳозир сизни бошқа бир масала бўйича бу ерга тақлиф қилгандим. Анқироғи, олдингиздан бир ўтайлик дедик. Район партия комитети ўғлингиз Мухиддинни Калинин номили колхоз партия комитетининг секретарлигига тавсия қилляпти. Фарзандингиз институтни тамомлагандан бери биз билан раён ташвишига шерик. Ирригатор инженер сифатида сув иншоотларидан, айниқса, насос станцияларидан фойдаланишда жонқуярлик қилляпти. Бир коллективда етти-саккиз йилдан бери ишлаб тажриба орттирдим. Мухим, одамлар билан муомала қилишни ўрганди. Энди бемалол партком секретарлигини удадалаб кетади деган умиддамиз.

— Ёшлик қилмасинки-а?— деди Ислиддин ака ўйчан ҳолда бароқ қошларини чимириб.

— Сиз раис бўлганда неча ёшда эдингиз? Ушанда ўғлингиз Мухиддиннинг ёшида бўлган бўлсангиз керак,— дея самимий жилмайди секретарь.

— Зиммемизга раҳбарлик ташвиши анча эрта тушган,— деди раис мулоҳаза билан.— Рансликка сайланганимда йигирма тўққиз ёшда эдим.

— Ана, айтмадимки! Колхозни бошқараётганингизга ўттиз бир йил бўпти,— деди секретарь ўттиз бир рақамига алоҳида ургу бериб.— Ахир, колхоз ишлаб чиқаришнинг сиздек билимдон, эл оқ-

соқолининг фарзанди ишончимизни оқласа керак, биз шундай ўйляймиз.

— Ҳа, дароқе, илгор механизаторларни муқофотлаш учун районимизга унта енгил машина ажратилган,— деди Учқун Яхёевич сени ўрнидан тураркан.— Жамоат ташкилотларининг вакиллари билан маслаҳатлашиб, яхши механизаторларингиздан икки кишининг рўйхатини берасизлар-да.

— Раҳмат, Учқун Яхёевич. Кузги шудгор вақтида механизаторларимизни рағбатлантириш учун аини мудаоо бўпти-да,— деди Ислиддин ака яна ҳам енгил тортиб.

Улар оёқ устида самимий хайрлашдилар.

Ислиддин ака хурсанд бўлиб машинанинг орқа ўрнинидаги оҳиста ўтирди-да: — Кетдик,— деди шофёрни Қурбонга боши билан ишора қилиб.— Секретаримиз жудаам мулоҳазали, сертакалуф киши-да. Ҳар бир масалада ўйлаб, кенгашиб иш тутади, деган сўзлар раиснинг кўнглидан кечди.

Ислиддин ака йўл-йўлакай ҳаёлга толди. Бир уй тўла фарзандларни тетапоб қилиб, оёққа турғизгани, уларни тенқурлари билан шаҳарга қўшига юборгани— ҳамма-ҳаммаси бирма-бир кўз ўнгидан ўта бошлади... 1963 йилнинг ёз ойлари эди. Фургон «Москвич» машинесининг орқасига кўрпача тўшаб, тўрт тенгдошини— ўғли Мухиддинни, колхознинг ҳозирги партком секретари Абдуваҳоб Мафиқовни, Абдуғани Султонов, Шомурод Исиргаповларни ўтиргизиб, тўғри Тошкент Кишлоқ ҳўжалигини иррига қиллаш ва механизамлаш инженерлари тайёрлаш институтига бошлаб борди. Йигитларни қишлоқ ҳўжалик ёки медицина институтига эмас, атайин ирригация институтига етаклаб боришига ҳам аслида бошдан кечган бир нарсга туртки бўлганди. Эллик учинчи йил эди шекилли, ҳозир аниқ эсполайми. У колхоздаги оғир ерга сув чиқармоқчи бўлди. Насос қуриш учун ёрдам сўраб республика Министрлар Советига.— Усмон Юсупов ҳузурига келди.

— Янги ер ўзлаштирмаман деб интилишингиз бизни қувонтиради,— деди ўшанда Усмон ота раҳбарларга хос мамнулик билан.— Лекин насос станцияси қурилгандан кейин уни ишлаша оладиган ирригатор кадрларингиз борми? Бу— масаланинг муҳим томони. Иккинчидан, катта қувватли насос қуриб бериш учун бизда ҳали ортиқча маблағ йўқ. Борини эса уруш оқибатларини тугатишга, зарур эhtiёжларга сарфламоқдамиз. Область ижроиша комитетидаги ўртоқлардан сизга ёрдам беришни имтинос қиламиз.

Ушанда Усмон Юсуповнинг «Ирригатор кадрларингиз борми?» деган гапи Ислиддин акага қаттиқ таъсир қилган эди. Ҳақиқатдан ҳам колхозда ўша вақтда ўқимшили бирорта ирригатор йўқ эди. У елиб-юғуриб, область ижромкомига қатнайвериб, қувват камроқ насос агрегатини ундирди. Уни сув ҳўжалиги мутахассислари колхозга бориб тегишли жойга ўрнатиб ҳам бердилар. Лекин насоснинг «тилийни» биладиган кишининг йўқлиги тўфайли қирқ гектарча ерга экилган экин-зиرواتлар ўша йили сувсизлидан қуриб кетди. Шунда раис Усмон отаниннг ҳақ гапини яна эслади. Албатта, қишлоқ ёшларидан тўрт-беш нафарини ирригаторликка ўқитаман, деб ният қилди. Лекин ҳўжаликнинг бошқа ташвишлари билан овра бўлиб, ҳадеганда бу масала билан шуғуллана олмади. Лекин анча кейинроқ тўрт тенқурни қўшига бошлаб борганда ҳам иш бирдан юришиб кетмади. Вақтида ҳисобдан нўноқроқ бўлишга шекилли, тўртталаси ҳам қабул имтиҳонлари вақтида математикадан «йиқилишди». Аммо йигитлар шаштларидан қайтмадилар. Тайёрлов курсида ўқиб, кейинги йили қириш имтиҳонларидан муваффақиятли ўтидилар. Улар беш йилдан кейин инженер-ирригатор дипломлари билан колхоз кўчюгига қайтдилар. Мана, Абдуваҳоб Мафиқов ҳозир ўзининг ўнг қўли, колхоз партия комитетининг секретари.

ри. Аини кучга тўлган чоғи: кеча-кундуз ишлаб чарчамайди. Шомурод Исирганов ҳам раён сув ҳўжалиги мутахассиси сифатида колхоз ташвишига шерик... Ота учун ўз фарзандларининг камолини кўришдан ортиқ бахт борми!

Ислиддин ака Пискентдан то колхозга етиб келгунча ширин ҳаёлар оғушида бўлди. Қарийб бир аср яшаган ва эндиликда марҳум табаррук падари Ҳайдархўжа отаниннг бир яхши гапи доим хотира-сида.

У колхозчиларнинг умумий мажлисида раис этиб сайланган кун эди. Отаси кечқурун ҳовлига кириб келган ўғлига пешвоз чиқиб деди:

— Уелим, янги мартабангиз муборак бўлсин! Энди эл назаридан тушмай десангиз яна ҳам камтар бўлинг, каттаю кичикин рабарвар кўринг. Колхоз ҳам катта бир рўзгор. Ҳўжалик ишида ҳам оила бошлиғидек тадбиркор бўлмоқ лозим...

Падари бузрукворининг бу ўғитига у умр бўйи амал қилиб келляпти. Фарзандлари ҳам бирин-кетин кўпайиб, 12 нафарга етди. Улар йўлдоши Маажуда опа аллақачон Қарҳамон она унавоғига эга бўлган.

Ислиддин ака ҳаётидаги қувончли онларни эслаган сари хечраси тобора ёришиб, кўнгли тоғдек кўтарилиб борарди.

* * *

Биз аини саратон чиласида журналимиз оталиғидаги колхозда бўлдик. Раис бизни дала ишлари билан таништирди. Пахтазорларни айланиб, полизга ўтдик. Полиз бошида бизни Мирзамурод Бойтўраев кутиб олди.

— Узимиз бостириб келмасак, ширинакка тақлиф қилайин ҳам демайсиз,— деди полизчиға ҳазиллашиб Ислиддин ака.

— Шофёрингиз орқали қовун ейишга неча марта тақлиф қилсак ҳам ўзингиз келмайсиз. Ҳўжалик ташвишидан ортишингиз қийин,— деди майин жилмайиб Мирзамурод Бойтўраев.

— Раҳмат сизга,— деди раис.— Колхозчи деҳқонларимиз еса, биз егадмайди. Ҳаво иссиқ. Улар бўлиқ ғўза оралаб чанқашади.

— Ҳа. Бригадирлар кетма-кет машина юбориб туришибди.

— Раис бува, янги боғча қачон ишга тушади? Кенжамизни бермоқчи эдик,— дея Ислиддин акага мурожаат қилди даврамизга кейинроқ келиб қўшилган 11-бригада бошлиғи Баротали Мадалев.

— Янги боғчани стандарт қилиб, Бирот ўла газлаштириб қўрайлик,— деди раис.— Ҳижоз-ускуналар масаласини ҳам ҳозирдан суриштиряймиз.

Колхоз посёлкаси марказига қайтдик. Кеч кириб, атрофга қоронғилик тушаётган пайт эди. Ислиддин ака бизни ион чироқлари ёритиб турган теллица томон бошлади.

— Ҳозирги шароитда кунт қилган, интилан одам ҳамма нарсани удадаласа бўлади,— деди Ислиддин ака оғир қадам ташларкан,— илм, техника тараққий этган, ўқимшили, мутахассис кадрларимиз етарли. Теллицани ҳам ўз кучимиз билан қурдик. Четдан уста ҳам, монтажчи ҳам ёлламадик. Етиштирилаётган ҳосил эҳтиёжларимизни қондирыпти. Айниқса, совуқ қишда боғча болалари, колхозимиз территориясида жойлашган раён шифохонасидаги беморлар ширин лимон чойни иштаҳа билан тановуф қилладилар. Теллицани яна ярим гектарга кенгайтирмоқчимиз. Биз мандарин етиштиришни, эс микдорда бўлса ҳам, йўлга қўйиш ҳаракатидамиз...

Сухбатимиз меҳмонхона ёнидаги сўрида давом этди. Сувни суриштириб қулоқ бошига кетган партком секретари Абдуваҳоб Мафиқов ҳам келиб суҳбатимизга қўшилди.

— Сувнинг салмоғи қалай?— деб сўради раис ундан.

— Яхши. Бироз кўпаяпти.

— Бу йил баҳоринг қурроқ келиши деҳқонларимизни роса ташвиши қўйди,— дея суҳбатни давом эттирди Ислиддин ака.— Ермиз тошлоқ. Тўпуроқ эрта баҳорда намга тўймаса, чигитни ундириб қийин. Минг гектар ернинг 800 гектаригади уруғни сув билан кўкартириб олдик. Ғўзаларни худди қулоғидан тортгандек ўстирдик. Маажбуриятимиз эса катта.

Ислиддин ака қишлоқларни бош пилан асосида қайта қуриш, хонадонларга табиий газ ўтказиш ва қишлоқ ёшларининг ўқув-тарбияси билан боғлиқ бўлган режаларини ҳам гапириб берди.

Сухбатлашиб ўтирар эканмиз, рўпарамиздаги катта паннога.— 1982 йилги юксак мажбуриятнинг ифодаси бўлган салмоқли рақамларга кўзимиз тушди: «пахта—4800 тонна, пилла—25 тонна, гўшт—175 тонна, сўт—840 тонна, туҳум—1,8 миллион донна, маккажўҳори дони—1650 тонна...»

Булар юбилей йилининг юксак марралари!

Уттиз бир йилдан бери ҳўжаликка етакчилик қилиб келаётган ва буюқ 60 йиллик арафасида ўз умрининг олтимигачи йилини бурчига садақат, элга эътибор тўйғуси билан қаршлаётган халқининг синалган оқсоқоли Ислиддин Ҳайдаров бошлиқ колхоз аҳли бу юксак истиқболга, албатта эришади. Биз журналимиз оталиғини колхознинг заҳматкаш деҳқонлари ҳузуридан шу ишонч билан қайтдик.

ЗАМОНДОШЛАРИМИЗ

Шомурод СИДДИҚОВ

Зоотехник

ҲИКОЯ

ДУСТИМ ИЗЗАТИЛЛАГА БАҒИШЛАЙМАН

Денов бозори. Сурхонда энг гавжум бозор. Бу ерда, эшитганимиз, унда-бунда тарихда ўқиганимиз ва тасавурида шакл топган қадим Шарқ бозорларини эсга солувчи бир нималар бор.

Митти япроқлари гезариб, чанг қоплаган ёлғиз акация дарахти тагида, алюминий стол ёнида қабоб пишшини кутиб, чекиб ўтирар эдим. Ён-веримдаги столлар атрофида одамлар: овқатланишяпти. Менинг столим қошида—бир ўзим. Узга стул ҳам йўқ.

— Ака мумкинми?
Тепамда ранги оқарган—қони йўқ, аммо ўзи қорамғиз, ўрта бўй бир йигит турарди. Эғнида енг калта, олди тугмалли, ерранг кител, бошидаги оч-сарик шляпаннинг гардиши устандан айлангирланг тасмаси тердан қорайиб-шўралаб кетган. Уни, дефъатан қараган киши ё дала бригадир, ё ҳисобчи, деб ўйлаши мумкин эди.

Аммо унинг суянчиги қийшқ стулнинг оёқларини ерга тегизиб-тегизмай турган ҳолда: «Мумкинми?», деб сўраши...

— Бемалол,— дедим.
У стулни кўйиб, нарида қабоб туғунни буриқсётган томонга қараб: — Ука, биз шу ердамиз!— дедида, ўтирди. Столга кўз солиб, туриб кетди. Рўпарада— одамларга оралаб, бир жуфт чапати нон олиб келди. Ассиқ экан. У нондан бирини ушатди.— Олинг.
«Уни бирон ерда кўрганманми?» деб юзига зехн солдим: таннимас эканман.

Бир пиёла чай узатдим.
— Раҳмат, ака!.. Кун ҳам роса исиди-я?
— Эзинг куниде,— дедим.— Салқинроқ томонданмисиз, дейман? У синиқ жилмайди. Лабининг икки ети тиришди. Соқолини икки кундан бери олмагани аниқ эди.
— Ҳа, тоғдан,— деди.— У ёқ салқин.

— Мен ҳам суптропик боғни кўрагани келиб эдим,— дедим.— Тамадди ирилиб олай деб, шу ерга ўтирдим.
— Гўшти сал димикқанга ўхшайми,— у тутун келаятган ёққа қараб ўйди.

— Чорвага алоқангиз борми?
У яна жилмайди. Шунда кўзларига эътибор бердим: тиниқ, уятчан, бақат бола ниғоҳига хос бир ифода бор эди.

— Ҳа, ҳа,— дея бошини кўтарасдан силкитди. Сўнг менга қаради.— Бу ернинг одамига ўхшамасиз?
— Термиздан келдим.
— А-а.— У хўрсиниб, яна бошини иқиллатди.— Чорвага алоқамиз бор, ор.

— Ферма мудирими?
У кулиб кўйди.
— Йўқ... Чўпонмиз, ака, чўпонмиз.
— Чўпон эмассиз.
— Э, нима фарқи бор...— У яна туриб кетди. Чойнак, пиёла кўтариб олди. Чойни қайтарар экан, дарвоза арафга икки-уч қараб кўйди-да, гулини бу томонга ўтказиб, дарвозага орқа қилиб ўтирди ва менга эгин илиқ жилмайди.

— Нима гап?— дедим, одатда, буққа вақтларда танишининг ўзи айтмагунча унга савол бериш додан эмаслигига ақлим етса-да.
— Э!— деди у яна ва чап кўлини иқилган каби кўтариб кўйди. Сўнг

тирсакларини столга, бармоқларини бир-бирига чалиштириб иягига тиреган кўйи қабобпазга кўз тикди.

Мен яна бозорни томоша қилиш умидида у ёққа қарадим.

— Кўп иш қилиш керак, кўп иш...— У столдаги ёзув-чизувларга тикилди.— Кўп иш...— Сўнгра менга самимий кулиб боқди.— Сўраганинг айби йўқ: касбингиз нима?

— Муҳбирлик...— дедим.
— А-а. Бўлди-бўлди!— деди у ва менга зимдан бош-оёқ қараб чиқди.— Яхши... Ҳар қандай касб ҳам яхши. Чорвадорлик ҳам.

— Чорвачилиқда, энг муҳими, ака, менимча...— У бирдан совуқ тус олди. Кўзларида бола ниғоҳи йўқ: жиддий, вазим, ҳатто қаттиққўл кишининг кўзларини кўриб турардим энди.— Зотни яхшилаш керак!— деди у.

— А, бу зўр гап!— дедим ва давом этдим.— Мана, сиздай кишиларнинг кўлидан келади-да бу иш... Унда ёзиш-чизиш учун бизгаям гап топилади... Тўғрими?

У менга «кўр» бўлиб, оҳиста кулди.

— Ака, менга ёқдингиз... ичасизми?

— О, йўқ!
— Мен ўзим ҳам ичмайдиган одамман!
— Ундай бўлса, нега ҳозир...
— Билмайман!— дея у яна столга тикилди.

— Айтгайми?
— Бемалол бўлса...
— Э!
— Қулоғим сизда.

Бозор. Ғала-ғовур. Одамлар.
— ...Бу йигитнинг исми— Ислон. Ислон Оқбўтаев. Тоғдаги районда— совхозда бош зоотехник бўлиб ишлар экан. Бу йил Фрунзе шаҳрида қишлоқ хўжалик фанлари кандидати унвонини олиш учун диссертация ёқларкан.

Мавзуси...

Унинг ҳикояси давомида мен кўйидаги нарсаларни ўзимча тасаввур қилдим.

Тап-тақир ер. Лойсувоқ қилинган қулба, қулба олдида еручок, қумгон. Кун тигида сўфитўрғайлар уади. Суви қуриган ариқ бўйидаги юлғунлар соясига ўзини уради.

...Қулбадан оқ халат кийган йигит чиқади. У юз қадамлар ирсанда, атрофи уч пахса девор билан ўралган қўра-оғилга йўл олади.

Қўрада ажабтовур махлуқлар: шох йўқ, оёқлари калта-калта, семиз ва ола-була буқачалар, таначалар.

Оқ халатли йигит баланд дарвозадан кириши билан улар— ажабтовур ҳайвонлар паст-паст овозда бўкиришиб, йигитни ўраб олишади. Йигит уларнинг манглайини силайди. Эркалаб, кўранинг у четига тавараг узун-қиқа ҳодалар билан тўсилган йўлакисмон «қафасга йўл олади. Қафасинг ичига тарози бор. Нарн томонда тўртбурчак, баланд стол. Унда қалин дафтар, мол докторида бўладиган ҳар хил асбоблар.

Йигит бир пайт қўрадан қайтиб чиқади. Ажабтовур моллар паст-паст товушда маъраб, дарвоза тирқишдан қараб қолишади.

...Бу моллар оғилда ҳам, оламда ҳам йўқлигида бу йигит совхоз қорамолларини кўздан кечириб юриб, арчали тоғ остида ҳайбати, сембири кетган бир буқани кўриб қолади.

— Нима бало у?
— Абердин Ангус... Чет элдан сотиб олинган. Зотли буқа... Еввойи бўп кетади.

— Нега сотиб олинган эди?
— Узимизнинг жайдари сигирларни биласиз... Сутяям кам, гўштиям. Уларни шу билан қўша, янги бир зот чиқарми, деб ўйлашганда...

— Кейин?

— Шу кўриб турганингиз... Мутахассис бўлмагандан кейин бу ишни ким қилади?

— Илгариги мутахассислар-чи?

— Ҳе, қизиқиш бўлиши керак-да...— Уч кундан кейин ҳалиги ёввойи буқа... анави оғилга олиб келинади. Уч йилдан кейин анави ажабтовур моллардан бир пода пайдо бўлади. ...Еш зоотехникнинг ўзи «яратади» бу зотни.

Бу орада аспирантурага киради. Тўрт йиллик тажриба ўз натижасини беради: зот «ўзгарисиз» қолади... Кандидатлик тайёр реферат босмадан чиқади.

— Ҳалиям ўша қулбада яшайсизми?— деб сўради.

— Ҳа.

— Ота-оналарингиз районда?

— Марказда.

— Нега дарвозага мунча қарайсиз? Узр...

— Э!

— Хўш, бу ерга— Деновга нима иш билан келдингиз?

Ислон илжайди.

...Ажабтовур зотга у «Ўзбек зот» деб ном қўйган экан. Илло, янги қорамол зоти Қирғизистонда, Қозғистонда, Тожикистонда ҳам яратилган ҳолда, Ўзбекистонда ҳануз яратилмаган экан.

Утган кун Ислонни совхоз директори кабинетига қақиради.

— Хўш, энди ўзбаки буқачаларни нима қиласиз?

У гангиб қолади.

— Нима?— дейди ва унинг фикрини тушунади: «Бир подада кўпи билан беш-ўн буқача қолса, бас. Бошқаси... гўштга!»

— Бугун... уч машинага ортиб жўнадик,— Ислон столдан кўз узмасди.— Подачи бор. Иккита.— У кўзи гилқ ўша тўлиб, қабобпазга тикилди.— Кўнглим бузилди, ака... Меҳр қўйган эканман, шекилли. Жониворлар... Машинага... боргга мен чиққандан кейин чиқишди, тахтадан юриб... Менга онасига қарагандай қарайди.— У кўзини артиб, тиниқ жилмайди.— Қизиқ-а? Йўқ, сиз мени кўнгли бўш, ҳалигидай деманг. Отам ҳам чорвадор...

— Тушунаман,— дедим.

У лабларини қимтиб, яна кўзларини арди.

— Ака, ичайлик!

— Ҳозир... Шундан кўпи топшириб келдингизми?

— Убой пункти... Қушхонамиз шу ерда... Дарвозадан машиналар кирди... Мен тушасолиб қочдим.— У яна кулди.— Қизиқ-а?

— Ҳа...

Шунда у яна дарвоза ёққа қаради:

— Оббо!— дея столга «қопла-ниб», бошини эгди.

Ғужон одамлар орасидан чиққан орик, шамол бўлса солланадиган тоғтеракни эслатувчи, новча йигит оёғидан бир нарса орқага тортаётгандай сурилиб-тортилиб босиб, столимиз қошига келди.

Ислоннинг икки қифтига икки кафтини кўйиб, унга ёндан қийшайиб тикилди.

— Ҳа-ҳа-ҳа!

— Нима, ҳа-ҳа!— Ислон қифтини силкитиб, унга олайди.

Келувчи қадини ростлаб, бурнини тортиди.

— Жўра, бормасангиз бўлмайди!.. Ҳамма ёқнинг тўс-тўполони чиқди. Бирям туттирмайди ўзини. Қушхона-ни бошига кўтариб бўкиришади... Қоннинг исси таъсир қилгани, ким



Н. ИБРОҲИМОВ чизган расм

билсин. Голиб ҳам сизни қидриб юрипти...

— Бормайман!— деди Исломи.— Жўна! Мени кўрганнинг йўқ.

— А, улар нима қилсин, бечоралар? Кушхонанинг бари каттаси йиғилган...

— Сен айтгансан-да Исломи бўлиши керак деб!

— Мен айтмасам ҳам, ўзлари сезишди... Сиз дарвозадан чиқишингиз билан орқангиздан югуришди маърашиб жониворлар... Сиздингизку ўзингиз...

Исломи менга тагин жилмайди... Жилмайиши бу? Қандайдир титраб кетдим: унинг ҳолати менга ҳам юқди.

— Нима қил дейсиз, ака?— деб сўради у.

— Мен елкамини қисдим.

— Бугун сўйилиши керакми?

— Ҳа-да.

— Сиз сўйиладиган хонага кирсангиз, бас,— деди новча йигит.— Улар изингиздан киради...

— Уф.

— Тушуниб турибман, сизга қийин,— дедим.

— Мундай бўлишини билганим-да... шу ишга қўл урмас эдим.

— Бари бир шундай бўлиши керак эди. Ҳамма нарса инсон учунку.

— Рост-рост.

Новча «иш пишди» деган маънода энгил тортиб четланди. Исломи ўридан турди-да, кабобпазга бақирди:

— Ука, кейинроқ келаман...

Менга қаради.— Мен тез қайтаман.

— Хўп,— дедим.— Кушхона узоқмасми?

Бу йигитнинг хатти-ҳаракатлари мени қизиқтирар эди.

— Мен ҳам салдан кейин келаман,— дедим кабобпазга.

— Унгача... Келганларингдан кейин қўяман-да сизларга!

— Бўпти.

— Келамиз!— деди Исломи.

Ғала-ғовур бозордан чиқдик... Кўча. Тўрт қаватли иморатлар. Машиналар... Эшитганимиз ва унда-бунда тарих китобларида ўқиб, рассомлар асарларида кўрганимиз қадим шарқ бозорларини эслатувчи «нарсалар» бозорда қолди.

Асфальт йўлка. Четида манзарали буталар.

— Бу орада қийналган бўлсангиз керак, Исломи!

— А-а, осон бўлмади, ака... Сен совхознинг ишини қилсанми, илм қилсанми, деган ўртоқлар ҳам чиқди. Карьерист деган таъналарни ҳам эшитдик. Чидадик. Кейин тушунишди... Ишининг қалтис томони ҳам бор эди: янги зот яралмай, ё отаси, ё онасига тортиб кетиши, ёки уч-тўрт йилдан кейин айниши мумкин эди... Илмдаям бир оз таваккалчилик керак экан. Журват деймизми, риск деймизми...

— Буларсиз ёзиш ҳам қийин. У кулиб қўйди.

— Подахона қошига кўчиб келганимни кўриб, айримлар: «Исломига бир бало бўпти», дейишди... Илож қанча. Марказдаги иссиққина квартирада ўтирсанг, ўтираверасан.

— Кандидатлик ёқлаш ҳам осонмас, шекилли?

— Э, турган-битгани ташвиш экан... Лекин мени кандидатлик дипломи қизиқтирмасди. Зотни расмийлаштириш зарур эди-да.

— Энди ўша молларнинг қисмати нима бўлади?

— Буям бир масала. Уларни кўпайтириш керак, холос. Алоҳида кўпон, алоҳида пода... Чорва иши пахта ишидан ҳам нозик, ака: деҳқон бир йилда ҳосил олади, чорвадор— қирқ йилда, дейдилар.

— Бу йигит билан тенгдошмисиз?

— Э, мактабда бирга ўқиганимиз,— деди у.— Шу-да подачилардан биттаси... Ҳар қалай, менга яхши ёрдамчи керак эди... Шу подани боқиб, деб илтимос қилиб эдим... Бу ўлгурнинг дийдаси қаттиқ.

— Қўйсангиз-чи,— деди подачи.— Мениям раҳмим келяпти, жониворларга.



ЎзССР Фанлар Академиясининг биринчи президенти, академик Тошмуҳаммад ҚОРИ-НИЕЗИЙ

Исломи менга ёндошиб, яна тиниқ илжайди.

— Одамзот қизиқ-а?

— Дельфинлар ҳам пода-пода балиқларни ҳайдаб юраркан. Қоринлари очганда ер экан...

— Ҳа-ҳа-ҳа!.. Лекин улар ачинармикан ўша балиқларга?

— Мен улар қарадим.

— Билмадим... Улар бунинг табиий ҳол деб билсалар керак.

...Шу қисқа, йўлакай айтилган гапсўз Исломига тасалли бериши, балки уни бу ҳолга кўниқишга мажбур этиши керак эди, менимча.

Бироқ, у қушхона дарвозаси олдида халат кийиб, ичкарига кираркан, кўзалари яна ғилқ ўшга тўнди. Отилиб кириб кетди. Мен дарвоза биқинидаги эшикча озгина туриб қолдим. Ола-була, оёқлари калта-калта, шохсиз моллар Исломи қандай қилиб танишди? Олдин бири, сўнг иккиси, сўнг ҳаммаси бўкириб, унга ташла-

нишди. Улар Исломининг қўлларини ялар, халатини ялар, кўзалари каттариб кетган, пишиқирар эди: ақллари етса... Исломи бу ердан олиб чиқиб кетишди!

Исломи ҳам уларни силар, баъзининг тушугини ушлар ва саҳн ўртасига аста-аста жиллар эди.

— Бу ёққа, бу ёққа!

Исломи олдинга босди... Моллар ҳам типирчилаб эргашиб келарди. Исломи тўхтаб, уларга қаради-да, сўнг биз томонга ўғирилди. Кейин бир нарсасини унутгандек қўл силтаб, бу ёққа йўналди. Моллар ҳам тагин унга эргашишди. У тез-тез қадам отиб келар, қафтларини бир-бирига ишқар, худди қўлини ювадиган ё сув ичадиганга ўхшарди — қақроқ лабларини яларди.

Эшикча етди-да, менга илжайди. Сўнг... Олим йигит, зоотехник йигит шуми? Отилиб йўлакка ўтди. Сўнг, кўчага. Сўнг... Молларнинг нафасини

сезиб, бу ёққа қарасам, улар тиқи-лишиб келиб қолган, сурилишяпти. Қочмасам ё ўзимни четга олмасам, мени босиб кетадиган. Мен бирдан эшикни улар юзига ёпиб, занжири-ни илдирдим. Нега бундай қилдим — билмайман. Эҳтимол, шундай қилишим керак эди.

Ниҳоят, мен ҳам кўчага чиқдим. Менинг (ёқтириб қолган) танишим... Исломи йўқ эди.

...Орадан бир йилча вақт ўтгач, Бештепага бориб қолдим. Яйловда ёйилиб юрган оёқлари калта-калта, биқча семиз, шохсиз молларга кўзим тушди: «Уша зот!» Қувониб кетдим: бу қорамоллар менга ҳам суюмли бўлиб қолган эди.

— Буларнинг эгасини... яратганини таниман,— дедим.

— У ҳозирда фан кандидати, олим. Катта илмий даргоҳда ишлайди. Уқтин-ўқтин бу ергаям кеп туради, кўргани,— деди ҳамроҳим.

ТОПДИ ЖИЛО ГУМБАЗУ КОШОНАЛАР

Тарихий
обидалар —
фахримиз

Бухоро Урта Осиё меъморчилигининг ноёб намуналарини асрлар оша ўз огушида асраб келаётган музей ҳамда тарихий ва маданият ёдгорликларига бой шаҳардир. Унда эрамининг тахминан биринчи минг йиллиги бошида қурилган Арк, IX—X асрнинг ноёб меъморчилик ёдгорлиги — Сомониёлар мақбараси, 1121 йилда бунёд этилган Жума масжиди, 1127 йилда қад кўтарган Минораи Калон, XII асрда барпо этилган Мағоки Аттор, Намозгоҳ масжидлари, Чашмаи Аюб мақбараси, XV аср бошлари, шунингдек шаҳарнинг ўтмишидаги гуллаш даври ҳисобланган XVI—XVIII асрларда аждодларимиз томонидан қурилган кўпгина тарихий обидалар, маданий ёдгорликлар мавжуд.

Улуғ Октябрь социалистик революциясидан кейин Бухоронинг жамоли таниб бўлмас даражада ўзгарди. Бухоролик машҳур меъморлар, таъмирчилар, қўли гул уста-ғанчорлар халқ амалий санъатини келажак авлодларга етказиш, асрлар мақсули бўлмиш обидалар янги умр бағишлаш мақсадида уларни қайта тикламоқдалар, нурсизланган жилоларига сайқал бермоқдалар.

Мавий осмонга бўй чўзиб, Бухоронинг салобатига салобат қўшиб турган Минораи Калон узоқ-узоқлардан кўзга ташланади. Бу баланд ва мухташам иншоот 1127 йилда бунёд этилгани кўпчиликлка аён. Лекин унинг ижодкори уста Бақо эканлиги ҳалигача маълум эмас эди. Меъмор ўймакор бинонинг нақшли белбоғлари орасига «амале Бақо» деб ёзиб қолдирган экан. 850 йил давомида мағрур бўй чўзиб турган Катта минора карнизи — қоши табиий офат — zilzila туфайли бироз шикастланди. Миноранинг ана шу бўлагини асл ҳолига келтириш ишларини (амюртмиз уста Ширин Муродовнинг ворислари — Очил Бобомуродов бошлиқ таъмирчилар бежирим ижро этишди.

Уста Очил Бобомуродов 1922 йилда Бухоронинг Шаҳада гузарига темирчи-қосиб оиласида дунёга келди. Отаси вафотидан кейин онаси билан Когон райониининг Кўнгирот қишлоғига, тоғаси ёнига кўчиб боришади. Уша ерда у ўрта мактабни битириб, яна ўхорога қайтади ва педагогика институтининг тил-дабиёт факультетинда ўқий бошлайди. 1941 йилда ана-Ватан бошига тушган оғир мусибат студент Очилни ҳам фронтга чорлади. У Улуғ Ватан урушининг дастлабки кунларидан то гитлерчи-фашистлар Германияси устидан қозонилган буюк Ғалабагача ўлган катта фронт йўлини босиб ўтди.

1946 йилда Совет Армияси сафидан бўшаб юртига келган, Очил Бобомуродов таъмирчи уста Маҳмуд Солиҳовга шогирд тушди. Куч-ғайратга тўлган, иқ-идрокли, таъмирчилик санъатига чин ихлос қўйган Бобомуродов тез орада кишилар диққатини зига жалб этади. XX аср Шарқ ўймакорлик санъ-

атининг машҳур намояндаси уста Ширин Муродов унга ўз санъатининг кўпгина «сир»ларини ўргатади. Тез орада Очил ҳар қандай таъмирчилик ишига бе-малол қўл урадиган ажойиб санъаткор бўлиб ети-шади.



Таъмирчи уста, республикада хизмат кўрсатган ма-данният ходими Очил БОБОМУРОДОВ.

Бугунги кунда уста Очил Бобомуродов қўли те-маган обидалар шаҳримизда йўқ деса муболага бўлмайди. У Улуғбек, Абдул Азизхон, Абдуллахон, Девонбеги мадрасалари, Ситоран Моҳи хосса ан-самбли, Арк-музей, Катта минора ва Катта масжид, Гавкушон минораси, Чорминор, Бўян Қулихон мақ-бараси, Когон районидаги Баҳоваддин хонақоси,

Кармандаги Мирсаид Баҳром мақбараси, Тошкент-даги Кўкалдош, Самарқанддаги Бибиҳоним, Тиллако-рий, Қаршидаги Кўк гўмбаз мадрасаларини ва бош-қа кўпгина обидаларни қайта тиклаш ишларида қат-нашди.

Уста Очил Бобомуродов оиласида таъмирчилар сулоласи етишиб чиқаётди. Унинг ўғиллари — Баҳо-дир, Бахтиёр, Ботир ва Баҳромлар ҳам ота касбини эгалламоқдалар. Бундан ташқари Бобомуродов ўн-лаб моҳир шогирдлар етиштирдик, аини кунларда улар таъмирчилик бригадаларига саркорлик қияят-тилар. Аҳмад Бобомуродов, Азим Хайитов, Ибод Маҳмудов, Ғайбулла Муҳаммедов, Сайфулла Норов-лар шулар жумласидандир.

Ажойиб таъмирчи Очил Бобомуродовнинг шаҳар-созлик бўйича олиб бораётган хизматлари партия ва ҳукуматимиз томонидан муносиб тақдирланмоқда. У 1971 йилдан буён СССР Архитекторлар союзининг аъзоси. Уста Очил Бобомуродовга Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган маданият ходими унвони берилган. III даражали Меҳнат шухрати ордени, қатор медаллар устанинг кўксини бебаза турибди. Уста икки мартаба халқ депутатлари Бухоро шаҳар Советига депутатликка сайланган.

Ҳозир Очил ака бошлиқ таъмирчилар бригадаси Бухоро шаҳридаги Катта масжид обидаси ва Сад-ридин Айний номидаги область музыкали драма ва комедия театри биносини таъмирлаш ишлари билан банд. СССР ташкил тоғанигининг 60 йиллигини муносиб меҳнат совғалари билан кутиб олишга аҳд қилган бу бригада ойлик ва квартал топшириқлари-ни мунтазам равишда ошириб бажараётди. Улар кутлуғ юбилей кунигача ўн биринчи беш йиллик-нинг тўрт йили топшириқларини адо этиш учун ас-тойдил меҳнат қилимоқдалар. Ҳа, уларнинг «сеҳр»ли қўлларига гўмбазу кошоналар жило топаётди.

Партия ва ҳукуматимиз тарихий обидаларни кўз қорачиғидек асраб-авайлаш учун ҳамisha катта эъти-бор бериб келмоқдалар. КПСС XXVI съезди белги-лаб берган 1981—1990 йилларга мўлжалланган СССР халқ ҳўжалигини ривожлантиришнинг Асосий йўна-лишларида ва партия-ҳукуматимизнинг бошқа қа-рорларида ҳам тарихий ҳамда маданий ёдгорлик-ларни сақлашнинг аниқ чора-тадбирлари белгила-рилган. Қўхна ва ҳамisha навқирон Бухоро шаҳ-ридаги асрлар мулки — ноёб обидаларни муҳофаза қилиш, таъмирлаш, уларга янгидан «умр ато» этиш-да Аминжон Саломов, Очил Бобомуродовдек қўли гул таъмирчилар ва уларнинг ўнлаб шогирдлари бундан буён ҳам самарали меҳнат қилаверишларига, партия ва ҳукуматимиз ғамхўрликларига амалий иш билан жавоб беришларига ишончимиз қомил.

Нажим САҒАРОВ



арқўрғон районидаги «Коммунизм» колхозининг илгор чўпони Собир Абдурахматов юбилей йилида ҳар юз совлиқдан 230 тадан кўзи ва ҳар қўйдан 3,8 килограммдан жун қирқиб олишга эришди.



Яйловда.

Ж. Тўраев фотолари

Сирбой оқин

Қозоқ совет адабиёти, шу жумладан, қозоқ поэзияси тараққиётига муҳим ҳисса қўшаётган Сирбой Мавленов 60 ёшга тўлди. У ўз ижодини 1938 йили — 16 ёшида бошлаган эди. Мана, қирқ йиллик ижодий меҳнат натижасида у машҳур шоир бўлиб танилди. Унинг шеърляти фақат қозоқ диёрлигига эмас, балки Бутуниттифоқ миқёсида, барча қардош совет халқлари орасида, хусусан, Ўзбекистонда ҳам севиб ўқилмоқда. Айни пайтда бу ижодкор ажойиб публицист, моҳир журналист ва улкан таржимон сифатида ҳам ҳурмат қозонгандир.

Сирбой Мавленов 1922 йил 17 сентябрда Тўрғай областидаги Жонгелдин районида туғилди. Урта мактабни тугаллаганидан сўнг, 20-йилларда Қозоғистоннинг маданий маркази бўлган Қизил Урта педагогика институтига тахсил олди. 1940 йили қарбый хизматга қақирилди. 1942 йили у она-Ватан мудоғасига отланди. У Волхов бўйларида бўлган жангларда, Ленинград мудоғасида иштирок этди, жасорат кўрсатди. 1943 йили оғир яраланиб, мамлакат ичкарисига қайтарилди. Сўнг, Қўстонай областидаги «Большевик йўли» газетасида 1950 йилга қадар редактор ўринбосари бўлиб ишлади. Кейин, «Қозоқ адабиёти» газетасида хизмат қилди. «Жулдуз» журналининг бош редактори бўлди.

Унинг ilk шеърый китоби — «Дала овозида асосан Қозоғистоннинг серфайз табияти, қозоқ меҳнатқашларининг меҳнат зафарлари, Улуғ Ватан урушидан сўнгги йиллардаги ҳаёти ифодалаб берилган.

Сирбой Мавленов шеърдан шеърга гоёвий-бадий жиҳатдан ўсиб борди. Шоирнинг кейинги йилларда яратилган шеърлари ва достонлари қозоқ совет шеърлятида янги сўз бўлди. Сирбой Мавленов Обой номидagi Қозоғистон ССР Давлат мукофоти билан тақдирланди. Бинобарин, унинг шеърый асарларида бепоён қозоқ далалари, боғу бўстон-

лари, ғаллакорлари ва чўпонлар ҳаёти кенг акс эттирилади. Шу билан бирга, шоир қўриқ ерларни ўзлаштираётган чўлқуварларни, БАМ қурувчиларини, шунингдек, совет космонавтларини куйлаб, қозоқ совет шеърляти мавзу доираси янада кенгайишига, янги шеърый қаҳрамонлар билан бойишига хизмат қилмоқда.

Сирбой Мавленов ижодида халқлар дўстлиги, социалистик интернационализм мавзулари ҳам асосий ўринни эгаллайди. У қардош совет ўлкаларида тез-тез бўлиб, уларнинг турмуш тарзини, урф-одатларини, меҳнат зафарларини тўлиб-тошиб куйлайди. Бу борада шоирнинг Ўзбекистон ҳақидаги, «Москва», «Туркман гилами», «Кавказ», «Умар Хайём», «Небит — Доғ минораси», «Йигирма олти комиссар», «Белоруссия», «Помир», «Феруза ҳақояси», «Қорақум ГЭСи», «Лермонтов хонадониди», «Маяковский музейида», «Космонавт» каби ажойиб шеърлярини тилга олиш лозим.

Сирбой Мавленов 1960 ва 1971 йилларда Ўзбекистонда бўлиб ўтган қозоқ адабиёти ва санъати ҳафталигида фаол иштирок этди. 1974 йили май ойида эса Ўзбекистонда бўлиб ўтган совет адабиёти кунларида ҳам қатнашди. Ўзбек халқининг бунёдкор меҳнати самараларини қўриб қувонди. Фаргона водийсиди, Самарқанд ва Бухоро шаҳарларида, гуллаб-яшнаётган Қорақалпоғистонда бўлди. Сирбой Мавленовнинг «Гафур Ғулом», «Каштачи қиз», «Хива», «Гулистон», «Самарқанд», «Ўзбек гўзали», «Фарғона», «Бухоро» каби шеърляри ўзининг гоёвий-бадий етуқлиги билан ажралиб туради. Чунки бу асарларида шоир ўзбек халқининг гўзал маънавий қиёфасини яратишга интилади.

Атоқли қозоқ шоири қардош совет халқларининг ленинча дўстлиги ҳақида шеърый асарлар яратар экан, улар Коммунистик партиянинг доно раҳбарлиги остида, рус халқининг оғаларча ғамхўрлиги туфайли



гоёт улкан муваффақиятларни қўлга киритаётганларини бадий тасдиқлайди.

Сирбой Мавленов таржимон сифатида ҳам самарали ижод қилмоқда. Қозоқ шеърят мухлислари А. Пушкин, М. Лермонтов, Н. Некрасов, В. Маяковский, А. Блокнинг кўпгина асарларини унинг таржимасида билдилар. Ўзбек совет шеърлятининг Зулфия, Мирмуҳсин каби истеъдодли намояндаларининг асарларини ҳам Сирбой Мавленов таржимасида ўз она тилларида ўқимокдалар.

Шоирнинг ўндан ортиқ шеърлар тўплами рус тилида нашр этилган ва Бутуниттифоқ китобхоналариға маъқул тушган. «Чўл уфқи» номли шеърлар тўлами эса 1970 йили шоир Шухрат таржимасида ўзбек шеърят мухлислариға соғва этилган. Сирбой Мавленов ўзбек адабиётининг Гафур

Ғулом, Ойбек, Уйғун каби улкан вакиллари даврасида бўлган, устод Миртемирни ҳамиша дилдан ардоқлайди. Туроб Тўла, Мирмуҳсин, Одил Ёқубов, Носир Фозиловлар билан яқин дўст, самимий сирдош ҳамдир.

Узининг граждонлик руҳи билан суғорилган, мусавффо, тиниқ шеърый асарлари билан совет шеърляти тараққиётиға ҳисса қўшаётган Сирбой Мавленов 60 ёшга тўлди. У Халқлар дўстлиги ордени билан мукофотланди. Қозоқ шеърлятининг йирик вакили, ўзбек адабиётининг ажойиб дўсти Сирбой Мавленовни муборак тўйи билан қизгин кутлаймиз! Унга мустаҳкам сихат-саломатлик, янада юксак ижодий парвозлар тилаймиз!

Қалдибек СЕЙДАНОВ,

филология фанлари кандидати

ЎЗБЕКИСТОН

Ўзбекистон, худди оқин куйисан,
Оқинларнинг тароватли уйисан,
Жаннатмакон воҳаларнинг,
Боғларнинг бутун Шарққа анқиб ётган бўйисан!

Қандай тотув, бахтли элмиз фаровон,
Бу эл бахти ва лаззати бир жаҳон.
Сувларига, нурларига тўймайсан,
Ошиқ шаҳар, қўшиқ шаҳар Андижон.

Карнайларинг меҳмон дея жар солди,
Ҳовузларинг мўлди-мўлди кавсарли.
Фарғонада феруза гул кўтариб,
Ўзбек қизи офтобдай қарши олди.

Ўзбекистон, Осийёда улкансан,
Ешинг улуг, мангу оға ўлкансан.
Мангуликдан олингандир тупрогинг,
Мангу ёшсан ва мангуға кўркамсан.

Ўзбекистон, қучоғинг бахтхонадир,
Машъаласан, нуринг кўзини олади.
Қозоқ деса ўзбек жон берганидай,
Сен дегадга қозоқ ўлиб қолади.

Улуғ йўлда улуғ дўстлик қарвони,
Қарор тоғди халқларимиз армони.

Тилак тоза қайнар булоқ сувидай,
Юрак тоза тонгинг оппоқ осмони.

Ўн кун юрдим боғларингда, йўқ дардим,
Қўёш қилиб бошларингда кўтардинг.
Хурматингни, азиз ўзбек бовурум,
Мен ҳам сендек юрагимда кўтаргум!

Ўзбекистон, қучоғингда юрдим-да,
Сеҳр сездим мисоли кўз олдимда.
Меҳр билан қучоғингга олдингу
Юрдим гўё мен ўзининг юртимда.

Эрта кутар бизнинг ер ҳам сарбасар,
Олатовнинг қучоғига солиб жар.
Қарши олган қозоқларнинг жонидир
Ҳар бир уйдан учиб чиққан қабутар.

Хуш қол энди, меҳмон бўлдиқ беармон,
Меҳмон бўлдиқ қучоғингда, бепоён.
Хуш қол, Тошкент — Ўзбекистон юраги,
Яна қайта кўришгунча, жонажон.

Кўп сийладинг бизни сўйиб, эркалаб,
Кўнглимизга офтобдан ўт қалаб.
Бормоқдамыз сийловингни, меҳрингни
Олатовга овулимизга орқалаб!

КАШТАЧИ ҚИЗ

Каштаמידир бу ёки
Юлдузларнинг юзими?
Чаманда гул, гўёки,
Ё боғининг узуми?
Бу бир юлдузлар туни,
Ё нур билан ювдингми?
Зарафшоннинг шовқини,
Ёки сенинг кулгингми?
Шуъла сонар оламга,
Ярқ этган тонг юзими?

Офтобми ё одамга
Маҳбубанинг кўзими?
Кўрдим гўё эртани,
Титроқ туширди танга.
Сигдирибсан ер-кўзни
Бу ипакли каштанга.
Сени солдим оҳанга,
Кўрайин, дедим, баҳам.
Осмон сиждан каштанга
Жой бормидир менга ҳам...

НАМАНГАНГА КЕЛАМАН

Бог оралаб ва сой билан,
Чаман-чаман чирой билан,
Ажиб карнай-сурнай билан
Наманганга келаман.
Ажиб гўзал ором билан,
Қалбим тўла илҳом билан,
Саховатли салом билан
Наманганга келаман.
Юрак куйга қондир ҳали,
Тандир мисол ёндирғали,

Ташналигим қондирғали
Наманганга келаман.
Ўзбек нони-тузи, дея,
Ширин-шакар сузи, дея,
Олма юзли қизи, дея
Наманганга келаман.
Қараб кўзим олмас эди,
Олиб жоним олмас эди,
Кўзим қўлиб олмасида
Наманганга келаман.

ҚАЛБЛАР ЧИРОЙИ

Фанижон ака одатдагидек даладан кеч, кош қорайганда қайтди. Юз-қўлини ювгач, онаси билан кўришиш учун Шакархон хола ёнига борди. Онаси набираларини бағрига олиб чой ичиб ўтирарди.

— Келдингми, ўғлим,— дея Шакархон она фарзандини илиқ қарши олди. У онасининг ёнига чўккалади. Она аъзолари дастурхон атрофида алламаҳалгача ширин суҳбат қуришди.

83 баҳорни қаршилаган Шакархон ая оиласи пиреу бадавлат оилалардан бири. Она бугун ўз тақдирдан мамнун. Албатта, у бу кунларга осонликча эришмади. Урушдан турмуш ўртоғи қайтмади. Эри фронтга кетганда ўғли Фанижон норасида гўдак эди. Урушдан кейинги оғир йилларда колхозда кўплар қатори меҳнат қилди. Опицлаб ёлғиз фарзандини ўстирди. Фанижон ҳам оғир табиешлар гирдобиди катталарга эргашди, улардан иш ўрганди. Ақлини пешлагач, меҳнати, интилиши билан эл орасида эътибор топди. Мана, у бугун колхозда йирик бригада бошлиғи. У район партия комитетининг бюроси аъзоси сифатида эса район микёсидида катта жамоатчилик ишларига ҳам бош-қош. Фанижон Маҳмудовнинг

элда обрў-эътибор топиб, шундай камолотга эришуванда унга олижаноб кишилар устозлик қилди. Яхшиларнинг маслаҳатига қулоқ тутди, қийин шароитларда улардан ёрдам сўради.

Моҳир деҳқон экиннинг тилини тушунади, дейишади. Фанижон ҳар кунни пайкаллари бир маротаба айланиб чиқмаса, кўнгли жойига тушмайди. Унга бригаданинг ҳар бир қарич ери таниш. Ҳозир аяни долзарб дамлар. Вақтдан ўтказган деҳқон ҳосилини бой бериши мумкин. У майдонлардаги ҳосилини синчков кўздан кечираркан, суръатини ошириш хусусида ўйларди. Дала томон йўл оларкан, беихтиёр дастлабки кезларни эслади. Кўп йиллар Улуғ Ватан уруши қатнашчиси, донгдор пахтакор Ансор ака Оғалиев бошлиқ бригадада сўвчи бўлиб ишлади. Ешлиғидан сувғи меҳнатда қотган Фанижон ўзинга топширилган ишни жанг куйдириб бажарар, билмаганини тажрибали деҳқон Ансор акадан сўраб ўр-

ганарди. Уруш йилларида оғир жангларда қатнашган Ансор ака марҳум қуролдош дўсти Тамалнинг фарзанди Фанижонни ўз ўғлидек яқин тутиб, уни ёшлиқдан етакка олди, иш ўргатди. Услирининг меҳнатсеварлиги, тўғри сўзлиги унга бўлган ихлосини янада оширди.

1962 йили колхоз правленияси ёш коммунист Фанижон Маҳмудовни қолоқ бир бригадага ўтиб ишлашга таклиф қилди. Билдирилган юксак ишонч йўлида Фанижон устозининг, қолаверса, колхоз правлениясининг ишончини оқлаш учун бор куч ва ғайратини ишга солди. Дастлабки йили кичик карталарни яхлитлаш, ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилашга алоҳида эътибор берди. Вилта қарши алмашлаб экишни ҳам биринчилар қаторида йўлга қўйди.

Мана, қарийиб йигирма йилдирки, ўзининг елкадошлари — механизатор озарбайжон Мамат Чалғасов, сувчилар Жўрабой Маҳқамов, турк

Бинали Кибаров, татар Нуриддин Султоновлар билан бир мақсад, ягона ният билан меҳнат қилаётдилар. Гулистон шаҳри билан Крестянский посёлқасини туташтирган катта йўл ёқасида дала шийони жойлашган. Шийон эстагида ташкил этилган бўлиқ анорзор боққа кишининг ҳаваси келади. Юқорига беш панжадек таралган узумзордан тагидаги сўриларга тангадек қувш тушмайди. Биз донгдор пахтакор Фанижон Маҳмудовни дала шийонида учратиб, режалари билан қизиқдик.

— Юбилей йилида 600 тонна сабзавот, 450 тонна пахта ундиришга аҳд қилганимиз,— деди бригадир салмоқлаб.

Далада етиштирилган ҳосил зим-мазимдаги мажбуриятни бемалол қоплайди. Ҳозир бутун куч ва имкониятларимизни ишга солиб, йиғим-терим суръатини оширмоқдамиз. Коллективимиз улуғ юбилейни юксак «оқ олтин» хирмони билан кутиб олади.

«Гулистон» районидаги «Октябрь» колхозининг Фанижон Маҳмудов бошлиқ бригада пахтакорларининг аҳди шундай.

Камол УБАЙДУЛЛАЕВ

ТОТУВ ҚУШНИ — ТОТУВ ДУСТ

Фарзандингдэй мен ҳам сенга қўшиқ айтдим мафтункор,
Сенга деган кўнглим ғоят жўшқин, ғоят бегубор.
Сенга деган меҳрим тошиб кўчар эди тилимга,
Ўзбекистон, сени кўриб куйламаган қайси тор!

Бугун гўё қафтимдадир водийларинг, баркамол,
Боғларингда бола каби ағанадими кўп хушхол,
Тилимдадир тоти ҳамон узиб берган узуминг,
О, Фарғона, наҳот, сени унутолса бу хаёл...

Тушдай гўзал афсонадир жазирама Бухоро,
Қадими ҳам, бугуни ҳам унга бермишиди оро.
Қўлдан-қўлга ўтар экан пиллада яхна чой,
Ташналикка йўқдир даво бундан ўзга дилоро.

Ўзбек қизи чалғитади кўзларингни пайдар-пай,
Анджоннинг осмониди болқинган янги ойдаи.
Эх, армонда кетди шўрлик қозоқ оқин ошуфта,
Бу чаманга лоақалли булбул бўлиб қололмай.

Самарқанд ғуруридан сўйлар унинг тальати,
Кўк ўпган миноралар жилолари касрати.
Тешиб ўтган тош эмас у феруза тошларни,
Дейман ҳазрат Навоий куйи билан ҳасрати.

Мисоли заррин дўппи осмон тунни сирли, берк,
Унинг тилсимларига қўл солиб сеҳрғардек.
Ўзи ерда, хаёли чексиз осмон тубида,
Қаттиқ уйкуга толиб қотиб қолган Улуғбек.

Қадимдан бир ва қурдош тақдиримиз мезёри,
Ўзбекистон қадимдан Осийнинг меҳвари.
Оғир қора кунларни бошларидан кечирган
Қозоннинг қадрдони, ўзбекининг мадори.

Ўғлингнинг бири бўлиб мен ҳам куйладим сени,
Ўғлинг ўйлаганидай мен ҳам ўйладим сени.
Сенга деган ҳисларим ғоят дилбар, кўп зариф,
Кучим етгани қадар шундай сўйладим сени,
шундай куйладим сени!

Йўқ кўи чаман сенингдек,
Сени кўрганлар қолар тонг.
Кучоғинг иссиқ кунингдек,
Кўни лоларанг Самарқанд.

Аччиқ ёш ювиб бетингни,
Қанча ёмонлар талашган.
Жунжитидаи шундан этингни
Алами чексиз Зарафшон.

Адашиб қисмат йўлида
Сени эздилар ёмон.

Қароқчилар қўлида
Биқсиб ётдинг не замон.

Қасофатли у тундан
Энди эртак айтарлар.
Мана энди у кундан

Сўйлайди култепарлар.

Навоийнинг сўзи-ла
Оро аялидинг жонга.
Улуғбекнинг кўзи-ла
Қарадинг чўнг осмонга.

Эгилиб сени ибода
Тонг қолдирган қизлардай,
Солланади сабода
Ватанинг қизил юзлардай.

Қулади еринг камоли,
Узуми шаксар, анори қанд.
Очилиб, кулиб жамолнинг
Ўтасан гўзал Самарқанд!

Туроб ТУЛА таржималари

МАРҒИЛОН ИПАГИ

Ўзбек ипагининг тарихи узок,
У ҳам инсон этган буюк ихтиро.
У ҳам инсон идрокига бир синоқ,
Инсон идрокини этган махлиб.

Буюк Ипак йўли халқлар васлига
Унинг номи билан бўлмиш муборак.
Буюк Осийнинг кўркам фаслига
Армон ортмоғлаган гўзал бир малак.

У тонг нурларини эмган мўъжиза,
Унга қанча-қанча ўқилган достон.
Унинг хаёлида эдим осуда,
Кўз олдимда пайдо бўлди Марғилон.

Ипак каби юмшоқ ҳавоси, кўрки,
Ипак каби майин наҳори, наҳри.
Гўё ипак билан кучоғлаб, буркаб,
Тилсимига олди бу ипак шахри.

Кўклам жамолими унинг жамоли,
Ёмғир ўтганмиди камалак ташлаб.
Ипакдай мулойим ҳарир шамоли
Ўтади чаманда майин куй бошлаб.

Ё ошиқ йигитнинг навосими бу,
Висол айёмидан умидими ё?
Орау бўлса агар нақадар орзу,
Нола бўлса агар қандай дилрабо!

Ва ёки сирими, иффати ёки
Боҳаё ва дилбар ўзбек қизининг?
Унинг ҳаёсидан тўқилган, токи
Нури сайқал топиши хумор кўзининг.

Шу қизни куйлади очикиб шоир,
Юраги дилдираб, синоққа тайёр.
Марғилон, шоирнинг аҳволига кир,
Кечир, ошиқ киши бўлмас гуноҳкор...

ОЙЖАМОЛ

Ўзбек қизи Ойжамол,
Лабларида қора хол...

[Халқ қўшиғидан]

Бунча нозик бўлмасанг,
Ўзбек қизи Ойжамол.
Даройидай тўлмаса —
Бунча лабингдаги хол.

Саккиз тепки устингда
Сомон кўлими, дейман.



Гўзал бўйи-бастинга
Аста шезрлар тўқийман.

Капалакдай бесабр
Учиб-қўниб ўтасан.
Юракларни, қурмағур,
Сирқиратиб кетасан.

Ўзинг мисоли анор,
Қўймас жонни эркига.
Йигитлар қачон, нигор,
Чидамиш қиз кўркига.

Қийиқ қизлар мисоли
Кўз остидан қарайсан.
Ох, лабингдаги холнинг —
Билан дил бурдалайсан.

Ишқда ким бор куймаган,
Қолган фақат менмикан!
Ҳофиз Шероз куйлаган
Чин сулув қиз сенмикан!

Ўзбек қизи Ойжамол,
Лабларида қора хол.
Холини сирини топмай,
Ошиқларинг қолмиш лол...

УЗУМИ ШАКАР — АНОРИ ҚАНД

Йўқ кўи чаман сенингдек,
Сени кўрганлар қолар тонг.
Кучоғинг иссиқ кунингдек,
Кўни лоларанг Самарқанд.

Аччиқ ёш ювиб бетингни,
Қанча ёмонлар талашган.
Жунжитидаи шундан этингни
Алами чексиз Зарафшон.

Адашиб қисмат йўлида
Сени эздилар ёмон.

Қароқчилар қўлида
Биқсиб ётдинг не замон.

Қасофатли у тундан
Энди эртак айтарлар.
Мана энди у кундан

Сўйлайди култепарлар.

Навоийнинг сўзи-ла
Оро аялидинг жонга.
Улуғбекнинг кўзи-ла
Қарадинг чўнг осмонга.

Эгилиб сени ибода
Тонг қолдирган қизлардай,
Солланади сабода
Ватанинг қизил юзлардай.

Қулади еринг камоли,
Узуми шаксар, анори қанд.
Очилиб, кулиб жамолнинг
Ўтасан гўзал Самарқанд!

Туроб ТУЛА таржималари



УСТОЗ Е. Э. БЕРТЕЛЬС САБОҚЛАРИ

Евгений Эдуардович Бертельс Узбекистонда навоийшунослигининг ривожланишига катта ҳисса қўшган совет шарқшунослик фанининг йirik немояндларидан бири эди. У 1920—30 йилларда Ленинград Шарқ тиллари институтида дарс ҳам берди. Айни пайтда олимнинг қатор илмий таржималари ва тадқиқотлари эълон қилинди. Унинг дastлабки тадқиқотларидан бири 1928 йили академик В. В. Бартольд тавсиси билан ёзилган «Мир Али Шер» тўпламида босилиб чиққан «Навоий ва Аттор» асари эди. Бу асар нафақат навоийшунослик, балки умуман Шарқ классик адабиётини ўрганиш соҳасида янги сўз бўлди. Е. Э. Бертельс классик Шарқ адабиётини ўрганишда унинг ўзига хос томонларини, ички қониятларини билмаслик ва ё назарга илмаслик, Ғарб адабиёти ўлчовлари билан ёндашу каби жиддий ҳатотилларга қарш бўлди. Е. Э. Бертельс Алишер Навоийнинг то ўша пайтгача «Мантик уттайр»нинг эркин таржимаси деб ҳисобланиб келинган «Лисон ут-тайр» дostonи муtлақо оригинал асар эканлигини сатрмасатр, байтма-байт солиштириш зами-нида тўлиқ исбот қилиб бердики, унинг бу хизмати Узбекистон илмий жамоатчилиги назаридан четда қолмади. Профессор Е. Э. Бертельс ўша пайтлар республика пойтахти бўлган Самарқандга бир давра лекциялар ўқиб беришга тақлиф қилинди ва 1930 йил май-июль ойларида Узбекистонда меҳмон бўлди. Устознинг ушбу савҳати ундаги туркий халқлар адабиётини, жумладан, Алишер Навоий ижодини ўрганишга бўлган дastлабки ҳавасини бир умрли муҳаббатга айлантди. Ўша йиллардаёқ республика матбуотида унинг бир қатор мақолалари ўзбек ва рус тилларида эълон қилинди (Жумладан, «Аланга» журнаlining 4-сонида босилиб чиққан икки мақоласини эслash мумкин).

Олимнинг бу сафари яна бир хайрли натижа берди. Узбекистон ССР Маориф Халқ Комиссарлигининг илтимосига кўра республика шаҳар ва қишлоқларидан йиғиб келинган эски қўлемаларни кўздан кеңирар экан, олим нoвб хазинага дуч келди — Алишер Навоий «Хамса»сининг ўша пайтгача номаълум бўлган энг қадимий ва табаррук қўлемаларидан бири — Абдужамил котиб хусусидан топилди. Ушбу қўлемаси келгусида шoir дostonлари илмий-танқидий матнларини тайёрлашда асосий манбалардан бўлди.

Евгений Эдуардовичнинг Узбекистон билан, ўзбек классик шеърини

билан 30-йиллар бошида боғланган алоқаси йиллар ўтган сайин мустаҳкамланиб борди. Унинг Юсуф Хос Ҳожиб, Аҳмад Югнакий, Дурбек, Лутфий, Бобир, Абулғоzi Баҳоидир-хон ижодига бағишланган қўллаб мақолалари нашр этилди. Алломанинг Навоий ижодини атрофлича ўрганишга бўлган астойдил қизиқиши умр бўйи сўнмади. 1940—1948 йиллар ичида Навоий ижодининг муайян қирраларини тадқиқ этувчи жиддий мақолалари, доклад ва тақризлари эълон қилинди. Жумладан, «Лайли ва Мажнун» (1940), «Навоий ва Шарқ адабиёти» (1941), «Навоий ва Жомий» (1945), «Навоий ва Низомий» (1946), «Навоийнинг дунёқараши масаласига доир» (1945) каби қатор проблематик мақола ва докладларини эслash мумкин.

Устоз уруш йиллари қамал қилинган Ленинград шаҳрида Навоий юбилейига бағишланган мажлисда маъруза қилди. «Мажлис омондан бўлаётган ҳаво ҳужумининг кучли зарбалари остида деворлари чайқалиб турган бинонинг иккинчи қаватида ўтарди, бироқ қатнашчилардан ҳеч бири залли ташлаб қичиб кетмади», деб эслайди олимнинг ўзи. 1943—45 йилларда Е. Э. Бертельс бошқа кўпгина Москва ва Ленинград олимлари, ёзувчилари қатори Тошкентда яшаб турди ва педагогик фаолиятини Урта Осиё Давлат университети Шарқ факультетида давом эттирди. Шу йиллар ичида Узбекистонда унинг 20 дан ортиқ мақола ва рисодалари эълон қилинди. Чунончи, 1945 йилда «Армуғон» альманахи саҳифаларида ўзбек тилида босилиб чиққан «Бедал ҳақида мулоҳазалар» сарлавҳали ихчам, лекин мазмундан мақоласида Шарқ классик адабиётини янги даража адабиётига ўтиш босқичида «хинд услуби» ва хусусан, Мирзо Бедал ижодининг айрича ўрни бoр эканлигига биринчилардан бўлиб тадқиқотчилар диққатини қаратди.

1948 йилда Москвада олимнинг «Навоий, ижодий биография тажрибаси» монографияси босилиб чиқди. 1949 йилда эса Москва-Ленинградда «Александр ҳақида роман ва унинг Шарқдаги асосий версиялари» асари нашр этилди. Бу ҳар икки йirik тадқиқот асосан Навоий ижодига бағишланган бўлиб, биринчиси буюк шoir ҳаёти ва ижодий фаолиятини XV асрнинг иккинчи ярми Мовароуннахр ва Хуросондаги сийбӣ, ижтимоий ва маданий аҳвол фониди ахлит олиб таҳлил қилади. Иккинчисида эса, шoir ижодининг айрим саҳифаси, яъни «Сади Искандарий» дostonи ушбу мавзудаги дostonлар, хусусан, Низомий, Амир Хусрав ва Жомий дostonлари билан изчил муқоясада ўрганиб чиқилган. Бундан ташқари, биринчи китобда илк марта XV аср ўзбек шoirларидан Отойи, Саккокий, Лутфий ва Хусайнийлар ижоди қисқача таҳлил қилиниб, ҳар бирига ихчам ва пухта илмий шарҳлар берилганки, бу кейинча ушбу шoirлар ижодини кенг қўламда ўрганишга ўзбек олимлари учун дastлабки муҳим йўлланма бўлиб хизмат қилди. Тадқиқот охиридаги «Навоий

ва фольклор» деб аталувчи бoб бағоят қизиқарли бўлиб, унда Навоий шахси ва унинг ижодига оддий халқ муносабати, меҳри, шoir ҳақида қўрилган халқ афсоналари заминида очиб кўрсатилади.

Автор ўз асарларини асосий манбаларни чуқур ўрганиш ҳолда яратганлигини алоҳида таъкидлаш керак. Умуман, Евгений Эдуардович асосли илмий-танқидий матнлар тайёрланмай туриб, тасодифий сифатсиз қўлемаси ёки литографик нашрлар асосида жиддий тадқиқотлар олиб бoриш бефойда, деб биларди. У Шарқ қўлемалари матнуослигининг асосий принципларини ишлаб чиқди ва Низомий «Хамса»си, Фирдавсий «Шохнома»си танқидий матнларини тузишга бевосита раҳбарлик қилди, бу соҳада қўллаб истеъодли илмий мутахассисларни тарбиялаш ишига ҳисса қўшди.

Е. Э. Бертельс Шарқнинг улғу шoirлари ижодини жиддий ўрганишда иккинчи бoсқич сифатида муаллиф лугатлари тузиш заруриятини таъкидлаб кўрсатди. Устознинг «Низомий поэтикаси» ҳақида қилган маърузасида, жумладан бундай дейилади: «Биз аввало Низомий матнини тўғри тушунишни ўрганиб олмаганимиз керак ва бунинг йўли фақат битта: катта бир иш қилиниши лозим, яъни Низомийнинг барча сўз бойлигини, ҳар бир сўз неча марта, қайси ўринда учраши аниқ кўрсатилган ҳолда, жамлаб берувчи мукамал лугат тузиш зарур. Озарбойжон олимлари бу ҳақда ўйлаб кўришлари лозим». Олимнинг бошқа асарларида ҳам бир неча ўринда қайта эслатиб ўтилган бу қимматли гоҳи амалга ошириш йўлида бирмунча илк қадамлар қўйилди, Москвада «Шохнома» лугатини, Озарбойжонда Низомий ва Узбекистонда Навоий мукамал лугатини тузиш ишлари алақаллор бoшланган. Бироқ бу соҳада ишлар анча-мунча секин силжиётгани ва ханузгача бирор иш охирига етказиб нашрга топширилмаганини афсус билан қайд этишга тўғри келади.

Устознинг принципиал талабларидан бири илмда холислик ва ҳақлоқлик эди. У муайян адабий-тарихий ҳодисани чуқур илмий таҳлил вoтисида баҳолаш зарур, деб ҳисобларди. Масалан, Ғарбий Европа буржуа олимлари Махмуд Газзавийнинг Фирдавсий «Шохнома»сига эътиборсиз қараганлигини изоҳламоқчи бўлиб: «Ушбу дostonнинг бутун улғуворлигини тушуниб етишга қодир бўлмаган бефохм турк» деганига жавобан, Е. Э. Бертельс: «Бундай шовинистик нуқта назарнинг фанга муtлақо алоқаси йўқлиги хусусида гапириб ўтish ҳам ортиққадир» дейди ва фактлар асосида Махмуд Газзавийнинг Фирдавсий дostonини тушуниш даражасида етарли билимга эга эканлиги ва худди шунинг учун ҳам ўз сийбӣ манфаатларидан келиб чиққан ҳолда, «Шохнома»ни яхши қабул қилмаганлигини ишонarli далиллар беради.

Е. Э. Бертельснинг форс-тожик классиклари ижодини ўрганишдаги хизматлари маълум ва машҳурдир.

Фирдавсий ва Асадий Тусий, Унсурӣ ва Фахриддин Гурғоний, Санойӣ ва Аттор, Носир Хусрав ва Бобо Кўхий, Хусрав Деҳлавӣ ва Абдураҳмон Жомий каби улғу шoirлар ижодига бағишланган ўнлаб мақола ва йirik тадқиқотларидан ташқари унинг «Форс-тожик адабиёти тарихи» деб номланган — тўла тугалланмай қолган асари ҳам мавжуд.

Озарбойжонда Низомий юбилейи муносабати билан Евгений Эдуардович Бертельс раҳбарлиги остида 1938—40 ва 1945—47 йиллар ичида олиб бoрилган илмий-тадқиқий ишлар қўламини нихоятда бекидир. Жуда қисқа муддат ичида (1938—39 йиллар) бевосита устознинг иштироки ва умумий тахрири остида шoirнинг барча асарлари илмий-танқидий матнлари ва рус тилига илмий таржималари тайёрланди. Е. Э. Бертельс улғу Озарбойжон шoirининг ижоди бўйича 5та монография ва 40 тандан зиёд мақола эълон қилди. У ўз тадқиқотлари билан низомийшуносликка асос солибгина қолмай, XII аср форс тилидаги озарбойжон адабий мактаби мавжуд бўлганлигини кашф қилди. Фузулийнинг араб тилидаги девонини тадқиқ этди. Унинг пушту тилидаги афғон адабиёти, ҳозирга замон Туркия шеърини, Махтумқули ва туркман адабиёти ҳақидаги, уйғур адабиёти тўғрисидаги ва бошқа қатор ишлари Урта Осиё, Кавказ, Яқин ва Урта Шарқ минтақаларида қадимдан яшаб ижод этган қўллаб халқларнинг маданий меросини ўрганишга қўшилган салмоқли ҳисса бўлди. Олимнинг совет шарқшунослик фанини юксалтиришдаги хизматлари пaртнямиз ва ҳукуматимиз томонидан ҳамиша муносиб тақдирланиб келди: у 1939 йилда СССР Фанлар академиясининг муҳбир аъзолигига сайланди, 1948 йилда «Искандарнома» дostonининг илмий-танқидий матнини тайёрлашдаги иштироки учун СССР Давлат мукофотига сазовор бўлди. 1944 йилда Узбекистонда ва 1946 йилда Тожикистонда хизма кўрсатган фан арбоби унвонини олди. У Меҳнат Қизил Байроқ (194 йил) ва Ленин (1954 йил) орденларини нишондор; қардош совет республикаларидаги, бундан ташқари чет мамлакатлардаги кўпгина Фанлар академияларининг фахрий аъзо си эди.

Е. Э. Бертельс ўз асарларида минг йиллар давомида Урта Осиё ва унғ қўшни ўлкаларда ёнма-ён яшаб келган туркий ва эроний элатларнинг ўзаро маданий ҳамкорлиги ҳақиқ ҳам ажойиб фикрлари ўртага ташлади. У баъзи ғарб буржуа олимларининг Урта Осиёнинг турки аҳолиси ушбу минтақада деярл ўрта асрларда пайдо бўлган, деге ноилмий қарашларини рад эти в туркий эл Урта Осиёда кeимда икк минг йиллардан бери эроний тилларда сўзлашув элатлар билан ёнма-ён тили-тотув яшаб келган туб аҳоли эканлигини таъкидлаб ўтди. Бунини исботи сифатида қадимги манхис матнларининг суғд ва паҳлавий тилари билан биргаллиқа қадимги туркий тилда ҳам сақланиб қолганлиги эроний тиллардаги матнларда э

«тагнин», «тангри» каби туркий сўзлар учраб туришини эинкр этди.

Худди шу масалага оид устоз билдирган мулоҳаза диққатга сазовордир. Форс шеърятда қофиянинг пайдо бўлишига доир бўлиб, устоз асосли далиллар билан Шарқ адабиёти мутахассислари орасида кенг тарқалган янглиш фикр: дарий адабиётида қофиянинг пайдо бўлиши асосан араб шеърятининг таъсиридир, деган тахминини шубҳа остига олади. Устознинг фикрича, араб шеърятини асосан ҳоқим доиралар орасида урф бўлган ва кенг халқ оммаси орасида шухрат олмаган. Қолаверса, арабларда иссий қофиялаш системаси газал ва насиддаги каби бутун шеърининг игона қофия асосида қурилушидир. (Уш қофия, яъни маснавий арабларга умуман маълум бўлган эмас. Русий ҳам туркий халқларнинг оғзаки ижодида семилли жанрлардан саналган. Арабча «мураббаъ» деб аталуви шеър шакли туркий элларга оғзаки ижодида хос турткиннинг ўзини. «Девону луғотит туркидаги шеърини парчалар эса барчаси қофияланган. Шу мулоҳазаларни наарада тутгани ҳолда: «Эроний халқларнинг кенг оммалари орасида бу кки адабиётдан қайсики кўпроқ арқалган бўлиши мумкин эди— раб адабиётини, турк оғзаки ижоний,— деб ёзади Е. Э. Бертельс.— изингча, жавоб аниқ-равшандир: раб тили Урта Осиё аҳолиси кенг ммалари орасига ҳеч қачон чқур ингиб бормаган, у хамиша улар чун бегона тил, ҳоқим табақалари ли бўлиб қолган. Турли туркий илларга келсак, унинг тожики аҳоли орасида кенг тарқалганига етарик даражада маълумдир. Ва йўлаш умкинки, бу ҳодиса жуде қадим аврлардан ўз индизига эгадир».

Е. Э. Бертельс. «Форс-тожики адабиёт тарихи», М., 1960, 88-бет).

Хуллас, Е. Э. Бертельс илмий меоси ўтмиш маданиятимизни янада кўрроқ аниглаб етишимизда, қадим иқодларимиз яратиб келган бебаҳо рдонларнинг янада янгидан-янги ирраларини кашф етишда ақл ва уримизга шунчалар қувват ва уқча бахш етдики, унинг барчасини тавсифлаб ўтиш қийин.

Шу кунларда Совет Социалистик спубликалари Иттифоқи тузилгангнинг 60 йилгига бутун мамлаетимиз бўйлаб кенг нишонланмоқда. «СССРнинг ташкил этилиши, иллар ўртасида дўстлик, ишонч, аро ердამ муносабатларининг янатилиши Улуғ Октябр туйғайли жулда келган жамиятнинг маънаий ривожини улкан даражада жаллаштириб юборди»,— дейилади ИСС Марказий Комитетининг «СССР шкил этилганининг 60 йилгига ирсидда» деб чиқарган қарорида. иллар орасидаги дўстлик ва ишонч йгуларини мустаҳкамлаш, ҳар бир лқ миллий ва маданий аъаналаринг згзу самараларидан янги давр шисининг маънавий қамолоти йўда фойдаланиш ишига ҳақиқий сон ва ҳассос олим Е. Э. Бертельс м бутун умр ўз ижодий ҳиссасини шди. Мавлоно Бертельс ўтмишининг уф ижодкорлари ижодини — улар йси миллатга, қайси асрга мансуб пинсанлар, тириклардек севиб, амат ва эҳтиром билан тадқиқ ир эди. Навоий ҳақидаги монографиясини тугаллар экан, устоз шунй деб ёзган эди: «Навоий на фадахо тафаккур эгаси ва улуг ир — у ўз халқини шавқ билан йгуви ҳақиқий инсон эди. Бундай сон эса абадий лшайди». Бу сўзо Е. Э. Бертельсининг ўзига ҳам йлум маънода тегишлидир.

Ўз халқининга эмас, қардош иллар маданиятини ҳам самимий на олиш ва уни ёнинг тарғиб қиш Е. Э. Бертельсининг ҳақиқий иет олимига хос хусусияти эди. ғоз Е. Э. Бертельс умрининг болийги ҳам шунда.

«КЎЗУНГ НЕ БАЛО ҚАРО БЎЛУБТУР...»

САМАРҚАНДЛИК Мирзобек Навоийнинг юксак эътибори ва эҳтиромига сазовор шахслардан бири бўлган. Навоий ўзини қатор асарларида у ҳақда оташин бир муҳаббат билан фикр юрилади. Жумладан, «Мажолисун-нафойс»да шундай ёзади: «Мирзобек — инсоният (одамгарчилик) ва хушалоқликда Хуросон ва Самарқанд мулкида ягона эрди. Ва табуъ фаҳм ва отару тутарда бу икки мулк йигитлари орасида саромади замона (давронинг илгор кишиси) ва эҳди диққат ва маоний нуқудидан ганий эрди ва табуъ бу наъв таърифлардан мустағний (эҳтиёжсиз), бу матлаъ анингдурким:

Кўзунг не бало қаро бўлубтур,
Ким жонга қаро бало бўлубтур,—

зулқофиятайндур ва қофиялари тарди аксим, жавоб айтмоқ бу фақир қошида маҳолатиндур. Агарчи анинг тилига бу наъв абёт кўп бўлубдур, аммо ҳаргиз парво қилиб бир ерда битмасиз эрди. Бу матлаъни фақир тугатай, анинг ёдгори девонда битиб-бем. Ҳайф ва юз хайф, дариг ва юз минг дарингим, ҳаёт чашмасидан се-роб бўлмади ва умр нахли (даракти) меваасидан бар емади. Мазори Самарқанд маҳфусасида Аҳмад Ҳожибек... мадрасасида мутаъийин мад-фанларнидадур».

Навоийнинг бу маълумотидан биз Мирзобекнинг ўткир ақли, нозик табли, хушалоқ, жасоратли, ўз замонасининг барча соҳадаги пешқадам йигитларидан бири бўлганлиги ва шоир унга алоҳида меҳр кўйганлигидан воқиф бўламиз. Зотан, Навоийнинг Самарқанда тасалла олаётган йилларида учрашиб, қадрдон дўсти ва маслақдошига айланган бу йигитнинг ушбу табарқур заминдаги қатор ёру дўстлари, устозлари, яқин ва узоқ танишлари, чунончи, устод Хожа Фазлуллоҳ Абулайсий, Мир Қарши, Жавҳарий, Ховарий, Риёзий, Мирзо, Хожа Сугдий, Юсуф Бадиий, Сафойи ва бошқалар орасида чқур афсус-надомат ва кескиз ўқинч билан хотирга олиниши шоир Мирзобекни чин дилдан ҳурмат қилганлигини кўрсатади.

Алишер Навоий Мирзобекни яна бир асари — «Соқийнома»сида хотирлайди. «Соқийнома» тахминан 1496—97 йилларда ёзилган. Унда шоир Абдурахмон Жомий, Сайид Ҳасан Ардашер, Шайхимбек Сухайлий, Пахлавон Муҳаммад, Туйғайли ва бошқа энг муътабар дўстлари қаторида Мирзобекни ёлдайди:

Соқиб, баъзда тут жоми висол,
Ким келур едима айёми висол.
Ўтти бир қарнини, ҳижрон аромен,
Васл айёмига армон армен.
Меҳрибонлар қани, аҳсоб доғи?!
Ҳамнишлар қани, асхоб доғи?!
Барча гурбатга хиром айладилар,
Худд боғина мақом айтадилар...

Бирн ҳам ёр манга, ҳам фарзанд,
Жонга орому юракка пайванд,
Бирн ҳамсўхбату ҳамдарду рафиқ,
Тўққанимдин доғи юз қатла шавқик...
Ул бири оти ч мазкур бўлуб,
Мирзобек или машқур бўлуб,
Бу бири исмини айларда хитоб,
Мир Дарвеш дебон шайх или шоб,
Ҳам анинг фурқати кўйурди мени,
Ҳам мунинг ҳасрати ўлдурди мени...

Бу ўриндаги Навоий томонидан Мирзобекни нисбатан айтилган «ҳам ёр манга, ҳам фарзанд» сўзларига асосланиб, Мирзобек ёш жихатдан Навоийдан анча кичик бўлиб, Навоий уни ҳам дўст (ёр), ҳам фарзанд сифатида эъзозлаган, деган фикрга келиш мумкин. Айни фикрни Навоийнинг «Мажолисун-нафойс»да устоди Сайид Ҳасан Ардашер экирада айтган «Сайид Ҳасан Ардашер — бу фақирга ота масобасида (ўрнида) эрди; андоқким Мирзобек фарзанд масобасида эрди ҳам анга ва ҳам фақирга» деган сўзлари ҳам тасдиқлайди.

Навоийшунлиқда Мирзобекнинг самарқандлик эканлиги ва Алишер Навоий Самарқанда тахсил олаётган йиллари (1465—1469) у билан танишганлиги ва ижодий мулоқотда бўлганлиги ҳақида батафсил фикр юрилади. Бунда шоирнинг Мирзобек ҳақидаги «Мажолисун-нафойс»да келтирган юқоридоги маълумоти асос қилиб олинган. Аммо тадиқотларда унинг қачон ва қай йўсинда вафот этганлиги аниқланмаган, фақат Мирзобек ёшлигида ўлиб кетган, деган умумий тасаввур мавжуд.

Навоийнинг «Фоний» тахаллуси билан битилган форсий девонини араблар эканимиз, бу масалага аниқлик киритувчи бир факт диққатимизни тортади. Мазкур девон таркибига кирган таърихларда шоир ўзининг айрим замондошлари вафотини муаммо усулида шеърини йўл билан қандй қилган. Амир Султон Ҳасан Арқандй ва унинг ўғли Мирзобекка бағишланган таърихлардан бирининг мазмуни шундай:

Навоий гулшани

«...Уларнинг, (яъни ота ва ўғилнинг) — Ш.Ш.) ўлган йиллари ораси ўн йил бўлиб, бу чиндан ҳам рост ва машқурдир. «Махмур» сўзи бунинг ўлганга таърих бўлган бўлса, унисиники эса «махмурий» сўзидан аён бўлади».

Бу таърихнинг охирига байтидаги «махмур» сўзида Мирзобек, «махмурий» сўзида эса Амир Султон Ҳасан Арқандй вафоти берилган. Агар бу сўзлардаги ҳарфларни ажвад ҳисоби билан сонларга айлантирилса, 886 ва 896 ҳижрий саналари чиқади. Бинобарин, Мирзобек 886 (1481) йилда, унинг отаси эса 896 (1491) йилда вафот этганлар.

Шуниси диққатга сазоворки, Мирзобек Хондамирнинг «Мақоримул-ахлоқ» асарига ҳам эсланди. Чунончи, китобдаги Алишер Навоийнинг олижанон фазилатларидан бири бўлмиш инсонларга меҳрибонлик кўрсатиш хусусияти вафд этилувчи бир ҳикоятда Мирзобек унинг ҳамфири ва қалитс вазиятда довараклик билан кўмак берувчи дўсти сифатида намоён бўлади. Хондамир Навоийнинг ўз оғзидан эшитган воқеани кўйидагича нақд қилади: «Бир наъбат Султон Саид (Абусаид Мирзо) амрларидан бир тўдаси Чаҳ-чаҳ атрофида султони соҳибқирон (Хусайн Бойқаро) аскарларидан бир бўлагини урушдан сўнг асир олиб, ўлдирши ва бошларини ўз подшолирига юбориш учун уларни ўзаро тақсим қилиб олдилар.

Ҳазрати Султон (Хусайн Бойқаро)нинг яқин дўсти ва девалати олий ҳазрат (Навоий) Амир Султон Арқандй ўғли Мирзобек билан бирга ўша аскаргоҳда эди. Қисқаси, асир-

ларнинг икки нафарини Амир Султон Ҳасанга олиб келдилар, у ерда амирининг ўзи йўқ эди. Олий ҳазрат шу жойда Мирзобек билан ўтиришган эди. Товачи у икки кишини келтириб, дарҳол ҳар иккисини ўлдириб, бошларини юборингиз, деди. Олий худкли амир (Навоий) бу ҳолни кўриб, аҳоли ўзгарди ва Мирзобекка, мен уруш майдонининг фалон жойида бир ўлдирилган кишини кўрдим; жаллодга бир-икки танга беринг, унинг бошини келтирсин ва асирлардан бирининг ўрнига ўтказсин, деди. Мирзобек эса буйруққа амал қилди, бу билан олий ҳазрат бир кишини кутқарди. Энди иккинчисини қайси йўл билан кутқариш фикрида эди, шу пайтда тўсатдан товачи етиб келиб, асирнинг бирини ўлдирмангиз, бир бош етади, деди. Шунга биноан уруш майдонидан келтирилган бир бошни топшириб, ҳар икки кишини озод қилиб юбордилар».

Мирзобекнинг «Мажолисун-нафойс»да келтирилган байти сатҳли муамтанеъ (кўринишда осон, аммо ёзиш ниҳоятда қийин) санъати воситасида яратилган. Юзак қараганда, содда бўлиб туюлган бу байтда зулқофиятани (қўшқофия), тарди акс (қофияларни ўрин алмаштириш: бало қаро — қаро бало) ва ирсולי масал (халқ ибораларидан фойдаланиш: «не бало бўлмоқ», «қаро бало бўлмоқ») каби қатор мураккаб санъатлар ажиб бир уйғунлиқда қўлланилган ҳамда шохбайт даражасига кўтарилган. Шу сабабли ҳам Навоий дўстнинг мазкур байтини давом эттириб, тугал бир ғазал ҳолига келтириб ҳамда Мирзобекдан ёдгорлик сифатида биринчи девони «Бодоййўл-бидо» таркибига киритади. Кейинчилик бу ғазал шоир ҳаётининг сўнгги йилларида тартиб берилган «Ҳазойинул-маоний» («Маънолар ҳазинаси») лирик куллитбидога («Борайбус-сигар» («Борайбус-гаройботлар») девонидан ўрин олган.

Мирзобек томонидан бошланган ва Навоий томонидан ўта бадий маҳорат билан ниҳоятсига етказилган мазкур ғазал, шак-шубҳасиз, энг куксам поэтик санъат ва нафосат намунаси:

Кўзунг не бало қаро бўлубтур,
Ким жонга қаро бало бўлубтур.
Мажмуъи давони дард қилди
Дардингни, манго даво бўлубтур.
Ишқ ичра онинг фидоси юз жон,
Ҳар жонни, санго фидо бўлубтур.
Бегона бўлубтур ошодини,
Бегонаго ошно бўлубтур.
То қилди юзунг ҳавоси жоним,
Юз сорн анго ҳаво бўлубтур.
Воний топар улки, бўлди фоний.
Раҳравга фано баҳо бўлубтур.
То тугди Навоий оятн ишқ,—
Ишқ аҳли аро наво бўлубтур

Ўзбек адабиётининг кейинги даврларда яшаб ижод этган қатор истеъдодли намояндалари Навоий ва Мирзобек ўртасидаги дўстлик ва ижодий ҳамкорлигининг бамисоли шеърини ҳайкали бўлмиш юқоридоги ғазалга алоҳида эътибор берганлар, унга дилрабо мухаммаслар боғланганлар. Чунончи, Аваз, Ноқис ва бошқа шоирларнинг гўзал мухаммасларини эслаш мумкин. Хуллас, Мирзобек матласи Навоий даҳоси туйғайли гўзал бир ғазалга, кейинчалик Навоий издошлари қаламида мухаммасларга айланди ва абадий гўзаллигининг ноёб бир намунаси сифатида мангуликка дахлдор бўлди.

Шарафиддин ШАРИПОВ,
филология фанлари кандидати

Муҳаммадн ИМОННАЗАРОВ,
филология фанлари кандидати.

Эгасини тоғда

ҲИКОЯ

1

Уйқум нотинч кечади, ўқтин-ўқтин уйғонаман, баданларим чумоли ўр-малаётгандек жимирлаб кетади. Уйғониб, деразадан ташқарига қарайман. Соатга қарамасам ҳам биламан: вақт ярим кечадан оғиб кетган. Тўлин ой ҳар гал деразанинг оқори бурчагидан хонани ёритганида қандайдир армон қалбимни тирнаб ўтади...

Ташқарида ойдин кеча. Деразам ёнидаги ўрикнинг япроқсиз новдалари билан-билимас қимирлайди, гўё осмондаги юлдузлар ўрик шохларига осиб қўйилгандек туюлади. Новдалар деразга урилади. Деразани қия очаман, хонага салқин ҳаво билан эндигина ниш уратган ўт-ўланлар ҳиди уфуриб киради.

Қани энди ўрик тезроқ гуллассаю, эрталаб сергул новдочани кесиб олиб, йўлга тушсам...

Ой нури хонани хирагина ёритиб турибди. Мана у Амёт ётган қаравотнинг орқа тарафини аниқ кўрсатяпти. Бечора Амёт, кийимини ечасдан кўрпа устида юзтубан ётибди. Ҳатто лой илашган ботинкасини ҳам ечабди. Кеча кечкурун тенгдош оғайнилари уни яна маст ҳолатда келтирибдилар. Мен хонага ундан кейин кирдим... Амёт — экскаваторчи, тош қарьерда ишлайди. Юк машиналарига оҳақ тошларини солиб беради. Самосваллар эса тошларни заводнинг майдалаш майдончасига тўкадилар. Майдаланган тошлар узун транспортёрлар орқали печга келиб тушади. Мен худди шу печ олдига ишлайман. Айтарли қийин иш эмас. Лекин у ер ниҳоятда иссиқ. Бунинг устига тошлар тинимсиз шарақлай-вериб, қулонгинги қоматга келтиради. Мен печдаги оловнинг паясий ёки кўтарилиб кетмаслиги учун хира тортган ойнадан дақиқа сайин қараб тураман. Мен яна у ердаги ҳисоблаш асбобларини ҳам кузатаман.

Ҳар қалай ишим қизиқарли. Шифер тайёрлаш цехига ўтмоқчи бўлдим у кейин яна фикримдан қайтдим. Бари бир тез орада ўқишга кетаман. Айтишларича, мен артистлик истеъдодига эга эмишман. Авваллари ўзим унчалик сезмас эдим. Ҳавас-

корлик тўғарагимизнинг раҳбари Карл Павловичнинг ўзи:

— Салим, сен катта артист бўлишинг керак,— деди. Бу гапнинг қанчалик ҳақиқатлигини келажак курсатади албатта...

— Салим, ухляясанми?— Амётнинг хириллоқ овози эшитилди. У бошини аранг кўтариб, кўзларини уқалайди, мен тарафга қарайди.

— Лаббай?

— Сув бер. Ичим ёниб кетяпти...

Мен қаравотдан тушиб, хонанинг бурчагидеги челақдан сув олиб бердим. Амёт қониб сув ичди-да, қолганини ташқарига селип юборди, сўнгра кружкани дераза раҳига қўйди. Шабдада урик шохларини тебратарди. Мен ҳавас билан деразга тегиб турган новдаларга қўл узатдим. Қўлим ой нурида арвоқларнинг қўлидек оппоқ, нимжон кўриниб кетди. Дераза тавақасини ёпиб, Амётга қарадим. Мана, унинг кўзларини қўл деса бўлади. Меҳнатда тоблани қорайган, худди саксовулдек бақувват. Қадоқли кафтларни кетмонни эслатади. Оҳақ тошларини у самосвалларга экскаватор қовши билан эмас, шу кўллари билан ташлаётганим, деб ўйлайсиз.

Амёт девор тарафга ўгирилиб ётди, уқисираб бир нималар деди. Хона бироз совиди. Қаравотда ўтирганимча ўзимдек ҳушёр юлдузларга тикиламан. Ой ёритиб тургани учун осмонда юлдузлар парчун жуда кам. Борлари ҳам муз парчаларидек совуқ ялтиради. Қоронғу кечаларда эса, беҳисоб юлдузлар жимирлаб кўзни қамаштиради...

— Нега ухламайсиз? Муҳаббат дардига мубтало бўлдингми дейман?— дея қўлдирайди Амёт. Мен уни ухляяпти, деб ўйлабман. Гап оҳангидан киноя сезилади.

— И-йўқ...— дедим ўйгайсизланиб.— Қўйсангиз-чи!— уялганимдан жойимга ётиб, кўрпага ўраниб олдим. Амёт бошини буриб, мийиғида қўлиб қўйди.

— Мендан яширясан-а... Мен уни таниймами?

— Йўқ.

— Яхши. Мен бу ерда ҳеч кимни таниймаман, уйқудан бошқа нарсани билмайман.

— Узингиз ҳам паҳлавонлардек ухлайсиз-да,— дедим.

Амёт кинояни сездим шекилли: — Яхши ишлаш учун дам олиш керак, нодон, ҳамма нарсани унуттиш керак,— деди.— Сенинг каллангда эса ҳар хил бўлмағур гаплар гулжон ўйнайди.

— Узингиз-чи?— дедим мен ҳам бироз қизишиб.— Сизнинг ишчангиз-да бўлмағур гаплар гулжон ўйнамайдими?

Амёт қандайдир чарқоқли нигоҳ билан менга бир дақиқа тикилиб қолди. Лабларини хиёл чўчқайтириб туришидан мени менсимаётгани маълум эди. Сўнгра у дўриллоқ овозда сўзлади.

— Сен ҳали гўрсан. Фақат мактабда ўқитилган гапларни биласан: ичиш ёмон, кечиш ёмон... Баландраровз гапларни яхши кўрсанлар. Ҳаётни фақат Карл Павловичнинг би-

лан қўяётган пьесангадигдек деб биласан!.. Ҳаётда эса, суфлёрлар ҳам, режиссёрлар ҳам бўлмади, тушундингми?! Ҳар ким билганича яшайди. Узинг эндигина суддан чиққан бузоқчасан, тагин менга ақл ўргатмоқчи бўласан!

Суддан чиққан бузоқча... Узини участка бошлиғи бир ҳафтагача машиналиқдан олиб, ердამчи қилиб қўйган эди, мана, шалвираб юрибди. Шунинг учун яримтангни олиб, пивохонама-пивохона юрaverиш керакми!.. Аслида Амёт самосвалларни ўз манфаатига ишлатгани учун участка бошлиғини мажлисда танқид қилган экан. Участка бошлиғи эса, Амётни ердამчиликка тушириши билан ундан ўч олибди...

2

Чоррақаларда шамол увиллаган, юзларга қор уқунларини уфурган кунлар ортада қолди. Март куёши қалин булутларни йиртиб ташлади. Қорлар аста-секин эриб, ариқлар сари йўл тутди. Бўғотларда осилиб турган сумалаклар йўлқаларга тушиб парчеланди. Офтобга исина бошлаган ер ҳиди атрофга таралди. Навбахор кишининг белини буккиб қўйди.

Бугун заводимиз маданият уйида «Баҳор» деб номланган ёшлик бали ўтказилади. Амёт иккаламиз йўлга чиқдик. Кечикаётганимизга қарамасдан Амёт мени газакхонага бошлади. У ерда бир-бирига таниш йигитчалар вағирлашиб ўтиришар эди. Биз ҳам уларнинг ёнига қўшилдик. Ҳар ким ўзинча беҳуда сўзлар, бўлар-бўлмагас кулар эди. Амёт офицант аёлини имо билан қақирди-да, олти кружка пиво буурди. Мен бир кружка ливони смирдим-да, секин ўрнимдан туриб, газакхонадан чиқдим. Амётнинг ҳали-бери турмаслигини, ёшлик балига бориши ҳам гумонлигини яхши билардим.

Клубда одам кўп эди. Шаҳримиз кичкина бўлгани учунми, бу ердагиларнинг деярли ҳаммаси таниш эди... Бино шифтида балисони муз парчаларидан ясалган қандиллар атрофга нур сочди. Оркестр шўх куйлардан чалиб турибди. Мен ўртадан ўтиб четроққа — «эйтиборсиз ўтиб кетманг», «ОКС» деган ёзувлар осилдиқ турган девор тарафга бордим. Деразга тираб қўйилган стулларнинг бариси банд. Рақсга кимни таклиф этсам экан, деган ҳаёлда атрофга қарардим. Бир тўда қизлар эриган қор сувлари атрофидеги чумчулардек ўзаро чуғурлашиб туришарди. Уларнинг хушчақчақ овозларидан ҳам гўё баҳорнинг ҳиди келаётгандек эди.

— Рақсга тушмайман, дедим-ку, тушунмадингизми?

Қандайдир бир қизнинг овози ёнмадан эшитилди. Жуфт-жуфт бўлиб рақсга тушаётганлар кўплиги учун секин ўша тарафга қўз ташладим. Стулда ўтирган бир қиз рўпарасида чайқалиб турган бесўнақай йигитга тикилиб қолган эди. Мен, ҳаммаси, бу йигитни газакхонада кўрган эдим.

— Нега энди?— йигит кўзларини сузганича аранг сўзларди.— Мен таклиф қиляман, рақсга тушамиз, жон-

гинам, ўтинаман...— У тилла тишини кўрсатиш учун лабини қийшайтириб қулди, қизга яна қўл узатди.

— Рақсга тушмайман, таклифингизни қабул қилмайман,— у йигитга назар-писанд қилмагандек қаради-да, залнинг нариги тарафга кетди.

Айрим йигитлар оғизларидан спирт ҳиди аңқиб турса ҳам, рақсга таклиф қилсанг қизлар ҳўп деяверадди, деб ўйлайдилар. Шунинг учун бўлса керак, ҳалиги йигит чайқалганича қизнинг орқасидан кетди. Демак, қизга шилқимлик қиладиганга ўхшайди. Шунини ўйлаб, бир қорорга келдим. Рақсга тушаётганларни оралаб ўтдимда, қизнинг ёнига ҳалиги бесўнақайдан олдинроқ етиб бордим.

— Рақсга тушмайсизми?

Қиз менга ҳўрқаклик билан бир қаради-да, сўнгра жилмайди. Рақсга тушакетдик. Рақс оҳанглари тезлашгани сари қизнинг ингичка пошналари енгил кўчарди. Умуўман, унинг туфлиси ерга тегайтими-йўқми билиб бўлмади, гўё ҳавода юргандек овозсиз ҳаракатланарди. Қиз менга кўз қирини ташлаб тикилди-ю қувноқ қулиб қўйди. Тишлари шу қадар оппоқ эдики, уларга тикилиб, кўнглим аллатарзи бўлиб кетди. Унинг қайрилима қозлари қизгимтир юзиде алоҳида ажралиб туради. Қоп-қора кўзлари фўят теран туюларди. Қизнинг маллатоб қора сочларидан бойчечак ҳиди келарди. Бу сочлар беҳитчёр бўйинимга тегиб ўтганида, ҳаяжондан нафасим ичимга тушиб кетарди.

Куйи авжига чиққидо бирданига тўхтади. Мен қизга ташаккур айтиб, ундан сўрадим:

— Кейинги сафар яна бирга рақсга тушамизми?

У менга қараб турди-да, жилмайди, саволимга жавоб бермади, бироз тўзганин сочларини тўзатганича мenden узоқлашди. Қимдир тирсагимдан туртди. Сменадошим Витька экан.

— Бунақа қушчани қаердан топдинг?— деди у мушти билан биқинимга астагина уришти.

Мен унга жавоб бермасдан нарироқ кетишга қўлғандим. Лекин...— Қаердан келган?— дея қизиқиб сўради Витька.

— Билмайман,— дея хушламайгани жавоб бердим.

— Консерваторияда ўқиса керак, бўлмас... Еки Кинематография институтидами? Бировникога меҳмонга келганми?

— Ҳа,— дедим гашим келаётганини билдириб.

— Тузоғингга илинтирдингми?

— Нима!— дея тушунмай сўрадим ундан.

— Тузоғингга илинтирдингми, деб сўраяман. Эҳ, қаллаварам!— деди Виктор.

Мен ундан нари кетдим. Яқинроқ бориб қарасам, ҳалиги Барзани ўша қизнинг олдига турибди. Қўлларини чўнтагига тикиб, хиёл эгилганича, қулги билан нималарнидир гўдди-раётди. Қиз эса, бебарворлик билан узоқларга тикилиб ўтирибди. Мени



кўриб жилмайди, яқин кишини учратгандек, ўриндан турди.

— Мени кузатиб қўяолмайсизми? Кулоқларимга ишонмасдан шоша-пиша сўрадим:

— Сизга бу ер ёқмадимми?

— Йўқ,— деди у.

Клубдан чиқанимизда орқамиздан кимингидир тикилиб турганини ҳис этдим.

Биз жимгина кетардик. Тубсиз осмонда тўлин ой сузиб юрарди. Ҳаммаёқ кундузгидек ёзув эди. Йўлқаларда кўлмақчалар ялтираб турарди, иккаламиз икки тарафдан айланиб ўтардик. Қизнинг пошоналари худди соат сингари «тик-так, тик-так» этарди. Мен қизнинг қўлтигидан ушлашга журъдат этолмай борардим.

— Исмингиз нима?— деб сўради қиз.

— Салим... Сизнинг исминигиз-чи? — Найло. Баъзан дугоналарим Нела ҳам дейишади.

— Қаердан келгансиз?

— Москвадан. Уша ерда ўқидим...

Бу ерда ҳали ҳеч кимни билмайман.

Мен қизга эимдан қараб қўйдим. Ҳозир қора рангда кўринаётган куюқ осмонранг-костюм унинг нозик қомаტიга ярашиб турарди. Тахминан бир квартал йўлни жимгина босиб ўтдик.

— Сиз бирор жойда ишлайсизми ёки ўқийсизми?— деб сўради қиз.

— Артистликка ўқиялман,— деб юбордим тилимини тишлаб қолдим.— Кечирасиз, артистликка ўқишмоқчиман демоқчи эдим...

— Театр институтидими? Қандай яхши!

Узланимдан юзим лов-лов ёнарди. Хайратни, биз бу пайтда заранг дарахтнинг соясида эдик.

— Сиз ҳақиқий саҳнада роль ўйнаганмисиз? Энг яхши кўрган ролингиз ҳам борми?

— Мана сенга мақтанишнинг оқибати! «Яхши кўрган роль» деган сўзини энди эшитиб турибман. Қайтанга индамай кетаверсак яхши эди. Ичиде қизни артист деб тахмин қилган Витякани сўқардим. Уша сўзни эшитганимда, балки бунақа мақтанмасдим.

Найло қиз очик турган эшик олдида тўхтади.

— Мен шу ерда яшайман. Раҳмат сизга. Кўришгунча хайр.

— Хайр. Яна кўришамизми?

— Билмадим. Ота-онам Самарқандда туришади. Эртага уларни кўргани бормоқчиман.

Мен унинг кетаётганини кўриб, шоша-пиша:

— Сиз билан кўришиб турсак, яхши бўларди,— дедим.

Найло индамади. У кўзларини пирпиратиб менга узоқ тикилиб турди-да, бошини қимирлатиб кулиб қўйди.

— Айтилмайман, Салим. Учрашувлар фасли ҳали келмади-ку. Ҳали ўрик гуллаган эмас...

У чарос кўзлари билан менга озгина тикилиб турди-да, бурилиб ичкарига кирди. Пошнасининг овози гиштин йўлакдан тақиллаб бориб тингунча қараб турдим. Эшик ёйиқиллаб очилиб ёпилди. Ҳаммаёқ жимиб қолди.

Мен қандайдир оҳангни хиргойи қилганимча, ўз ётоғимга қараб йўл олдим. Қаердандир эсган туйқус шомол пиджагининг этагини тортиқилади. Муволишда мени тўрт киши кутиб турган экан. Ой анча пастга оғиб кетган эди. Лекин ўшаларнинг ичиде ҳалиги барзангининг ҳам борлигини билиб олдим. Тўртси, яхшигина калтак едим. Улар ҳам қуруқ қолишмади. Хаёт экан-да!

3

Амет столга эгилиб ўтирибди. Олдидаги қозоғга қалам билан нималариндир чизиб қўяди. Ҳар замонда қандайдир схемалар чизилган китобга қарайди, қалам билан кулогининг орқасини қашийди.

Сўнги ҳафтада у бутунлай ўзгариб қолди. Ярим кечада ўриндан турарди-да, чироқни ёқиб, нималариндир чизгиларди. Худди диссертация ёзаётгандек қаттиқ ишлайди. Чап қўли билан сочларини силайди. Охирида чизгик билан пешонасига бир урадию, битта сигаретани чекиб бўлиб, чироқни ўчиради.

Мана ҳозир ҳам ёзиб-чизиб ўтирибди... Мен эса чироқ ёниб тургани учун ухлолмайман.

— Яхши ишлаш учун дам олиш керак,— дея секингина эслатаман унга.

Амет жуда ўжар. Гапимни эшитмаганга олади. Мен хиёл тескари ўгириламан-да, осмонга қараб ётаман. Денгиздаги муз-чўққиларга ўхшаш қол-қора, қуюқ булутлар орасида нозикина елканли қайиқ сузиб юрибди. Шомол унга қарши эсади, қайиқ эса силкинмасдан ўз йўлида давом этади. Қани энди одамлар ҳам ҳаётда шундай юра олса...

Амет қаламини стол устига ташлади-да, чироқни ўчириб, каравотини дераза ёнига сурди. Каравот суянчигига елкаси билан суяниб ўтирди-да, сигарета тутатди. Ой нури унинг елкасини ёритар, тўзгилган сочларини ялтиратиб кўрсатар эди. Ҳар

гал тутун тортиғанда мен унинг хаёлчан юзини кўриб қолардим.

— Амет ака...

— Ҳа?... сигарета тутунини қаттиқ тортиғанда қозонинг чисирлаб ёниши эшитилгандек бўлди.

— Исмингизни Ҳурмат тахтасига ёзишбди.

— Қачон кўрдинг?

— Кеча.

— Ҳалиги участка бошлиғи бор эди-ку, мени ёрдамчиликка туширган, ушани ишдан олишди,— деди Амет.

— Яхши бўпти, ҳақиқат ғалаба қозонибди...

— Сиз қандай фикрдасиз, Амет ака, чинакам инсон бўлиш учун, ҳаманинг муҳаббатига сазовор бўлиш учун нима қилиш керак?

Амет менинг ноқулай саволимга жавоб бериш ўрнига ҳайронлик билан қараб қўйди, сўнгра узоқ ўйланиб қолди. Саволимни қайтариб ўтирмадим, нима қиларимни билмай девор тарафга ўгирилиб, устимга кўрпани тортидим.

— Билмайман...— деди Амет охири ўйчанлик билан.

Мен яна у томонга ўгирилдим.

— Биласани, Салим, бизнинг карьерда... бир қиз бор, яқинда ишга келди. Узи техник-геолог,— дея сўз бошлади Амет бироз жонланиб. У тугабзган сигаретани беихтиёр каравоти темирага босди-да, янги сигарета олиб тутатди.— Мен ўша қизга ҳайрон қолдим. Жуда ғалати... Яқинда дўл ёққани эсингдами?

— Ҳа.

— Уша қуни эрталаб тоғ жинсларини портлатишга тайёргарлик кетаётган эди. Машиналар, одамлар узоққа олиб кетилди. Мен ҳам экскаваторини олиб кетдим. Жанубий котлован охиридаги жарликка тушдик. Атрофинида самосваллар саф тортиди... Ҳаммамиз латифа айтишиб, чекишиб ўтирдик. Ҳаммаёқ жимжит эди. Одатда портлашдан аввал шундай жимлик ҳукм суради... Портлаш дақиқалари етиб келди. Лекин негадир портлаш юз беравермади... Ҳайрон бўлдик. Орадан ярим соатлар чамаси вақт ўтди. Бир вақт завод маҳаллий комитетининг раиси ҳаллослаганича аллақайёндан етиб келди-да, бизнинг бу жарликдан бошқа ёққа кўчишимиз лозимлигини айтди. Кўпчиликнинг жаҳли чиқди. Лекин биз кетишга мажбур бўлдик. Яна ярим соатлардан кейин портлаш юз берди. Ана шунда... ишонасаним, Салим, аввалги жойимиздаги қоядан катта бир тупроқ бўлаги жарга ағанабди. Қоянинг ағанаб тушиши эҳтимолини ҳалиги

техник-геолог қиз завод раҳбарларига билдирибди. Унинг оғохлантириши билан шунча одам, машиналар омон қолди, эшитаясанми, Салим?

Амет ўчиб қолган сигаретани деразадан ташқарига отиб юборди-да, хириллоқ овозда гапини давом эттирди:

— У билан учрашиб, ташаккур айтмоқчи бўлиб юрибман, маврудини тополмайман. Енма-ён турганимда гапимни йўқотиб қўяман. Узимни оқиз сезаман... Сен сўрайсанки... Ҳақиқий инсон қанақа бўлиши кераклигини билмадим, бу нарсаинг чегараси йўқ, менимча. Яхшиси, қанақа бўлмаслик кераклигини билиш лозим...

— Ҳўш, уни кўриб турибсизми? Амет уялгандек бошини қимирлатиб қўйди.

— Биласани, ўша қиз, бошқа экскаваторчилар билан тажриба алмашинг, деб тақлиф қилди. Техника хонасида бир неча марта йиғилдик. Кўпчилик бўлиб уйига кузатиб қўйди. У йўл-йўлакай техникумда ўрганаганлари ҳақида сўзлаб борди. Аваалига ҳайрон бўлдим. Унинг айтишича, оҳақтошни янгича усулда олиш, куйдириш лозим экан. Худди ёш болани ўқитгандек бир неча китоблар келтириб берди.

— Кейин нима бўлди?

— Мен ишонтирди. Уз йўрнига солди...

Аметга ҳайрат билан тикилиб қолдим. Энди барибир ухлаёлмайман. Қаердадир узоқда ит хуради. Дераза ортида ўрик шохлари қимирлайди. Бугун айниқса бу дарахт ҳар кунгидан бошқачароқ, худди жон бирдек чайқалади. Соат неча бўлқирди... Мен кўзларимни аранг очиб, соатга қарайман... Ҳайрон қоламан. Қизик, ҳаммаёқ ёришиб кетаяпти-ку. Ёки оппоқ нурлар ўриқдан ёғилпятими? Чиндан ҳам ўрик гуллаган, жонли қумушлар билан бурканган эди. Гулини хонамизга киритишга ошиқарди.

— Ўрик гуллатпти!..

Мен ўрнимдан туриб, дераза ёнига оёқ яланг юриб бордим. Ўрик гулини ушладим. Гулларнинг юзига селган шудрингидан сесканиб кетдим.

Куюш нурлари ҳар гал тош майдалагининг ричағига тушган пайтда мен асбобларимни йиғиштириб ишга отланишим лозим. Мен латтани со-

4



Расмин А. ХОЛИҚОБ чизган

ДИНОЗАВРЛАР ҲОЗИР ҲАМ БОРМИ?

А. КОНДРАТОВ,

СССР География жамиятининг ҳақиқий аъзоси

Турли халқларнинг афсона ва эртакларида нақл қилинишича, жуда қадим замонларда ниҳоятда баҳайбат, дароз одамлар яшаган эмишлар. Утган асрнинг бошларида палеонтология фани юзга келгандан кейин ўша баҳайбат, дароз одамларнинг скелети деб тахмин қилинган суякларнинг бундан миллион йиллар муқаддам Ер юзиде истиқомат қилган ҳайвонларга тааллуқли эканлиги аниқланди. Эртакларда тасвирланган аждаҳолар ва девлар, яъни фантастик муболағалар ўз-ўзидан пайдо бўлмаган албатта. Ҳозир ҳам учрайдиган улкан эчкизмарлар ҳамда баҳайбат кўрчинчи жониворларнинг излари, суяклари шу хилдаги эртакларга асос бўлгани эҳтимолдан узоқ эмас.

Қадимги улкан эчкизмарларни динозаврлар деб атайдилар. Дарҳақиқат, мазкур грекча сўзнинг маъноси «қудратли, даҳшатли, оғир ваъли эчкизмар» демакдир. Аслида бу сўз эчкизмарларга унчалик мўқобил эмас. Катталиги отдек келадиган кунён, ҳатто кўрсичқон динозаврларининг суяклари ҳам топилиган.

Палеонтологлар етмиш, юз, икки юз миллион йил муқаддам Ерда кечган ҳайратли ҳаёт манзарасини, барча деталлари билан бўлмаса-да, тасвирлаб беришга эришганлар. Сайёрамизда ўша кезларда улкан судралувчилар ҳукмронлик қилганлар. Диплодокларнинг узунлиги 25 метрга

қадар етган! Бронтозаврлар эса унчалик узун бўлмаганлар. Лекин улар бешта филнинг оғирлигича ваънага эга бўлганлар. Катталиги ханжардек тирноқ ҳамда тишлар билан қуролланган тиранозаврлар тури ҳам ҳаёт кечирган. Ҳавода эса қанотли эчкизмарлар учиб юрган. Ҳозирги бургутлар уларнинг оқиде паша-дек кўримсиз бўлиб қолиши тайин эди.

Уша даврларда саёз денгизларда, кўл ҳамда дарё сувларида йиртқич рептилийлар: ихтиозаврлар, думи баликсимон, боши дельфинсимон, тишлари тимсоҳникидек, сузгичи китникига ўхшаш «балиқ эчкизмарлар», қиёфаси галати плезозаврлар, узунлиги 15 метрдан ошадиган мозозаврлар, бош чаногининг узунлиги икки-уч метр, оғзи улкан, ўткир тишлар билан қопланган плизозаврлар ҳукмронлик қилганлар.

Ҳўш, қуруқликда, сувда ва ҳавода яшаган бундай улкан эчкизмарлар нега 60—70 миллион йил муқаддам фожиавий равишда бирдиганга қирилиб кетган! Динозаврлар ҳалокати масаласи — палеонтологлар учун «биринчи номерли масала»дир. Бу борада бир неча ўнлаб фаразлар илгари сурилди. Жумладан, рептилийларнинг туғаб кетиши Ерда иқлимнинг ўзгариши, тортиш кучини оширувчи ва эпидемияни уйғотувчи энг янги юлдузларнинг порлаши, «ўзаро уруш», оммавий ўз-ўзини

қирши, сўт эмизувчилар билан рақобат, кичик сайёраларнинг қулаб тушиши, «фазодан келган келгинди»ларнинг кўниши, бирдан совуқ тушиши ва ақсичча тўсатдан жазирама иссиқнинг кучайиши сингари ҳодисалар сабабчи бўлган деб исботлашга уринадилар.

Фаразлар санайверилса, бир китобга жой бўлиши мумкин. Бари бир уларнинг биронтаси ҳам ишонарли эмас. Эҳтимол, динозаврларнинг ҳалокати бутун бир сабаблар комплекси билан боғлиқдир. Буни келгуси тадқиқотлар аниқлайди албатта. Лекин сайёраимизнинг қайсидир бурчагида бизнинг давримизга қадар яшай билган энг сўнгги динозаврларнинг сақланиб қолиши мумкинми? Ахир, Ерда, айниқсан унинг суви қисмида «тирик топилмалар», динозаврларнинг экин урудоши ҳисобланмиш эпливорлар, ҳатто мўъжизавий эчкизмарлардан ҳам қадимийроқ тирик мавжудотлар бор. Ер юзиде қирилиб кетган динозаврларга тимсоҳлардан кўра яқинроғи йўқ.

Янги Зеландияда ҳозирги кунда динозаврлар нисбатан ўн миллионлаб йил илгари ҳаёт кечирган илк эчкизмарлар — прозаврларнинг аккаёғи вакили гаттерия яшайди. Тошбақалар насли икки юз миллион йил бурун пайдо бўлган ва лекин ҳозирга қадар ҳам унинг яшаш тарзи ва қиёфаси даярли ўзгармаган. Қурбақаларни «одамларнинг ва динозаврларнинг замондоши» деб атайдилар. Шунингдек, балиқларнинг жуда кўп тури, масалан, акулалар, скаталар, осетралар, илонбалиқлар ҳам динозаврлар ҳукмронлигидан олдинроқ дунёга келганлар. Акулалар ҳам, тимсоҳлар ҳам, қурбақалар ҳам башариятга азалдан аён. Ҳозир йигирмачи асрда «тирик топилмалар» топиш мумкинми?

Асримиз бошида Индонезиянинг Комодо оролида «аждаҳо»лар — узунлиги икки метр, ҳатто 4—5 метрга

етадиган улкан калтакасак-эчкизмарлар топишган эди. Ҳинд океанидаги Комор ороли ақиндан панжақандоғли балиқ — целокантларнинг топилиши ҳақиқатан жаҳон ақлини ҳайратга солди. Ахир улар бундан юз миллион йил бурун қирилиб кетган деб ҳисобланарди. Бу воқеа кўлгина тадқиқотчиларни, сўнгги динозаврлар сувда ёки қуруқликда сақланиб қолмадимикин, деб жиддий ўйлашга мажбур этди.

Кўпсонли гувоҳларнинг ҳикоя қилишлари, Шотландиядаги Лок-Несс кўлида ҳозир ҳам яшайдиган сирли мавжудот биринчи «динозавр» номзодидир. У мавжудотга «Несс» деб ном бердилар. 1934 йилдаги Нессини суратга олишган. Шундан буён жаҳон матбуоти шохидларнинг — оддий туристларнинг ҳам, мутахассис олимларнинг ҳам — сирли мавжудот билан учрашви тўғрисидаги шов-шувли хабарига бир неча бор қайтди. Нессининг суратлари ҳам босилди. Шуни ҳам айтиш кераки, бу суратлардан тирик мавжудотнинг аниқ қиёфасини ажратиш қийин. Электрон аппаратлар, энг кичик сувости қайғи, ҳатто ўрнатилган дельфинлар билан қуролланган экспедиция Лок-Несс кўлида салкам ҳар йили кузатув олиб боради.

Сўнгги йилларда Нессининг жиддий рақиб пайдо бўлиб қолди. Эртак ва афсоналарга кўра Шотландиядаги Лок-морар кўлида истиқомат этадиган бу галати даҳшатли маҳлуқни «Мораг» деб номладилар. Кўл денгиз қирғоғидан ҳаммаси бўлиб 400 метргина баландликда жойлашган. Американинг Вермонт ва Нью-Йорк штатлари ўртасида жойлашган Шамплейн кўлида яшовчи яна бир афсонавий мўъжизани «Шамп» деб атадилар. Тропик Африкадан ва Ёқутистондан «неодинозаврлар» қирилиб кетган деб ҳисобланадиган, улкан рептилийларга ўхшайдиган мавжудотлар хусусида маълумотлар келиб туради.

ляркага ботириб, шошилинч равишда приборларни артишга тушдим... Бугун кечқурун маданият уйида илгорларга ёрлиқлар топирилади. Тантанали қисдан кейин биз — завод актёрлари пьеса кўрсатамиз. Мен бош ролни ижро этаман. Кейин ҳамма рақсга тушади. Спектаклдан кейин рақсга тушиш яхши: қизлар, мана шу йигит бош ролни ўйнади, деб бир-бирга кўрсатишди!..

— Салом, артист! Танимаялсизми?

— Сиз шу ердამисиз?— дея олдим аранг ўзимга келиб.

— Ҳа. Яқингинадаман. Карьерда... Сизни кўрқитиб юбордим шекилли.

— Йў-е, нега?— дедим дадилланиб.

— Мен сизни қақирдим, эшитмадингиз. Манави сабил машинангиз шунақам гулдирайдики, ўзининг завоқини ўзим аранг эшитаман.

— Сменодошим Витка келиб қолди ноқулай аҳволдан чикдим... У кўзларини катта очиб, ҳўштак чауб юборди. Мен қўлимдаги ҳўл латтани унга отдим-да, Найло билан нарироққа кетдим. Тош майдалагининг овози бироз узоқлашганидан кейин қиз мени гап билан ўйиб олди.

— Театр институтининг студентлари цемент заводиде тажриба ўтказияпти денг?

— Мен индамадим, ўзимни эшитмаганга солдим. Аслида ҳам ундан худди шундай саволини кутган эдим, бироқ жавоб топишга улгуролмадим. Индамай кетавердим.

— Утган яқшаба кунни сизлар қўйган комедияни кўрдим...

— Драма эди,— дея уни тузатдим.— Уч кўринишли драма.

— Наҳотки?— дея қувноқ кўлди

— Мен комедия деб ўйлабман.

— Сизга ёқдими?

— Ростини айтмайми?

— Албатта!

— Ёқмади. Маҳбубангизни кўчиб, ўз бахтёрлигингиз ҳақида қичқирганингизда жуда кулгили туюлдингиз.

— Мен тумтайиб қолдим, Найло эса яна кулди.

— Ана, хафа бўлдингиз. Ростини айтинг, демасангиз бўларкан.

— Балки сиз ҳақдирсиз,— дея елкамини қисиб қўйдим.

— Ҳар бир ишининг ҳам бошланishi бўлади, Салим. Уни охирига етказиш керак... Нима ҳам дердик, бизнинг йўлларимиз шу ердан бошланапти.

— Қаранг энди, шундай доно бир қиздан хафа бўлиш мумкинми!.. Бу пайтда биз завод дарвозасига яқинлашиб қолган эдик. Шу ерда йўлимиз ажралди: Найло ўнг тарафга, мен чап тарафга бурилдим.

— Найло...
— Ҳа.
— Сиз билан гаплашиб олишим керак.

— Ҳозирнинг ўзимдами?
— Учрашайлик...

— Қиз тўхта менга тикилиб турди-да:

— Сиз ўжарсиз...— деди.— Яхши-си, бугун клубда учрашақолайлик. Майлими?

5

Урик бамисоли оч-пуштиранг қўлак кийган келинчака ўхшарди. Унинг атрофи, ётоқонамиз деразасининг раҳлари нозик гулбарглар билан безанди. Деразанинг бир тавақасини очиб, баландроқ шохдан сергул бутоқчаларининг бирини синдириб олдим. Шошганидан билганимнинг бир жойи тирналиб кетганини кейинроқ билдим.

Залга кириб келганимда тантанали қисм туғабтган эди. Кенг саҳнага

қўйилган узун стол ортида ремонтчилар, экскаваторчилар, шофёрлар ва бошқа илгорлар кўр тўкиб ўтиришарди... Улар орасида Амет ҳам бор эди. Айтишларича, у самовсалларга оҳақтош ортишининг янги усулини ўйлаб топилди ва бир ойда нормаданганда уч баравар кўп топ ортибди. Кечалари тинимсиз қоғоз устида ишлашининг сабабини ана шундан кейин билдим.

Амет негадир безовталиқ билан залга тикиларди, тўғрироғи, залдан киминдир қидирарди. Балки мени излаётгандир. Урнимдан туриб, қўлимни қимирлатиб қўйдим. Негадир менга аҳамият бермади. Майли, ҳалақит бермайман, ўз адресига айтилаётган мактовларни эшитиб олсин. Лекин у ҳали ҳам безовта. Минбарда айтилаётган сўзларга аҳамият ҳам бермайди. Кўп ўтмасдан қовоғи уюлиб, қўлларига тикилганга ўтириб қолди. Одатини биламан, ҳаёжонланган пайтларида ўзининг забардаст қўлларига қарайверарди...

Елкамдан кимдир оҳистагина ушлади. Мен бурилиб қараб, Найлонни кўрдим. У оч-пуштиранг қўлакда эди, учиб кетадиган қушдек кўринарди. Қиз одами рангли кийимларда гоят чиройли кўринар экан.

— Гулингиз бунча чиройли, Салим! Қаердан олдингиз?

— У гулни авайлаб қафтига олди-да, юз-кўзларига суртди.

— Ҳиди қандай яхши-я! Мен бутун шаҳарни қидириб, яхшироқ гул тополмадим. Олсам майлими, Салим?

— Бўлмасам-чи! Ахир, мен сизга олиб келганман...

— Наҳотки? Раҳмат!.. Юринг, саҳнага яқинроқ борайлик. Нега зшикка яқин жойда ўтириб олдингиз? Бугун ҳам саҳнага чиқасизларми?

Қиз хиёл кўтарилиб, менинг елкам

оша саҳна тарафга безовталиқ билан қаради:

— Ана улар келишяпти... Тантананинг сабабчлари биринкетини зиналоядан залга тушиб келишарди. Олдинги қаторларда ўтиргилар табриклаш учун уларга пешвоз чиқшиди. Шу пайт Найло:

— Кечирасиз, Салим,— деди-да, негадир ҳаёжонланганча одамлар орасидан ўта бошладим. Мен унинг ортидан юрмоқчи эдим, пиджагимнинг этагидан кимдир маҳкам йўл босардим. Бу ҳамиса қовоғини солиб юрадиган Карл Павлович эди.

— Қанақасан ўзи! Спектаклни йўққа чиқармоқчимисан?— деди у норози оҳанга.— Қани, юр дарров, костюмингни кийиб ол!

Саҳна тарафга йўл олдим. Найлодан кўз узмаётганини учун кимининг орқини босиб олдим. Орқа тарафдан норози гўлдираш эшитилди. Худди маст одамдек йўл босардим. Кимдир мени қаттиқ туртиб юборди, барибир қарамадим. Шу тарика Найлоннинг қувноқ ва бахтёр кейфиятда Аметнинг олдига борганини, йигитнинг ранги оқариб, лаблари титраганини — унинг қизга нимадир деб гапирганини ҳам ёки ўғайсиз кулиб қўйганини ҳам аниқ билолмадим — аниқ кўрдим.

Қиз йигитга қўлаган ўрик бутогини узатди. Ҳозиргина мендан олган ўрик гулини узатди! Мен ўрикнинг гуллашини қанчалик интиқ бўлиб кутган эдим, ҳатто тасавурумда уни ўзим ўстирган эдим. Амет эса, иккалаимиз ётадиган хонанинг ёнидаги дерахтининг ўз бахти учун гуллаётганини ҳаёлига келтирганганим...

Эх, ўрик дерахти, сенинг булутга ўхшаган оч пуштиранг гулларинг қақондир менга ҳам насиб этармикан!

О. ҚУСАНОВ таржимаси



НУРЛИ САҲИФАЛАР

Бу оғзаки гапларнинг ҳаммаси ўз ҳаётий асосига эгамми? Биз агар афсонавий «аждоҳовларни эмас, тирик маҳлудни топишни истасак, «неодинозавр»ларни қидиришда барча «ўйин қонуниятларига» амал қилмоғимиз лозим. Мана, сайёраимизда бутун мавжудот жонсиз табиятга қарши неча миллиардлаб йилдан бери «ўйин» кўрсатиб келмоқда. Мишмишларга қараганда, Лок-Несс кўлидаги сирли маҳлуднинг катталиги динозавр катталигича экан. Ўз ҳаётини сақлаш учун бу жониворлар оқватланиши керак. Бироқ «неодинозавр» овчиларининг, мўжиза ўрнатишган Сибирь кўлида балиқ туғади, сирли жонивор яшайдиган Африка боққоқликларидида бегемотлар йўқолиб кетади, деган арзларини қандай тушуноқ даркор? Шимолий кўлдаги барча балиқни еб бўлган ёки Африка боққоқликларидидаги бегемотларни еб тутатган йиртқич нима билан озикланади? Суратга оломқчи бўлган кузатувчилар биланми?

Тирик мавжудот озикланишдан ташқари кўлаёди ҳам, йўқса улар йўқолиб кетади. Тан олишимиз керак, Шотландиянинг Лок-Несс ёки Ёқутистоннинг Хайр кўлларида ўхшаш ҳамма ёғи берк масканлар, Африканинг Бангвеулу боққоқлиги ва бошқалар узунлиги бир неча метр келадиган, оғирлиги кўп тонна чиқадиган, камида 150—200 сонли полкизовларни ёхуд уларга қондош эчкизаврларни озик-овқат билан таъминлаш имконига эга эмас. Динозаврларнинг ҳозирги кунга қадар сақланиб қолишига яқояво ёлғиз имконият ва жой жаҳон океанларининг тубидир.

«Денгиз аждоҳовлари» табиятига бағишланган фаразлар сони ўттизга ақинлашаётир...

Асриликнинг ўзида тирик динозаврнинг кўлга киритилишига ишонгинг келади. Бу энг буюк илмий ютуқлардан бири бўлар эди. Лекин динозаврларни чиндан ҳам улар яшаши мумкин бўлган ердан, уларнинг биологиясини, кўпайиш усулини, ирсияти ва экологиясини ҳисобга олган ҳолда қидирмоқ лозим.



«Звезда Востока» журналининг ярим аср мобайнида босиб ўтган шонли йўли социалистик жамият ҳаётининг муҳим босқичларини билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, булар унинг нурли саҳифаларида ёрқин ифода топти.

Журнал ўзининг илк сонидакё «катта санъат учун курашни бош вазифа қилиб белгилади. Яъни ёзувчиларнинг ижтимоий-сиёсий бирлигини таъминлашдан иборат ташкилий ишларни ҳамда янги жамиятни қарор топтиришда адабиётнинг ролини кучайтиришни аниқ мақсад қилиб қўйди. Республикада ўзбек тилида чиқадиган бошқа нашрлар билан бирга журнал бадий маданиятни омма орасида кенг ёйиш вазифини ўтади. Совет Шарқи миллий ёзувчиларининг минбарига айлана бориб, журнал сўз санъаткорларининг гоёвий-ижодий мураббийси сифатида уларни партия ва халқ олдидаги граждандлик бурчини чуқур ҳис этувчи ижодкорлар қилиб шакллантирди.

Журналининг биринчи сони саҳифаларидаёқ ўзбек ва рус, тожик ва грузин, уйғур ва қирғиз, қорақалпоқ, туркман ва украин адабларининг асарлари ва номлари ёнма-ён турарди. Қадимий Шарқ маданиятида бу янгилик эди!.. Совет интернационал санъаткорининг янги типга яна шу тарзда шакллана бошлади.

«Звезда Востока»нинг ўнлаб йиллар давомидидаги нашрларини ўзбек совет адабиётининг ўзига хос анто-

логияси деб аташ мумкин. Совет адабиётининг хазинасига айланган қолган кўпгина асарлар билан рус китобхони дастлаб яна шу журнал саҳифалари орқали танишди. Ҳамза, Садриддин Айний, Абдулла Қодирий, Ойбек, Гафур Ғулом, Ҳамид Олимжон, Уйғун, Мақсуд Шайхзода, Шароф Рашидов, Комил Яшин, Назир Сафаров каби сўз усталарининг аъёнлари проза, поэзия, драматургия жанрларида муваффақият билан қалам тебратётган Сарвар Азимов, Зулфия, Иброҳим Раҳим, Мирмуҳсин, Саид Аҳмад, Одил Ёқубов, Шукрулло, Абдулла Орипов каби доимий муаллифларимиз бўлмиш ижодкорлар фаолиятида муносиб тарзда давом эттирилмоқда.

Ўзбекистон адабиёти — кўп миллатли адабиёт. Шунинг учун журнал фаолиятида таржима асарларига кенг кўламда ўрин ажратилган, маҳаллий ижодий кучлар билан бирга, Москва ва Ленинграднинг ёзувчи, таржимонлари ҳам бу ишга жалб этилганлар. Ўзбек ёзувчиларининг муҳим асарлари журнал саҳифалари орқали бутуниттифоқ китобхонлари эътиборини қозониши «Звезда Востока» атрофига уюшган юксак малакали таржимонларнинг ижодий меҳнати самараси ҳамдир.

Ҳаёти ва адабиётдаги тақдири Ўзбекистон билан, Урта Осиё билан боғлиқ кўпгина рус ёзувчиларининг ижодий қиёфаси шаклланишида «Звезда Востока» журнали бекиё

роль ўйнади. Бу ўринда, биринчи навбатда Анна Алматинскаянинг, СССР Давлат мукофоти лауреати Сергей Бородиннинг, Михаил Шевардин, Андрей Иванов, Владимир Липко, Борис Пармузин, Наталья Буроваларнинг номларини қайд этиб ўтиш лозим. Борис Лавренев, Константин Симонов, Анна Ахматова, Якуб Колас, Леонид Соловьёв, Юрий Арбат, Александр Дейч, Корнелий Зелинский, Семён Трегуб каби адаблар турли йилларда журнал билан ҳамкорлик қилдилар. Мамлакатимизнинг йирик адабий марказларидаги энг яхши ижодий кучларни журнал фаолиятига жалб этиш аъёнлари Улуғ Ватан уруши йилларида янада ривож топди. Алексей Толстой, Всеволод Иванов, Корней Чуковский, Семён Кирсанов, Микола Терешченко, Эди Отнецев, Василий Ян, Николай Вирта, Николай Ушаков, Лев Пенковский, Владимир Державин, кўпмиллатли совет адабиётининг бошқа вақиллари бу пайтда Тошкентда яшаб ижод қилдилар. Журнал улар билан муस्ताҳкам ижодий алоқа ўрнатди. Ҳозирги пайтда қардош адабятлар билан алоқаларимиз янада кенгайиб ва муस्ताҳкамланиб бораётир.

Осиё-Африка мамлакатлари адаблари билан алоқанинг кучайиши натижасида «Звезда Востока»нинг интернационал доираси янада кенгайди. Мўғулистон, Вьетнам, Жазоир адабларини, шунингдек Фарб мамлакатлари тараққиётлар ёзувчиларининг асарлари журнал саҳифаларида мунтазам эълон қилиб борилаётир.

Шуни ҳам айтиш лозимки, журнал нашрининг ҳажми эллик йил давомида 6 босма тободан 21 босма тобоққа ўсди, ҳозир у 140 минг нусхада нашр этилаётир.

Ўзбекистон Ёзувчилар союзининг органи бўлган олийк адабий-бадий, ижтимоий-сиёсий «Звезда Востока» журнали КПСС XXVI съезди, Ўзбекистон Компартиясининг XX съезди қарорларини ҳаётга изчил татбиқ этишда республика партия ташкилотига кўмаклаштиши ўзининг масъулиятли бурчи деб билади. Босиб ўтилган шонли эллик йил тажрибавари бу вазифани ҳам шараф билан удаллашимизга ишонч туғдиради.

РЕДАКЦИЯ ПОЧТАСИДАН

КУТУБХОНА БЕКАСИ

Дала шийпони. Радиодан Муножат Йўлчиева «Дугоҳини куйлаётди. Бир гулур колхозчи қизлар дархатлар соясындаги сўрида нимкалардан сўх-бослағи ўтиришпиги. Узоқдан урта бўйли бир аёлининг қораси кўринди. — Хув келаётган Хатира олам эмасилар! — деди табелчи Гаффор Кўнғирбоев юзларига нур югуриб. — Янги газета-журналларни олиб келаётган бўлсалар керак,— деди Зиёдулла қўлларини соябон қилиб.

У келаётган аёл томон шошиларкан қўшиб қўйди. — Қўллариди анча-мунча китоблар борга ўхшайди, кўтаришиб юбора қолай.

Хатира опани шийпон олдида ҳамма хурсандлик билан кутиб олди. — Қандай янгиликлар бор, Хатира опа? — деб сўради бригадир Тамара Шогъёсова...

— Янги китоблар бор, дейсизми? Демак, бугун тонггача чироегимиз ўчмас экан-да,— деди бир йигитча. — Кечаси билан китоб ўқиб, тонг-да ухласангиз, эртанги ишингизда унум бўлмас, сиз учун нормани ким бажаради! — деди орқада турган қизлардан бири жиддий оҳангда.

— Китоб ўқимаган кишининг плани бахаришига, замондошлари қаторидан ўрин олишига ишонмайман. Китоб кишига руҳий қувват, илҳом бахш этади,— деди жавоб берди йигитча.

— Хатира опа, менга Назир Сафаровнинг «Момқақалдиқроқ» китобини олиб келмоқчи эдингиз, эсингиз-дами? — деди Гаффор исми йигит. — Эсимда, Гаффоржон, эсимда. Лекин китобни сенга бергим келмай турибди-да. Олдинги сафар олган китобларингни қачон топширсанг ўшанда бераман. Ахир сенга бир эмас, учта китоб ташлаб кетгандим.

— Биз ҳам сўзининг устидан чиқадиганларданми. Мана ўша олган

китобларим: Уйғуннинг «Танланган асарлари», Ойбекнинг «Навойи» романи, Ҳамид Олимжоннинг дoston-лари.

— Хатирахон, газеталарни ўқиб чиқдингизми? Нима гаплар бор! — сўхбатга қўшилди Тамара опа.

— Гап кўп — кўмир оз,— дея ҳазиллашди Хатира опа.— Яна бир қизимиз космосга парвоз этди. Исроил босқинчилари қитмирилгини тўхтатмаёпти. Республикаимиздаги кўпгина ҳўжаликлар галаба рапорти бераялтилар. Мана, ўзларинг бир ўқиб кўринглар...

Агар сиз Хатира опа Илҳомовани почтаёлон деб ўйлаган бўлсангиз хато қиласиз. У — Тошкент область Оржоникидзе районидидаги «Коммунист» колхозидида кутубхоначи бўлиб ишлайди. Кутубхона жавонлариди 3 мингга яқин китоб мавжуд. Бундан ташқари колхознинг бир қанча бригадасидида кўчма кутубхона ташкил этилган. Маълумки, колхозчилар кун бўйи далада меҳнат билан банд бўлишадиди. Уларнинг бўш вақт топиб кутубхонага келишлари қийин. Шу сабабли Хатира опа бригадаларнинг дала шийпонларига тез-тез бориб, колхозчиларнинг дам олиб пайтларидида турли мавзуларда сўхбатлар ўтказадиди, сўралган китобларни келтириб тарқатадиди. Колхознинг марказ кишлоғидида жойлашган кутубхонадаги

китоблардан эса асосан мактаб ўқитувчилари, ўқувчилар, кўп болали оналар, идора ходимлари фойдаланадилар. 33-мактаб ўқувчилари Умида Икромова, Шокир Махсумов, Султонмурод Очилов, Нафиса Қорабоевалар кутубхонанинг актив ва интизомли аъзоларидирлар. Аини чоғда улар Хатира опага кўмаклашадилар ҳам. Агар бирорта китоб йиртиса ёки муқовалари кўсча, улар даров китобни «давонлашадиди».

Хатира опа кутубхонага кириб келган ҳар бир кишининг дилидаги китобни топиб қўлига тутказадиди.

— Кутубхонамиз аъзоларидан ким қандай китобни яхши кўришини билиб қолганман. Шунинг учун унинг қизикқан мавзусидидаги асарларни тавсия этаман,— дейди Хатира опа биз билан сўхбатиди.— Китобни халқимиз офтобу зиёга қиёс этади. Кимки ёшлигидида билимга интилса, ҳаёт йўли ҳамиша мувиамга. Китобларимизнинг ҳар бир арағидида олам-олам маъно бор. Уни асраш, авайлаш керак.

Ҳақиқатан ҳам, Хатира опа бекалик қилаётган кутубхонага йўлингиз тушиб қолса, ораста хонада тартиб билан сақланаётган китобларни кўриб севинсангиз. Кутубхона эса домю одамлар билан гаубоюн.

ЖАНГОВАР ШЕЪРИЯТ

Фаластин шоири Муин Бисусу



сад — Ватани овоз қилиш мақсади бирлаштириб туради. Фаластин шоирларининг энг кўзга кўринган вакиллари: Махмуд Дарвиш, Салих ал-Қосим, Тауфик Зайяд, Салим Жубран ва бошқалардир.

Улар орасида оташин ватанпарвар ва жўшқин интернационалист, коммунист шоир Муин Бисусу алоҳида ўрин тутди. Муин Бисусу ҳақли равишда XX аср араб революцион-демократик шеъриятининг энг истеъдодли намоёндаларидан ҳисобланади. Унинг жўшқин шеърлари фаластин халқининг жанговар кўшиқларига айланди. Муин Бисусу 1928 йил Фаластиндаги Газа шаҳрида бой ер эгаси оиласида туғилди. 1948 йилдаги ҳодисадан кейин у минглаб фаластинликлар билан бирга Мисрга кетди ва ўз тақдирини революция иши билан маҳкам боғлади. У Қоҳирадаги Америка университетининг филология факультетига ўқиб юрган чоғларидаёқ коммунистлар билан яқинлашиб, ўзининг революцион филологияни бошлаб юборди.

Адабиётга Муин Бисусу 50-йилларнинг бошида кириб келди. Унинг ватанпарварлик ва душманга ғазаб тўла шеърлари илк бор Исроил Коммунистик партиясининг «Ал-Иттиҳод» ҳафталик газетасида бошланиб чиқди. 1952 йилда чиққан «Хатлар» номли шеърый тўплами эса шоирга араб дунёсига катта шухрат келтирди. Бу тўплам олти марта қайта нашр қилинди.

1956—1964 йилларда М. Бисусу революцион коммунистик филология учун ҳисба олиниб, Ливия чегараси яқинидаги лагерга жўнатилади. Бу маҳфий сиёсий қамоқ бўлиб, унда бутун араб давлатларидаги минг-минглаб прогрессив кишилар, революционер, коммунистлар сургунда эди. Шоир қамоққа тушиб ҳам курашини тўхтатмади. Энди қалам унинг ягона қуроли бўлиб қолди. Кейинги йилларда унинг бир қатор шеърый тўпламлари нашр қилинди: «Тош ёқанда», «Жанг», «Салибланган Йордания», «Фаластин, қалбимдасан», «Дарахлар тик туриб ўлади», «Дераза ойнасига ёзилган шеърлар», «Мен сени исминг билан аташ учун келдим» ва бошқалар.

Муин Бисусу шеъриятининг асосий мавзуси Ватан озодлиги учун кураш мавзусидир. Шоир ташуҳусида озодлик учун кураш социализм учун кураш билан қўшилиб, шеърият билан ҳаёт ҳам бирдекдир. Шоир ўз Ватани Фаластини бутун араб Ватанининг ажралмас қисми деб ҳисоблайди. Фаластин революциясининг ва босқинчилик зулмига қарши курашаётган барча араб халқлари революцияларининг идеаллари шоир учун ягонадир. Шунинг учун ҳам у муҳожирликдаги шоир бўлиб қолмасдан, умумий араб кураш адабиётига кириб борди ва Мисрнинг ўзининг иккинчи Ватани деб билди.

Фаластин халқининг миллий трагедияси М. Бисусу шеъриятининг асосий мавзусидир. Шоир ўзининг шижоатли ва ғазабга тўла шеърларида ҳалок бўлаётган ва қонга беланган Ватани ҳақида ҳикоя қилиб, келажакка дадил ва умидвор кўзлари билан қарайди.

Муин Бисусу шеърияти революцион қаҳриққ каби жанрғалайди. Кураш М. Бисусу шеъриятининг нафаси ва жанрғидир. Унинг фикрича, тобланган халқнинг ягона йўли инқилобий курашдир.

Шоир ўз шеърларида халқни қўзғолонга, революцияга қаҳриққ. «Биз ўз курашимизни оғир полиция террори шароитида олиб бормоқдемиз,— дейди Муин Бисусу.— Босқинчилар жанговар шоирларимизнинг халқ орасига кириб боришига тўсқинлик қилиб, биз уюштирган

шеърый кечаларни барбод қияптилар. Бундай қийин шароитда шоирларимиз қисқа, мухтасар, лекин душманга қаҳмоқ каби зарба берадиган шеърлари афзал қурадилар. Бундай шеърлар ўқувчиға жанговар қаҳриққдек таъсир қилиб, қалбига душманга нафрат уйғотади ва курашга чорлайди».

«Муин Бисусу,— дейди совет шоири М. Курганцев,— бутун вужуди билан сиёсий шоирдир. Унинг қалбига асримизнинг барча мушуқликлари акс этади». Уз ижодий филологиянинг бошдаёқ шоир араб дунёсидagi сиёсий ва ижтимоий воқеаларни шеърларида акс эттиради. У ўзини бутун араб Ватанининг ўғлини деб ҳисоблаб, фаластин миллий жароҳати бутун араб халқларининг жароҳати эканини сезади. Мисрда яшаган вақтида шоир Миср халқининг миллий озодлик революциясини кўтляйди ва унга бағишлаб шеърлар ёзади.

Муин Бисусу — ватанпарвар шоир, ўз халқининг садоқатли ўғли. У жўшқин интернационалист ва коммунистдир. Шоир ижодини фақатгина фаластин миллий фожиасига бағишламасдан, дунёнинг турли бурчакларидаги мазлум меҳнаткашларнинг оғир ҳаволига ва озодлик учун революцион курашига бағишлади. Шоир улари бир душманга қарши — дунёнинг ҳузр кулларига қарши курашдаги ёвдорларни деб билади.

«Бизни буюк Чили шоири Пабло Неруда сиймоси руҳлантиради,— дейди Муин Бисусу.— У шеърлари билан империализмнинг ёвузликларини ва кирдиқларини фош қилади».

Муин Бисусу Грециядаги фашист режимига қарши курашган грек ватанпарварлари ҳақида, Лотин Америкасидаги революцион кураш ҳақида қатор шеърлар ёзди, Исроил қамоқларида ётган фаластинлик курашчиларни руҳлантирди, уларга мадад берди.

Шоир ўзининг «Таня» сарлавҳали шеърини Ленинград қамалида қолган болаларга бағишлайди: Таня обрезде у уруш ҳавфи остида яшаётган дунёдаги барча болаларни гавделантиради:

Қандай яшамогим керак,
Ахир, бомба дегани эмас-ку олми
Ахир, гудакнича Танядек қизча
Дунёнинг қайсидаг бир шаҳрида
Жаллоднинг келишини куттиб ва
қўриб
Тинчгина оусда ухлай олмас?

Муин Бисусунинг оташин шеърлари дунёнинг кўпгина тилларига таржима қилинган. Чунки улар умуминсоний аҳамиятга эгадир. Улар инсонга муҳаббат билан тўла бўлиб, бегуноҳ гудакларнинг йиғиси ва оналарнинг фарёди билан сугорилгандир.

Муин Бисусу — XX асрнинг энг таниқли араб шоирларидан бири. Унинг ижодига араб шеъриятининг аъёналари ва таъсири ҳам сезилиб туради. Баъзи араб адабий танқидчилари унинг бадий услубини VI аср араб бадавий шоири Шанфарнинг услуби билан таққослайдилар. Шу билан бирга, Муин Бисусу ҳақли равишда ҳозирги араб шеъриятда новатор шоир ҳисобланади. Шоир дунёни маъжозий тасвир этиш соҳасида бутун бир фикрий инқилобни амалга оширганлардан биридир.

Унинг шеърларида Ватан образи кўпроқ аёл тарзида гавделанади. Ватанга муҳаббат ҳислари аёлга муҳаббат орқали ифодаланади. Ундан ташқари, Ватан образи оху, булбул, гул, гудак ва Шахризод шаклида берилади. Исроил босқинчилари эса Муин Бисусу шеърларида кит, чиябўри, калхат ва жаллод бадий образлари воситасида ифода этилади.

Муин Бисусу араб шеърый драма-

сининг асосчисидир. У биринчи бўлиб шеъриятни драматургияга олиб кирди.

Хуллас, Муин Бисусу фақат шоир сифатидагина эмас, балки драматург, публицист, катта сиёсий ва жамоат арбоби сифатида ҳам шухрат қозонди.

Шоир дунёнинг жуда кўп мамлакатларига сафар қилди, ўз таассуротларини публицистик мақола ва китобларида акс эттирди. Унинг араб мамлакатларидаги миллий-озодлик революциялари ҳақидаги, Грециядаги прогрессив антифашист ватанпарварлар ҳақидаги, Афғонистон революцияси ҳақидаги очерклари аниққа диққатга сазовордир.

Муин Бисусу — оташин марксчиленини коммунистдир. У студентлик йилларидаёқ коммунистлар билан яқинлашиб, марксизм-ленинизм ғояларини чуқур ўрганди. У ўз Ватани Фаластинда Коммунистик партия тузиш жараёнида фаол қатнашди. Ҳозир у Фаластин Коммунистик партияси Сиёсий бюросининг аъзосидир. Шоир Фаластин коммунистларининг ўз партияларини тузишдаги филологияларини «Фаластин дафтарлари» публицистик китобида баён қилади.

Муин Бисусу Фаластин Озодлик Ташкилотининг раиси Ясир Арафотнинг маданият масалалари бўйича маслаҳатчиси сифатида ҳам масъулият вазифани бажариб келмоқда. Айни пайтда бу атоқли шоир Осие ва Африка ёзувчилари ҳаракатининг актив иштирокчисидир. У Осие ва Африка ёзувчиларининг барча анжуманларида фаол қатнашади. Ҳозир у Осие ва Африка ёзувчилари ассоциациясининг органи «Лотос» журналининг араб тилидаги редакциясининг муҳаррири бўлиб ишлайди. 1979 йилда у Халқаро «Нилуфар» адабий мукофоти билан тақдирланди.

Муин Бисусу Совет Иттифоқининг яқин дўстидир. У ўз шеърларида улуг Ленин Ватанини — социалистик революция бешигини улуғлайди. Шоир Совет Иттифоқини дунёдаги барча тинчликсевар ва тараққиётпарвар кўчларнинг нажоти ва таяничи деб атайди. У дўсти, прогрессив Покистон шоири Файз Аҳмад Файзга бағишлаб ёзган шеърда: «Москвва қалби биз учун доим очкидир», дейди.

Муин Бисусу Совет Иттифоқига жуда кўп сафар қилган. Шу жумладан, Ўзбекистонда ҳам бир неча бор бўлиб, таассуротларини ўзининг лирик шеърларида акс эттирган. Улар орасида «Самарқанд ҳақида қўшиқ» шеъри диққатга сазовордир. Унда шоир Самарқанд тобора гуллаб-яшай бораётганини тасвирлайди.

Ҳозир М. Бисусу «Менинг Совет Иттифоқим» номли публицистик китоби устида ишламоқда. Унда шоир барча совет республикаларининг ленинча дўстлик оиласида тинч-тотув яшаётганиликлари ҳақида ҳикоя қилади. Китобнинг Ўзбекистон ҳақидаги боби ёзиб туғилди ва тез орада республикамиз мабутоида нашр қилинади.

Муин Бисусу шеърияти совет китобхонларига яхши танилган. Унинг шеърлари «Огонёк» журнали саҳифаларида жуда кўп нашр қилинган. Шоир шу журналнинг 1981 йилги мукофотига сазовор бўлди. М. Бисусу ўз шеърларининг биринчи бўлиб рус тилига таржима қилинганлиги билан фخرланади.

Шоир Муин Бисусу келажакка ишонч ва умид билан қарайди. Унинг шеърлари доим ҳужумда бўлиб, Ватани душманларига ўткир ханжардек бориб санчилади.

Шамсиддин КАМОЛИДДИНОВ

ЮГУРИШ— САЛОМАТЛИК ГАРОВИ



ЁШЛИК

Энди мени элтмаслар асло
Илон нзи сўқмоқлар сенга.
Егар гоҳо булутли осмон
Емгиру бахт бўлиб заминга.

Емгирдан сўнг яшаркан атроф
Туғилди кўнгилда хошиш:
Қани энди, тарафма-тараф
Сенинг билан бўлсам дониш...

Кўрингдан маст бўлиб пойнингга
Юлдузлар ҳам тўкилуру аста.
Юлдуз — ўзинг, юлдузу ойни
Лол қолдирган заминда-пастда...

Ана шундоқ кезиб хаёлан
Тушарканмиз фалакдан пастга,
Кўмсайдирман хорғин қис билан:
«Қайдасан, эй ёшлик, қайдасан!»

Лабларимда лаззатли шивир:
— О, ёшлигим! Гарчи олссан —
Сен шунчалар мендан бир умр,
Бироқ,

Хушу тушимда сен — нур,
Ҳамон — ҳамроҳ, дўсту холиссан.
Сен — ўтган кун, эртам, толеим,
Умри боқийим.



НОН ҚАДРИ

Ҳам очарчилик...
Ҳам аёвсиз аёз...
Бизни асраб қолди ўша йиллари
Қалбда ёвга ўчлик,
Кўзларида ёш —
Бурда нон улашган она кўллари.
Кўлларида — курол.
Ҳам ишонч.
Ҳам сув.

Улимга ҳам тик бордик, бор бўлдик
мангу

Қурашдик, очдан-оч, аммо шиддаткор.
Бизни ёндирдилар,
Аммо қалбимизда сен бор эдинг
Севгимиз — Ватан.
Зим-зиё тунлар.
Йўлсиз қўрқувлар,
Ҳаммаси
Неча бор,
Қуритиб мадор
Йиқитди юз тубан.
Ва биз ҳар гал тикладик қадим
Шердек талпиниб,
Йигиб бор кучни —
Нон ҳаққи учун,
Сув ҳаққи учун,
Оналаримиз кўз ёшлари учун.

ОТАЁР таржималари

Андижонлик қизларимиздан Светлана Улмасова шу йил Афинада ўтказилган Европа чемпионатида югуриш бўйича шоҳсупанинг энг юксак ўрнидан жой олди. Унинг ҳамшаҳари Замира Зайцева эса 1500 метрга югуришда кумуш медални кўлга киритди. Тўғри, бундай спорт натижаларига эришиш камдан-кам кишиларга насиб этади. Республикамиз спортчилари бошқа соҳаларда ҳам муваффақиятларга эриштирадилар. Кунт билан меҳнат — машқ қилган, спортга чинакамига иштиёқи бўлган ҳар қандай киши яхши натижаларга эришиши мумкин...

Мана, уч-тўрт ёшли эркатойлар бор кучлари билан олға талпинаётдилар. Оналарнинг юзларида «йиқилиб кетмасайди», деган хавотир ва айни пайтда ўз фарзандларининг шодон қийқириб югуришларидан, «ғалаба учун кураш» бошлаганликларидан хурсандлик туйғулари акс этиб турибди. Томошабинларда ҳам қизиқиш, ҳажжон... Марра забт этилди. Тошкент шаҳар Куйбишев районидаги 456-боғча тарбияланувчиси 3 ёшли Зиёда Алимова илк бор ғалаба натижасини сурди. У биринчи бўлиб маррага етиб келди.

Кексалар ўртасида ҳам худди шундай мусобақалар ўтказилди. Бунда кўпдан югуриш билан шуғулланиб келаётган Федор Сергунинга ҳеч ким бас келолмади...

Улар кимлар? Бу ўзи қанақа мусобақа? Ҳа, дарвоқе, булар аслида

спортчилар эмас, миллионлар мусобақасида иштирок этаётган оддий кишилардир.

Маълумки, мамлакатимизда шу йил 12 сентябрда югуриш кунини байрами ўтказилди. Бу байрамда республикамиздаги барча шаҳар ва қишлоқлардаги турли касб эгалари, ёшлар ва кексалар ҳам иштирок этдилар. Масалан, республикамиз пойтахтида югуриш байрами ўзига хос тантананага айланди. Уч ёшдан саксон ёшгача бўлган жами 640 минг 400 киши турли масофалар бўйлаб югуришди. Биргина Бухоронинг ўзида Ульянов, Ленин комсомоли, Навоий кўчалари бўйлаб юз коллектив командалари чопиб ўтишди. Югурувчилар байрамда Самарқанд шаҳридаги 150 физкультура коллективининг вакиллари қатнашдилар. Навқирон Навоий областининг марказида ҳам Бутуниттифоқ югуриш кунинда мусобақалар зўр уюшқоқлик билан олиб борилди. Барча шаҳар ва районларда югуриш байрами ўтказилди.

Бутуниттифоқ югуриш кунини мусобақаларида қатнашган югурувчиларнинг ҳаммасини ҳам голиб дейиш мумкин. Негаки, уларнинг ҳар бирининг ўзи эришган рекорд натижалари бор: саломатлик, умри-узоқлик! Бундан ташқари меҳнат унумдорлиги, Ватан бойлиги ва қудрати ҳам кишилар саломатлиги ҳамда қуввати билан ўлчанади-да!

Лекин югуриш учун, соғлиқни мустаҳкамлаш учун бир йилда бир

марта бўладиган югуриш кунини кутиб юриш шарт эмас. Югуриш — ҳар бир кишининг кундалик машғулотига айланмоғи зарур. Спорт ва жисмоний тарбия турлари ичида энг фойдали машғулот югуришдир. Югурганда киши вужудининг бутун аъзолари ҳаракатга келади, қон айланиши яхшиланади. Шу сабабли халқимиз қадим-қадимдан югуришнинг турли ва қизиқарли воситаларидан фойдаланиб келганлар. Чунончи, Наврўз байрамларида меҳсус мусобақалар, ҳар хил ўйинлар (албатта югуриш машқи аралашган) уюштирилганлар. «Зув-зув», «Бекинмачоқ», «Бўтасолай» сингари югуриб бажариладиган ўйинлар эса болаларнинг кундалик машғулотига айланган.

Кейинги йилларда доимий югуриш билан шуғулланувчи эркак ва аёлларнинг сафи анча кенгайди. Ҳатто улар орасида 70—80 ёшга кирган отахонларимиз ҳам бор. Бинобарин, Тошкент шаҳридаги «Меҳнат» стадиони ҳузурда ташкил этилган ҳазаскор югурувчи «Кентавр» клубининг аъзолари ичида бундай кексалар кўп. Бироқ бундай бир-икки муваффақият билан қаноатланиб қолмаймиз. Ҳар бир район, ҳар бир қишлоқда югуриш коллективини тузишимиз, уларнинг сафини йилдан-йилга кенгайтириб боршимиз керак. Зеро, югуриш — миллионлар машғулот.

М. ЭРГАШОВ



Шу йил сентябрь ойда мамлакатимизда «Югуриш кунини» байрами ўтказилди. Тошкент шаҳрида уюштирилган оммавий югуришда 24 минг киши қатнашди. Р. Албеков фотоси

ШАҚИР- ТИКАНАК

Ўзбекистон телевидениеси «Ёшлик» редакциясининг миниатюра-лар театри мухлислари давраси тобора кенгайиб бормоқда. Бунинг сабаби телеминиатюрачилар ҳаёт кун тартибига турган масалаларга фаол муносабатда бўлаётганлари, кишилар гашига тегаетган меш-чанлик, қолақ урф-одатларга қарши вақтида ҳажв тигини қаратаётганларидир.

Қуйда телеминиатюра театрида намойиш қилинган баъзи ин-термедияларни эълон қилмоқдамиз.

ВАДАВАНГ

Эргаш РАИМОВ

Тўйчивой тўй қилдилар,
Тўйи вадавонг бўлди.
Микрофонлар дастидан,
Қулоқлар гаранг бўлди.

Чилдирма, ногорага,
Карнай ҳамоҳанг бўлди.
Шу тунда маҳалланинг,
Асаби таранг бўлди.

ТҶЙ ЯХШИЮ...

Таниш-билиш ёппасига тўй бошлади,
Мулла Мамат ўтирдию бош қашлади.
Чунки тўйга бориб бўлмас асло куруқ,
Бири ошна, бири эса томир-уруғ.
Тўй яхшию, лекин оғир тўёнаси,
Икки тўйга етмай қолди моёниси.
Оқибатда эру хотин жанжаллашди,
Бир-бирини ҳеч аямай сан-санлашди.

ҚИЗ СЕПИ

Хотин деди: «Гап шудир,
Қизга керак гарнитур».
Бор экан, деб, кўргилик
Зир югурди эр шўрлик.
Топди аранг, ҳартугуч,
Тўйга керак гарнитур.

Хотин деди: «Ҳай акам,
Қизга керак тўрт гилам».
Бор экан, деб, кўргилик
Зир югурди эр шўрлик.
Олди гиламини аранг,
Ҳамёнинг аҳволи танг.

Хотин деди: «Ҳай эржон,
Керак цепочка-маржон».
Бор экан, деб, кўргилик

Зир югурди эр шўрлик.
Қарз кўтарди бир «пачка»,
Қизга олди цепочка.

Обрўйининг белгиси,
Қизининг йўқ «Хельганси».
Бор экан, деб, кўргилик,
Зир югурди эр шўрлик.
«Хельга» деб чопди ҳар ён.
Қизда қолмасин армон...

Хотин деди: «Хрустал...
Эри кўп бўлди музтар».
Бор экан, деб, кўргилик
Зир югурди эр шўрлик.
Энди кимга қилсин араз!

ШОҚОСИМ ШАШТИДАН ҚАЙТДИ

Элбек МУСАЕВ

Шоқосим уйига хурсанд ҳолда
қириб келди.

Шоқосим. Қаврдасан, онаси!
Шоҳида!

Қўшни хонадан хотини Шоҳида
чиқади.

Шоҳида. Ҳа, дадаси, бугун эр-
тароқ келибсизми?

Шоқосим. Ишга кетаётиб, айт-
дим-ку, сенга: «Эртадан бошлаб от-
пуска», деб. Ҳисоб-китобни тўғрилаб,
чўнтакларни тўлдириб, кайфни чоғ
қилиб, эртароқ қайтдим-да, онаси.

Шоҳида. Мен ҳали овқатга ҳам
унмамаган эдим, овқат пишгунча
чай-пой ичатурасиз-да, а, дадаси?

Шоқосим. Овқатингни қўйиб
тур ҳозир, мана бундай ўтир, сен
билан гаплашадиган гап бор, онаси.

Шоҳида. Яхшилик гапми?
Шоқосим. Яхшилик бўлмай,
ёмонлик бўладими. Гап шуки, ойлн-
ни эрта билан олиб келасан.

Шоҳида. Майли... лекин нега бу
сафар...

Шоқосим. Биз курортга кетсак,
болаларга ким қараб туради? Ойинг
қараб турадилар-да.

Шоҳида. Курортга дейсизми?
Шоқосим. Ҳа, нега ҳайрон бў-
лялсан?

Шоҳида. Бундай одатингиз йўқ
эди-ку?

Шоқосим. Бўлмаса бўлмаган-
дир аввал, мана энди бўлиб қолди.
Иссиққўлга иккита путёвка бор экан,
гаплашиб келдим. Икки кундан кейин
бориб, 50 процент пулини тўлаб
олиб келаман, қолганини местком
тўлайди. Биринчидан кетамиз.

Шоҳида. Жуда яхши ўйлабсиз,
дадаси. Биз ҳам бир бошқаларга
ўйлаб дам олиб келайлик. Ойин-
ларни эртагаёқ олиб келаман. Кейин
хотиржам кетаверсак ҳам бўлади.

Шу пайт эшик кўнжироғи
чалнади.

Шоқосим. Чикиб қара-чи, бир-
ов келди шеклили?

Шоҳида чикиб Шожалилни бош-
лаб киради.

Шожалил. ...Тинч ўтирибсиз-
ларми... Шоқосим акам уйдимикан-
лар, деб тусмоллаб келаётган эдик.
Ассалому алайкум.

Шоқосим. Ваалайкум ассалом,
келинг, дўстим, аҳволларингиз яхши-
ми, уй ичлар тургичми, яхши ўтириб-
сизларми? Нечук, қандай шамол
учирди?

Шожалил. Тўй бошлаб қўйдик,
Шоқосим ака. Уғилчанинг бошини
иккита қиляямиз. Тўйга айтиб кел-
дим, шанба оқшоми марҳамат қиля-
сизлар.

Шоқосим. Муборак бўлсин,
муборак бўлсин. Жуда яхши бўлиб-
дида. Шу шанбагами?

Шожалил. Ҳа, шу шанба оқшо-
ми. Албатта кутаман, бир кўраётган
тўйимиз.

Шоқосим. Борамиз, албатта,
борамиз.

Шожалил. Энди менга рухсат,
Шоқосим ака.

Шоқосим. Чой-пой ичмасдан-а?
Шожалил. Раҳмат, чой ичиш
қочмас, ҳали борадиган жойлар кўп,
хайр, тўй кунни кутаман.

Шоқосим. Омон бўлинг.

Шожалил чикиб кетади.

Шоҳида. Дадаси!
Шоқосим. Лаббай, онаси!

Шоҳида. Шожалил ака — қадр-
донингиз, бирон дурустроқ тўёна
қилмасангиз бўлмайди, эсингиздами,
янги уйга кўчиб келганимизда, 150
сўмлик гилам совға қилган эди.

Шоқосим. Ҳа, эсимда, мен ҳам
шунни ўйлаб турган эдим. Бирон
нарсга совға қилмасак бўлмайди.

Шу пайт телефон жириглайди.
Шоқосим трубкани олади.

Шоқосим. Лаббай, эшитаман!
Э, ассалому алайкум, Турдивой ака...
Ҳа, ўзимман... Соғлиқларингиз яхши-
ми? А? Раҳмат. Тинч ўтирибмиз...
Тўй бўлиб қолди дейсизми? Қандай
тўй? Қизимни чиқаряпман? Дарров-а.
Ҳа, дарвоқе, 20 га тўлиб қолди-я.
Қайси кунни дейсиз? Шу жуагами?...
Йўқ, келиб овора бўлиб юрманг,
мана шу айтганингизни ўзи кифоя.
Хўп, хайр, омон бўлинг.

Шоҳида. Турдивой ака ҳам қи-
зини узатадиган бўлиб қолибди-да.
Унга ҳам бирон нарсга тўёна қилма-
сангиз бўлмайди. Шомуродни уй-
лантиргангизда, шифонер совға
қилган.

Шоқосим [жаҳл билан]. Била-
ман, гапининг мазмунидан шунга ўх-
шаш: «Қайтарасанми?» деётганга
ўхшайди.

Шоҳида. Қайтарасиз-да, бўй-
нингиздаги қарзни узмасак бўлади-
ми?

Шу пайт эшик кўнжироғи
жириглайди.

Шоқосим. Яна биров келди
шеклили?

Шоқосимнинг жияни Шоносир
қириб келади.

Шоносир. Ассалому алайкум,
тога.

Шоқосим. Ваалайкум ассалом.
Кел жиян, келақол, яхшимисизлар?
Опамнинг соғлиқлари яхшими?

Шоносир. Яхши ўтирибмиз,
салом айтиб юбордилар. Бугун кеч-
қурун уйга борар экансиз.

Шоқосим. Нима гап, тиячлик-
ми?

Шоносир. Тўйнинг маслаҳатини
қиламиз, деялтилар.

Шоқосим. Яна қанақа тўй?
Шоносир. Василга совчилар
келиб қўймаётган эмиш, числонинг
биринчи ёр иккинчисига тўй қиламиз,
деялтилар.

Шоқосим. Опамга ҳам ҳайрон-
ман, совчилар бир нарсга деса, хўп
деверадиларми?

Шоносир. Билмадим...
Шоқосим. Бўпти, боравер.
Кечқурун келар эканлар, дегин.

Шоносир чикиб кетади.

Шоҳида. Дадаси, тўйларнинг
ҳаммасига борсак, путёвка кўйиб
кетмайдами?

Шоқосим. Жуда соддасан-да,
хотин, тўйга борсак-бормасак дей-
сан, бизнинг борган-бормаганими-
нинг қизини йўқ уларга, асосий
гап — тўёнада, тўёнани қилиб, инде-
май кетаверсак, ҳеч ким хафа бўл-
майди биздан.

Шоҳида. Шундай қила қолай-
лик, бўлмасам.

Шоқосим. Шундай қилсак, пу-
тёвкани нимга оламиз, хотин?


Шоҳида. Отпускаи пулига ола-
миз-да.

Шоқосим. Отпускаи пули тўёна-
лар билан учма-уч бўлади.

Шоҳида. Унда Иссиққўл нима
бўлади, дадаси?

Шоқосим. Нима бўларди, Ис-
сиққўл совиб, музқўлга айланади.
Ундан кейин мана шу ердаги «Ро-
ҳат» қўлга бориб, «роҳатлини»
дам олаверсан.





Хосиятхоннинг уйи.
У қўшниси бўлиш
Меҳри опа билан қизгин сўхбатда.

Хосият. Дилимдан ўтиб юрар эди: «Шоадки, яхши жойга қуда бўлсам, кўвими топарман-тутарман, серҳимат бўлса», деб. Буни қарангки, айлавай Меҳринисо, айни кўнглимдагидек-а. Кўвими барака топсин. Қизинга келган сарполар бири-биридан асил, бири-биридан ноёб буюмлар, йигирма беш сидра — атласнинг ўзидан ўн икки хил. Менга бош-оёқ, дадасига бош-оёқ сарпо. Қўйинг-чи, кичкинтой ўғлимга ҳам бош-оёқ сарпо юборибди.

Меҳри. Узим тепасида бўлдимиз келган сарполарга қўни-қўшниллар, қариндош уруларингиз, ҳатто кеккайиб юрадиган ану амакингиизнинг қизи бору...

Хосият. Нозилахон.
Меҳри. Уша ҳам қўриб қойил қолди. Секингина менадан сўради: «Кўёв тўра қаерда ишлар экан?», — деб.

Хосият. Айтмадингизми: «Омонат кассада мудир экан», деб. Амакиннинг қизи бўлса ҳам фалатирок, назаримга, яхши жойга қуда бўлганига қўйиб кетди. ЗАКСининг ўзида йигирма саккизта енгил машина қатнашди. Ҳаммаси келинчақдек безатилиб, пешонасига жиға санчилган. Кўрдингиз-ку кўнча, бошидан-оёқ рад-рад машинага тўлиб кетди.

Меҳри. Ҳа... Ҳаммининг ҳаваси келди, кўёвингиз ЗАГСни ҳам ўрнига қўйди.

Хосият. Сиз доно аёлсиз, Меҳринисо, индаллосини айтинг, қўшниси Шоди прорабнинг тўйидан бизни тўй қолишмади, ростини айтинг?

Меҳри. Вой, ундан сиз ўн чандон баянд кетдингиз. Қўша-қўша қарнай, сурнай, манаман деган хонанда, созада, раққосалар сизнинг тўйингизда бўлдию...

Хосият. Кўёвининг ҳимматини кўриб, биз ҳам қараб тура олмадик. «Қарз-ҳавола қилсам ҳам, беллашаман», деб қолдилар дадаси. Кўёв дастурхонига суя ўрнига ароқ, коньяк тортилди. Етти қўйнинг гўшти етмади, дейишиб, катта буқани ҳам қурбон қилиб юборишди. Дастурхонга тортилган таомлар, ноз-неъматлар шундай қилиб кетди. Ҳузурини анҳор кўрди.

Меҳри. Хуллас, тўйингиз тўйимсан тўй бўлди-да.

Хосият. Киройи, бўлганга яраша тўй-тўйдек бўлсин, дедик-да.

Меҳри. Қўша қаришсин, бу дейман, омонат кассада ҳам даромад кўп бўлар экан-да, Хосиятхон?

Хосият. Узумини енгү боғини суриштирманг, деган эканлар. Ҳар ҳолда пул ичда. Мудир бўлгандан кейин ким билади, дейсиз, даромад бўлса бордир.

Кўёвнинг уйи.
Кўёв-келини мунозарарада.

Келин. Сизни биров мажбур қилгани йўқ. Нега ўзаро ёрдам кассасининг пулини тўйга сарфладингиз?!

Кўёв. Маҳаллангиздаги Шоди прорабнинг тўйида бўлгандим. Ушандан кам бўлмасин, деган ҳаёлда, ортиқча сарф-харажат бўлиб кетди. Менга қаранг, Лолахон. Сиз билан ахил бўлсак бўлди-да. Ўзаро ёрдам кассасининг пулини эртами-кечми, ўрнига қўйиб қўяман, фақат сиз ранжимасангиз бўлди.

Келин [қулимсираб]. Нега мен ранжир эканман? Қарздан қутилсангиз, фақат севинаман.

Кўёв. Раҳмат, Лолахон. Мен бир фикрдаман. Ортиқча буюмларингизни сотиб, ўзаро ёрдам кассасидан олинган пулни тўғрилаб қўйсам, кейинчалик бирин-бирин пул тўплаб олиб бераман.

Келин. Нима ортиқча, нимани сотмоқчисиз?

Кўёв. Катта гиламни сотсак.

Келин. Вой, гилам! Гилам омонат эди-ку.

Кўёв. Омонат? Омонатингиз нимаси?

Келин. Омонат-да... Омонат! Ойим одамларнинг қўзига шунчаки сеп қилиб қўшган эдилар-да, сиз ҳаражатини жуда каттадан бошладингиз. Ушанга қўра...

Кўёв. Омонат денг?

Келин. Ҳа, омонат. Холамлари-нинг гиламлари.

Кўёв. Палакни сотсак, минг сўмга олармикан?

Келин. Қанчага олишини билмайман-ку, палак — омонат. Маҳалланики. Ким қиз узатса беришад-да, кейин олиб кетишади. Омонат.

Кўёв. Гарнитур-чи?

Келин. Гарнитур... Ойим: «Ёш-сизлар, бир гарнитурни ўзларингиз ишлаб оларсизлар», — деб, вақтинчалик тоғамнинг...

Кўёв. Омонат?

Келин. Ҳа... Омонат.

Кўёв. Бўйингизда бир шода дур кўрган эдим.

Келин. Дурми? Омонат эди. Бугун олиб кетишди.

Кўёв. Ишқилиб, ўзингиз омонат эмасисиз?

Келин. Мен омонат эмасману, сиздан хавотирланиб қолдим.

Кўёв. Узим ҳам ўзимдан хавотирланиб турибман. Кассанинг пулини ўрнига қўёлмасам, мен ҳам омонат. Дадангиздан қарз сўрасак, бериб турармиканлар?

Келин. Дадам сиздан қарз сўрамоқчи эдилар.

Кўёв. Қарз! Менадан!.. Демак... демак, ҳаммамиз омонат эканмиз-да. Довруқ солиб қилган тўйимиз ҳам бурнимиздан чиқади шекилли...

1. Ўзбек халқ куйи.
2. Чолғу асоби.
3. Хушбўй ўсимлик.
4. Улуғ ўзбек шоири ва мутафаккири.
5. Ойбекнинг «Қутлуг қон» романи қаҳрамони.
6. Янги усул мактаби очиб, унга рус тили программасини киритган ўзбек маърифатпарвар шоири.
7. Тошкент билан биродарлашган Африкадаги давлат пойтахти.
8. Қўхна шаҳар.
9. Аёллар рўмолининг бир тури.
10. Абу Али ибн Сино тўғилган қишлоқ.
11. Ўзбек-совет геолог олими.
12. Сома тури.
13. Қишлоқ ҳўжалигининг бир тармоғи.
14. Техника экинни.
15. Миллий ифтихоримиз.
16. Республикаимиздаги дарё.
17. Атоқли ўзбек кинорежиссёри.
18. Ўза касаллиги.
19. Пахта нави.
20. Моҳир раққоса.
21. Ширинлик.
22. Бухородаги архитектура ёдгорлиги.
23. Таомга лаззат киритувчи хушбўй ўсимлик.
24. Тоғ ўсимлиги.
25. Баҳор гули.
26. Оналар қўшиғи.
27. Ленинск шаҳрининг қадимги номи.
28. Газлама.
29. Кулолчилик мосламаси.
30. Ўзбек классик адабиётининг йирик вакили.

Тузувчи: **Файз ҒАФУРОВ**

10-СОНДА БОСИЛГАН «ПАХТА» ЧАЙНВОРДИНИНГ ЖАВОБИ

1. Мироб.
2. Барг.
3. Гербицид.
4. Дефолиация.
5. Яғая.
6. Агротехника.
7. Арғон.
8. Момиқ.
9. Қашқадарё.
10. Ер.
11. Ўза.
12. Аммиак.
13. Қунжара.
14. «Азамат».
15. Топко.
16. Охунова.
17. Азот.
18. «Тошкент».
19. Терим.
20. Мираҳмедов.
21. Вильт.
22. Тўғимчилик.
23. Қўса.
24. Қўлтўция.
25. Яқоб.
26. Бункер.
27. Рага.
28. Адрес.
29. Саяна.
30. Агрегат.
31. Турсуқулов.
32. Вобкент.
33. Тола.
34. Андижон.
35. Носиров.

СССРнинг улуг тўйини — 60 йиллик юбилейини муносиб кўтиб олиш билан боғлиқ тарзда ўтказилган муҳим тадбирлардан бири — «Тошкентнинг олтин кўзи» Бутуниттifoқ санъати фестивали совет санъатида мавж ураётган янги тўлқинни яна бир марта яққол кўришга имконият берди. Бу санъат байрами СССР халқлари ленинча дўстлигини, қардош совет халқлари маданиятларининг гоъий бirlиги ва миллий ўзига хослигини, совет санъаткорларининг халқ ҳаёти билан ниҳоятда яқинлигини тагин бир қарра намойиш қилди.

Суратда: 1. СССР халқ артисти Зайнаб Хонларова кўйламоқда. 2. Сибирй ийит-қизлари рақс тушганларида...

С. Бараников фотолари

Бoш редактор МИРМУҲСИН

Редколлегия: Сарвар АЗИМОВ, Воҳид ЗОҲИДОВ, Наримон ИБРОҲИМОВ (бош рассом), Маҳмуд МУЙДИНОВ, Анвар САИДУМАРОВ (масъул секретарь), Саид ШЕРМУҲАМЕДОВ, Комил ЯШИН, Азиз ҚАЮМОВ, Муҳаммадали ҚУШМОҚОВ, Ислиддин ҲАЙДАРОВ, Оқилхон ҲУСАНОВ (бош редактор ўринбосари), Ҳаким ҲУСНИДДИНХУЖАЕВ

«Гулистон» — ежемесячный общественно-политический, литературно-художественный журнал ЦК КП Узбекистана (на узбекском языке).

Адресимиз: 700000, Тошкент — П. Ленин кўчаси 41.

Редакция телефонлари: бош редактор — 33—35—20; бош редактор ўринбосари — 33—35—90; масъул секретарь — 32—58—33; ижтимоий-сиёсий бўлими — 33—36—59; адабиёт ва санъат бўлими — 33—36—02; фан ва маданият ҳамда рассомлар бўлими — 32—58—32.

Босмахонага туширилди 27.09.82 й. Боснига рухсат этилди 29.10.82 й. Р—07455. Қоғоз 70×108½. Воқиқ усулда босилди. Шартли босма тобоқ 5,6. Нашр ҳисоб тобоғи 7,80. Тиражи 248950. Буюртма 4326. Нашр А—110.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриёти Меҳнат Қизил Байроқ ордени босмахонаси. 700000. Тошкент, ГСП, «Правда Востока» кўчаси, 26.

МУҚОВАДА

Биринчи бет: Рассом И. Кроминарецини «Жаҳонга тинчлик» плакати. (Москва, «Плакати» нашриёти, 1982 йил). Ендаги суратларда Тошкент Қизил майдонида СССР ташкил топган куннинг 60 йиллигига бағишланган байрам намойиши.

Иккинчи бет: Тошкентда Ун тўрт комиссарга ҳайкал. Н. Шарипов фотоси

Тўртинчи бет: Д. И. Махотининг «Халқлар дўстлиги» плакати (Гафур Гулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти).



БАИРОҒИМИЗДА БАРҚ УРАР



ISSN 0434—2207

Баҳоси 35 тийин

Индекс 75233.